

БУХОРОИ ШАРИФДА
ЯШАБ ЎТДИ ШУНДАЙ
БИР ОДАМ...

ЎЗБЕК ТИЛШУНОС ОЛИМИ


МУСТАҚИМ МИРЗО

ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

GOSHDONTAU



0000001519






**БУХОРОИ ШАРИФДА
ЯШАБ ЎТДИ ШУНДАЙ
БИР ОДАМ...**

ЎЗБЕК ТИЛШУНОС ОЛИМИ

МУСТАҚИМ МИРЗО

ЗАМОНДОШЛАРИ ХАТОИРАСИДА
(1912–1990)

5191





Муаллимнинг қатъийлик ва талабчанлиги шогирдга маънослик эмас, балки зайрат ва шижоат бағишлаши лозим.

Мустақим Мирзаев

УЎК 37(575.1)(092)

74г(5Ў)

М 54

Мирзаева, О.

Бухорои шарифда яшаб ўтди шундай бир одам... [Матн] /
О.Мирзаева, Ш.Мирзаев. - Бухоро : "Sadriddin Salim Buxoriy"
Durdona nashriyoti, 2019. - 200 б.

КБК 74г(5Ў)

Мирзо Шариф (М.М.Мирзаевнинг боболари), Мирзо Бой (М.М.Мирзаевнинг падари бузруклари), Мирзо Жон (М.М.Мирзаевнинг амакилари), Мукаррама Ваҳобова (М.М.Мирзаевнинг волидаи мухтарамалари), Муҳаррам Мирзаева (М.М.Мирзаевнинг умр йўлдошлари) ҳамда Мустақим Мирзаевнинг пок руҳларига ва ёрқин хотираларига бағишланади.

Наширга тайёрловчилар:

Олима Мирзаева, М.М.Мирзаевнинг қизлари, филолог, Бухоро телерадиокомпанияси ходими.

Шавкат Мирзаев, М.М.Мирзаевнинг ўғиллари, Бухоро Давлат университети физика-математика факультети декани, техника фанлари доктори, физика кафедраси профессори.

Масъул муҳаррирлар:

С.АЗИМОВ, филология фанлари номзоди, Бухоро Давлат университети доценти;

Д.ҚУВВАТОВА, Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори;

Л.ШАРИПОВА, филология фанлари номзоди, Бухоро Давлат университети доценти.

ISBN 978-9943-5610-5-2

СУЗ БОШИ

УМРИНИ ИЛМ САОДАТИ-ЛА БЕЗАГАН ИНСОН

*Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.*

Саъдий Шерозий

Бухородан егишиб чиққан аллома ва фозил инсонлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири бетакрор хусусияти, эзгу амаллари билан шу замин обрў-эътиборини, нуфузини оширишга қанча миқдордадир улуш қўша олгани жиҳатидан халқ хотирасида қолган. Улар орасида жуда кўпчилиги умрини фанга, илмга бағишлаб, шу йўналишда муттасил изланишлар олиб бориб, ҳаёт йўлини илм саодати билан безаган инсонлардир. Илмда топган ютуқларини сеvimли ватандошларига эҳсон қилиб борган бундай закий инсонларга ҳеч вақт мансабу мартаба, бойлик ва амал қизиқ бўлмаган. Бу каби ҳою ҳавас бозоридан улар ўзларини анча дур тутганлар. Шундай ажойиб инсонлардан бири ўзбек тилшунослигининг таниқли вакили, машҳур шевашунос олим, ўзбек диалектологияси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли устоз, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев эди.

Агар олим шу кунларгача яшаганларида, бу йил роппароса 106 ёшга тўлган бўлардилар.

М.Мирзаев хотирасига бағишланган ушбу тўплам уни курган ва билган яқинлари, аҳли оиласи, фарзандлари, неваралари, ҳамсафлари, дусту биродарлари, ҳамкасблари, шогирдлари, хусусан, Бухоро давлат университетининг профессор-ўқитувчиларидан тортиб, домланинг маъруза-

ларини тинглаб, завқли билим олишга муяссар бўлган собиқ талабаларнинг хотира мақолаларидан юзага келган. Унда олимнинг ўзбек тилшунослигини ривожлантириш йўлидаги фидойилиги, жонкуярлиги, бу борада яратган илмий тадқиқотлари, монография ва рисоалари, ўқув, ўқув-методик қўлланмалари, илмий-усулий мақолаларининг фан ва таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти, қадр қиммати, дарсларининг ўзига хос тарзда ташкил қилиниб утказилгани очиб берилган тезис ва мақолалар жамланган. Шу жиҳатига қура, у тилшунос олимларнинг, соҳага кириб келаётган ёш тадқиқотчиларнинг, умуман айтганда, филология муаммоларига бефарқ бўлмаган инсонларнинг, бакалавр талаба ва магистрларнинг, она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг назаридан четда қолмаслиги тайин.

Бу кўҳна ва навқирон Бухоромизда ўз умрини эзгуликка бахшида қилиб, унинг равнақи йўлида куйиб-ёниб яшаган Мустақим Мирзаевдек инсонлар жуда кўп эса-да, ҳар бирининг ўз ўрни ва мақоми бор. Бундай яхши инсонлар юртдошларимиз қалбидан асло ўчмайди. Уларнинг номи асло унутилмайди. Доим яхши инсон сифтида эсланиб, ўзи бўлмаса-да, хотира кечалари утказилиб турилаверади. Бундай одамлар билан ҳамсухбат, ҳаммаслак бўлган кишилар, айниқса, шогирдлари, дусту биродарлари, қариндош-уруғлари ундан ўзларини ҳеч сабабсиз бурчдор, қарздор ҳисоблайверадилар. Уни жуда самимий ҳурмат туйғуси билан ёд этадилар. Айнан ана шу ҳолат ёшлар қалбига “яхши яшасам, ҳамма яхши кўраркан-да” деган туйғуни сингдиришига шубҳа йўқ.

Мустақим Мирзаев ибратли ва файзли умр йўлини босиб ўтган, кўпчилик хотирасида ёрқин из қолдирган улўф

донишманд инсонлардан бири сифатида уз ҳаётий принципларига эга эди. У, аваало, умрининг ҳар бир онини, кунини ва йилини беҳуда ўтказмади. Ҳаётининг ҳар бир дақиқасини мазмунли ишларга, айниқса, илм олишга ва ёшларга билим беришга сафарбар қилиб яшади. Онгли меҳнат фаолиятини кўпроқ ёшларга сабоқ беришдек энг хайрли ва савоб ишга бахшида қилди. Уқитувчилик ва илмий тадқиқотчилик борасидаги интилишу изланишларини ҳамиша фидойилик билан амалга ошириб келди. Мана шуниси билан эл назарига тушди. Мана шуниси билан кўпчилиikka ардоқли бўлди. Халқ айтганидек, меҳнат, илм унга бахт келтирди.

Умрини илмга, ёш авлод таълим-тарбиясига боғлаган олим ҳар бир жабҳада илм-адаб аҳлининг самимий ва беғараз дўсти бўла олди. Гарчи у сабоқ берган талабаларидан гўё “беш” баҳони қизғангандек туюлса-да, аслида уларнинг камолига ўта хайрихоҳ эди. Бухоролик талабалар “Мустақим Мирзаев имтиҳонидан ўтган талабагина, узфилфакни битира олади” шиорини узбек филологияси таълим йўналиши бўйича талаба бўлган кунидан бошлаб эшитиб, билиб, шунга интилиб яшашарди. Шу юксак талаб натижасида уларнинг интилиши ҳам баланд даражада булардики, домланинг кўзлаган мақсади асли шу эди. Шу талаб билан у талабаларни кўпроқ ўқишга жалб этарди. Бу унинг ўқитишни ташкил қилишдаги ўзига хос бир методи эди, дейиш мумкин.

Ушбу мақолалар тўплами учун тўпланган мақолаларни бизгача таниқли олим, зукко филолог, адабиётни эътиқод даражасига кўтарганидан, уни қалбан чуқур ҳис этиш бахтига эришган олижаноб инсон Самад Азимов ўқиб

чиққан эдилар. Афсуски, домлага тўпламнинг сузбошисини ёзиш насиб этмаган экан. Эҳтимол, қодир Оллоҳнинг истаги билан, домла ёзмоқчи бўлган сўзларини Арши аълода, Мустақим Мирзаевга тўппадан-тўғри етказиш бахти муяссар бўлгани учун шошилгандирлар?!

Бугун Яратганга ҳамда шу иккала азиз ва муътабар устознинг руҳига дуо айтган ҳолда, уларни билганлар, хотирасини ёд этаётганлар номидан жойларини жаннатдан сураб, руҳи покларига хотиржамлик тилаб қоламиз! Улар бошлаган хайрли ишларни ҳамиша тинч ва мустақил юртимизда давом эттириш бахти бизни тарк этмасин. Зеро, илм нури инсоннинг ҳаёт йўлидан тортиб, қалби тубигача ёруғ айлаши шундай мақом билан яшаб ўтган одамлар умри орқали исботини топган ҳақиқатдир!

Ҳа, Бухорои шарифда Мустақим Мирзаевдек улуғ бир одам яшаб ўтди. У тил илми ва таълимнинг фидойиси, жонкуяри, беназир тилшунос, қатъий ва талабчан устоз, ғайратли ва шижоатли инсон, ҳалол ва камтарин дуст, меҳри уммон оилапарвар падар эдики, шу фазилатлари уни ҳаммага суюмли қилди.

Бугун Мустақим Мирзаев таълим-тарбиясини олган шогирдлари ва фарзандлари сафидан унинг ўзи каби фан докторлари-профессорлар, фан номзодлари-доцентлар етишиб чиқди. Айниқса, устознинг сузга масъулият ва ҳурмат туйғуси билан ёндашгани оилада ҳар бир фарзанднинг ҳам шундай бурч ила тарбия топишига замин яратди. Бугун олимнинг яккаю ёлғиз ўғли Шавкат Мирзаев нафақат республикамизда, балки хорижда номи танилган физик олимлардан, техника фанлари доктори, профессор-дир. Қизлари Олима Мирзаева филолог бўлиб, кўп йиллар

Бухоро телерадиокомпаниясида сухандонлик қилди. Роҳила Мирзаева ҳам филолог касбида қатор йиллар Бухоро вилоят “Ўқитувчилар малакасини ошириш ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш институти” Тиллар кафедрасида фаолият юритди. Мана шундай зиёли инсоннинг зиёли фарзандлари бугун ўз оталари билан фахрланиб, унинг хотирасини эъвозлаб, М.Мирзаев ҳақида замондошлари хотирасида қолган дилбитикларини йиғиб, ушбу ўқимишли китобнинг яратилишида ташаббускор бўлишгани олқишга сазовордир. Агар ҳар бир фарзанд ўз ота-онасини Мирзаевлардек ардоқлай олса, ҳадисларда айтилганидек, тангри ризолигига ҳам эришгайлар!

*Дармоной УРАЕВА,
филология фанлари доктори,
БухДУ профессори*

*АДАБИЙ ТИЛ гўё тарозини эслатади:
палланинг бирига оғзаки нутқни қўйсак,
иккинчисига «улчов тоши» – ОРФОЭПИЯни
қўямиз; агар паллага ёзувни қўйсак, иккин-
чисига «улчов тоши» – ОРФОГРАФИЯни
қўямиз. Оғзаки нутқ билан ёзув адабий тилимиз
учун бир «она»нинг эгизаклари кабидир.*

Мустақим Мирзаев

ЯШАБ УТДИ ШУНДАЙ БИР ОДАМ...

«Профессор Мирзаев», «Мустақим Мирзаевич», «Домла Мирзаев», «Мустақим домла»... дея ҳар ким ўз мавқею даражасига яраша ҳурмат билан тилга оладиган, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Бухорода, нафақат Бухорода, балки бутун республикада ва ундан ташқарида илму фан аҳли орасида ўзига хос нуфуз соҳиби булган бу таниқли тилшунос олим ҳақида купдан бери ният қилиб юрган қалбим тубидаги эркин хотираларимни, ниҳоят, бугун қоғозга туширишга жазм этарканман, «Домла ҳаёт бўлганларида, балки, бу битикларимдан ҳам минг битта хато топиб, мени яна таъна-ю танбеҳларга кумиб ташлармидилар? – деган иштибоҳ шууримдан «ялт» этиб утди...ва барибир Устозни эслаш шогирдга ҳам қарз, ҳам фарз эканлигидан юпанч топиб, муборак руҳларини шод этиш тасаллоси билан «азми баён»га киришдим.

Домлани таниганлар, ҳамкасблари, шогирдлари, турли мавридда суҳбатдошлик шарафидан баҳра топганлар менинг бу гапларимнинг муболағага асло дахли йўқлиги, ҳаққастрост эканлигини тасдиқлашларига имоним комил.

Зотан, филология фанлари доктори, Бухоро Давлат педагогика институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мустақим Мирзаев бир умр ўзбек тилининг софлиги, ёзувда ҳам, сўзлашувда ҳам хатога йўл қўйилмаслиги учун, тилимиз ганжинасидаги ҳар бир сўзнинг имло ва талаффузига ғубор қўнишининг олдини олиш учун, ўзбек тили бўстонидаги ҳар бир гул файзига раҳна солувчи шумғияларни юлиб ташлаш учун муросасизларча курашдилар ва бу курашни ўзларига тақдир амри деб билдилар.

Уша даврнинг ўзини зиёли, маданиятли санаган ҳар бир кишиси домланинг бу ўжар феълларини яхши билар, бу борада ҳеч кимни рўйи-хотир қилиб турмаслигидан хабардорлиги учун у киши билан сўзлашув асносида ўзларини худди қилич дамида юраётгандай ҳис қилар, айтадиган фикрини етти ўлчаб, бир сўйларди.

Домланинг шогирди профессор Ҳамид Неъматов билан Мустақим Мирзаев ҳақида радиода хотира эшиттириши тайёрлаганимизда у киши устозларининг сунгги дамлари туғрисида латифанамо бир воқеани сўзлаганди:

Мустақим домла оғир бемор ётиб, ҳаётларининг охирига лаҳзалари кечаётган дамда алаҳсираб, уғиллари Шавкатни сураб қолибдилар. Шунда ёнларида куз ёш тукиб утирган рафиқалари йиғи аралаш секингина:

– Шавкатжон ҳозир келади, дадаси... уни военкоматга чақирган эканлар. Шунга кетувди, – деб беморни тинчлангирмоқчи бўлибдилар.

– Нима... нима дедингиз, – ҳолсизланиб ётган домла юмуқ кузларини ярқ этиб очибдилар. Сўзлашга келишмаётган тиллари бурролашибди, – военкомат дедингизми? Военкомат деманг... Военкомат эмас... Ҳарбий бошқарма денг! Ҳарбий бошқарма... – дея инграбдилар-да яна кузларини юмибдилар...

Билмадим, бу бўлган воқеами ёки домланинг сунгги нафасигача тилимиз покизалиги учун жонкуярлигини исботлаш учун шогирдлари тўқиган образли ифода тарзими, айтолмайман, фақат, шубҳасиз, шундай бўлиши ҳам мумкинлигига кафолат бера оламан. Чунки бундай ганбеҳу дашномларни менинг ўзим ҳам, дастлаб ўқитувчи-

ю галаба, сўнгроқ устозу шогирд мақомидаги муносабатларимиз даврида кўп бор эшитганман...

Домла Мустақим Мирзаев билан илк «тўқнашув»имиз институтнинг биринчи курсида, биринчи дарс соатидаёқ бошланди ва бу «зиддият»... узоқ давом этди.

Мен ҳарбий хизматни тутатиб, институтга ўқишга кираётганимда ўзбек тили ва адабиётидан кириш имтиҳонини домлалар Мустақим Мирзаев ва Саиджон Алиевлар олишган эди (бу ҳақда Саиджон Алиев ҳақидаги хотираларимда батафсил ёзганим сабабли такрорлаб ўтирмайман).

Ўқув йили бошланиши арафасида курс сардори (староста) сифатида менга деканатдан «Курс журнали»ни беришиб, саҳифаларни белгиланган фанлар учун тақсимлашим ва уша дарсни ўтадиган ўқитувчилар исми ва фамилиясини ажратилган саҳифалар устига ёзиб қўйишимни топширишди. Деканатда тузилган рўйхат юзасидан шуларни ёзиб чиқдим. «Эски ўзбек ёзуви» фанидан бизга дарсга кирган домла Мирзаев курс журналини очар эканлар, ўз фамилияларини қўриб, бирдан овозлари ўзгарди, бир журналга қараб, бир аудиторияга қараб, сўрадилар:

– Буни ким ёзди?

– Мен, – дедим хавотир билан ўрнимдан туриб.

– Старостамисиз?

– Ҳа...

– Старосталикка тоза саводи гуллаган кишини қўйишибди-ку, а? – дедилар домла у кишига ҳаяжон билан тикилиб турган талабаларга заҳархандали нигоҳда қараб.

Мен гап нимадалигини тушунмай, қизариб турардим: ҳазилми? Ўқиш бошланишининг илк дарсидаёқ бесаводликда айблансам?..

– «Мирзоев» эмас, «Мирзаев» ёзилади менинг фамилиям... Ҳа, бир умр «Мирзаев» деб ёзилган, «Мирзаев» деб айтилган, – у киши ручкаларини чиқариб хатоимни тузатган булдилар.

Мен ҳам кечагина мактаб партасидан чиқиб келган усмир эмас, балки ўрта мактабдан сўнг уч-тўрт йил ишлаган, бунинг устига уч йиллик ҳарбий хизматда булган, анча-мунча китобларни ўқиганимни курсатмоқчи булдимми ёки узимдан анча ёш, ҳали нотаниш талабалар олдида изза булганим алам қилдим, узр сураш ўрнига:

– Домла, мен ўқиган китобларда «Мирза» эмас, «Мирзо» деб ёзилган эди: «Улуғбек Мирзо», «Шоҳрух Мирзо», «Бобур Мирзо» тарзида, – дедим қизариб-бўзариб.

– Тилни бурро қилгунча, саводни бурро қилинг, ийигича... – дея домла менга «ўтир» демасдан мавзуни қисқача тушунтиргач, бурни қўлга олиб, хўмрайганча ёзув тахтасига араб ёзувида бир нималарни ёза бошладилар. Нима қилишимни билмай анча тик оёқда турдим-да, сўнг утириб, ҳали бизга бегона, кўзимиз ўрганмаган «эски ҳарф»ларни дафтаримга кўчира бошладим.

Хуллас, шу кунни мен домла билан орамизга беҳайр совуқчилик тушганини англадим.

Домла дарсга кирганларида ҳамма талабалар билан гаплашиб, савол-жавоб қилиб, гоҳида арабча ҳарфлар ҳақида эски мактабларда тўқилган ҳазил-мутойиба шаклидаги байтлардан айтиб, қулдириб турардилару, менга

умуман эътибор бермасдилар, мен борманми, йуқманми, у кишига бефарқ эди гүё...

«Кунгилсизлик бир келса устма-уст келади» деганларидек, орадан кўп утмай юз берган яна бир нохуш воқеа «ҳали битмаётган дард устига чипқон» бўлди.

Кунлардан бирида тушки овқатланиш учун бериладиган танаффусда факультет биноси пастидаги ошхонанинг қирқ тийинлик лағмонидан қуруқ қолмаслик учун ошиқаётган талабалар оқимига қушилиб, тирбанд зинапоядан сурилиб-сиқилиб тушаётган эдим.

Шу туполонда юқорига кутарилаётган Мирзаев домлага кузим тушдию, «салом» дея тухтамай олдинга интилдим. Домла менга бир ўқрайиб қарагандек бўлдиларда, қисиниб йўл бераётган «қарши оқим» оралаб, йулларида давом этдилар.

Танаффусдан сўнг дарсга кирган рус тили ўқитувчимиз Саодат Мирзажоновна Миракова саломлашгач, китобдафтарларини столга қўя туриб, менга сал ранжиганнамо кўз ташлаб сурадилар:

– Домлани яна хафа қилдингизми?

Ҳайрон қолиб, «Кимни?» - деб сурадим.

– Мустақим Мирзаевичга салом бермай утибсиз-ку.

– Йўғ-е, қачон?

– Ҳозир, танаффусда... Домла кафедрада жахллари чиқиб, асабийлашиб утирибдилар... Боринг, дарсга кириб, сизни хафа қилмасларидан олдинроқ узр сўранг. Домла қаттиқ ранжиганлари аниқ...

Секин чиқиб, аудиториямиз рўпарасидаги ўзбек тили ва адабиёти кафедраси эшигини очдим.

Домла эшикка орқа утириб, бошларини деразадан чиқарганча ҳовлидаги дарахтга тикилиб, папирос чекиб турган эдилар.

Утирилиб, эшик олдида мени курибоқ юзларини қайта ҳовли томонга бурдилар.

– Домла, – дедим овозим қалтираб, – мен салом бердим-ку... Сиз...

– Русларда «извините», ўзбекларда «кечирасиз», тожикларда «мебахшед» деган сўз бор, – деразадан чекиниб, менга утирилдилар устоз. – «Кечирасиз, домла, мен салом бердим», – дейиш керак... – дея яна юзларини ҳовлига бурдилар.

– Кечирасиз, домла, салом бердим. Шовқин-туполонда ишитмаган бўлсангиз керак...

– Мустақим Мирзаев ҳали қулоқдан қолганича йўқ, – дедилар ўзларига ўзлари гапиргандай лоқайд оҳангда ва «менда бошқа ишинг бўлмаса, менинг сенда ишим йўқ» дегандай ҳовлини кузатишда давом этдилар. Яна бирор оғиз оғишча сўз айтсам оловга ёғ сепишим мумкинлигини англаб, чиқиб кетдим. Танаффусдан кейинги дарс домланики эди. Юрагимни ҳовучлаб утирибман. Домла аудиторияга қовоғи солиқ, авзойи бузуқ ҳолда кирдилар. Ҳамма ўрнидан қалқди. У киши тик турган талабаларга бир қараб олдилар-да:

– Орангиздан бир киши менинг дарсимга ортиқчалик қилаяпти. Шу чиқиб кетмаса, дарсни бошламайман, – дедилар. «Гап эгасини топади» қабилида айтилган адрессиз бу хитоб менга қаратилгани аниқ эди. Курсдошларимнинг бари менга қаради. Чиқиб кетмасам, менинг касримдан уларнинг ҳам беҳудага таъби хира бўлишини англаб,

ишга пуналдим. Деканатга тушиб, факультет декани Мухаммад Абдухолиқович Абдурахмоновга воқеани тушунтириб, узимча арзу дод қилган бўлдим.

– Уббо, журажон, ишни чатоқ қилибсиз-ку. Мирзаев домла билан уचाкишишга бало борми сизга? «Ўйнашмагин арбоб билан...» деганлар-ку... Ҳар қандай вазиятда студентларга қайишадиган, уларни имко-ни борича ҳимоя қиладиган фазилати туфайли талабалар «суянчиғи»га айланган бу жонкуяр раҳбар (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) одатдаги ҳазилкашлиги, хушчақчақлигини қуймай «журажон»лаб менга таскин бераётган бўлса-да ўзининг юраги така-пука бўлаётганини сезиб турардим. Чунки бошқа домлалар деканнинг гапини қайтаришмаса ҳам, Мустақим Мирзаев олдида довдираб қолиши эҳтимолдан холи эмаслигини биларди декан.

– Хай, қани юринг-чи, бир илтимос қилиб кўрайлик. «Карнайчидан бир пуф».... Мени эргаштириб иккинчи қаватга кугариларкан, декан бир зум тўхтаб, зарур бир гапни айтмоқчидай секин овозда деди:

– О, у киши кимсан академик Ғафур Ғулом билан баҳсу мунозара қилган олим-а, биласизми шуни? Мен «йўқ, билмайман» дегандай бош чайқадим. Чиндан ҳам мен бир пайтлар бундан беҳабар эдим, кейинроқ билишимча, 1959 йили бошларида «Ўзбекистон маданияти» газетасида (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») филология фанлари номзоди М.Мирзаев ва кутубхоначи Х.Акобирова ҳаммуаллифлигидаги «Отойи эмас, Атойий» номли мақола ва унга жавобан Ғафур Ғуломнинг «Атойий эмас, Отойи» номли мақоласи босилган бўлиб, уларга XV асрда яшаган

ўзбек мумтоз шоири таҳаллусининг ёзилиши ҳақида баҳс юритилган экан.

Хуллас, Мустақим Мирзаев дарс утаётган аудиторияга яқинлашдик. Абдурахмон домла бир зум тухтаб:

– Сизга қушиб мени ҳам қувиб солмасалар эди, – дея оҳиста эшикни чертди:

– Мумкинми, Мустақим Мирзаевич, кечирасиз, кирсам бўладими?

– Сизга мумкин. Орқангиздаги ҳамроҳингизга мумкин эмас, – ичкаридан домланинг овози эшитилди. Мен йулақда қолиб, эшик ёпилди. Салдан кейин терлаб-пишиб чиққан деканамиз:

– Айтдим-ку сизга, домла якраҳа, деб. Ҳозир у кишига мен тугул филамшоҳнинг ҳам гапи бир пул. Боринг, бир-икки кун кўзларига кўринмай, тошингизни териб юринг, – дея ортга қарамай кетди.

Мен декан айтган «бир-икки кун» уқув йилининг охиригача чўзилишини билмаган эдим уша тобда.

Ушанда ёш тилшунос ўқитувчи, кейинчалик университет профессори домла Эргаш Қиличев бизга куратор (курс раҳбари) эдилар. У киши билан ёшимиз орасида фарқ кам бўлганлиги учун ака-укадек муносабатда эдик. Шу сабабдан у кишига «ёрилдим». Мустақим Мирзаевич билан орамиздаги тушунмовчиликни ҳал этишда ёрдам беришларини ўтиниб, илтимос қилдим.

– Хабарим бор, – дедилар Қиличев домла, лекин Мирзаевга гап маъқуллаштириш қийин иш. Яхшиси кўнгилни чуқтирмай, устоз ховуридан тушгунча сабр қилинг, дарсларни курсдошларингиздан кўчириб олиб,

тайёрлашаверинг, у кишининг фанларидан «зачёт» бор. Узингизни ижобий томондан курсатинг.

Шундай қилиб, мен биринчи курсдаёқ профессор Мирзаев дарсларидан четлаштирилдим. Зачёт пайтида иккинчи синовдан сунг баҳо олдим, лекин муносабатларимизда илиқликдан дарак йуқ эди.

Иккинчи, учинчи курсларда Мирзаев домланинг бизда дарслари йуқ эди, шу сабабдан биз кам учрашардик, гоҳида факультет йулақларида ёки кафедрага бирор иш билан кирганимда дуч келиб қолсак, мен тўхтаб салом берар, у киши менга қарамай, бош ирғиб утиб кетаверардилар.

Хайриятки, кутилмаган бир тасодиф орамиздаги «араз» пардасининг кўтарилишига йул очди.

Бир куни домла Тожи Қораев бизга дарсга кириш олдидан мени имлаб чақирдилар-да, кулимсираб дедилар;

– «Ўзбекистон маданияти» газетасида шоир Эркин Самандарнинг бир туркум шеърлари чиқибди. Мустақим Мирзаевич шуларни уқиб, номларингизни адаштирибдилар. Эрталаб кафедрага кирсам, «Тоживой, бу махмадана шогирдингизнинг шеърлари чиқибди, бинойига ухшайдику», – дедилар. «Кимни айтаяпсиз, домла?», – десам, «ана у «саломхўр» старосталарингиз бор-ку, учинчи курсдаги, ушад», – десалар, гап сен ҳақингда бораётганини сездиму, сир бой бермай, «Ҳа, узи ёмон бола эмас, шеърлари ҳам тузук, бўлмаса «Ўзбекистон маданияти»да чиқармиди?», – дедим. «Боқса одам бўлади, денг», – деб кулиб қўйдилар. Бугун бирор баҳона билан домлага курин... Шоядки, муз эриса...

Тожи Қораевич дарсдан сунг «Сал кейинроқ мени сураб ортимдан кир», – деб шипшитдилар-да кафедрага кириб

кетдилар, бироз ўтказиб мен ҳам у кишидан бир китобни сураш баҳонасида изларидан кирдим.

Мустақим Мирзаевич столга энгашиб, ниманидир ёзиб утирар-дилар. Кўзойнак устидан «хўш, нима керак?» дегандай қарадилар.

Салом бериб, «Домлада ишим бор эди», – деб Тожи Қораев утирган бурчакка йуналдим.

– И-е, бу ҳали айтганим шоири замон-ку, Тоживой! Шеърларинг чиқибди, ўқидингми? – дедилар портфелларидан буклоғлик газетани чиқариб менга курсатар эканлар. Нима дейишимни билмай гарангсиб, гоҳ домланинг кўлидаги газетага, гоҳ Тожи Қораевичга қарардим, ахир у шеърлар Самандар Воҳидовники эмас, Эркин Самандарники эди-да. Мен учун у пайтлар “Ўзбекистон маданияти” да шеърим чиқиши бир орзу эди, холос.

Вазиятни “халоскорим” нинг аралашуви юмшатди:

– Домла, шеърлари маъқул бўлдимми шогирдингизинг? – Тожи ака менга кувлик билан кўз қисди.

– Ҳа... чакки эмас, - Мустақим домла бир дона «беломор»ни бармоқларида эзгилай туриб жавоб бердилар, – лекин туртта имловий, иккита пунктуацион хатоси бор. Мана, тузатиб қўйдим... Уқиши керак бу шоирларингиз, Тоживой, шоир тилни пухта билиши керак, тилни... Ахир, шоир сўз билан ишлайди, – деб яна қоғозларига шўнғидилар.

Шу кун домланинг мени ўзларига яқин олгандай сенсираб гапиришларида бир пинҳон меҳр туйгандай енгил тортдим, гарчи бу енгиллик менга безарар бир ёлғон эвазига келган бўлса ҳам. (Кейинчалик мен яхшиликка хизмат қиладиган ёлғон гуноҳ саналмаслигини англагач, ўша

пайтда Тожи домланинг (илоҳо жойлари жаннатда бўлсин) топқирлигида нақадар меҳрибонлик борлигини тушундим.

1968 йили Гафур Ғулом номидаги нашриётда бухоролик қаламкашларнинг ижодидан намуналар жамланган «Бухоро куйлайди» номли китоб нашр этилди, унда менинг ҳам бир неча машқларим бор эди. Қувончим ичимга сиғмайди: қувонмай бўладими? Умумтўпламда бўлса ҳам уша пайтда анча танилиб қолган шоиру ёзувчилар билан бир қаторда биринчи марта шеърлари китобга киритилган талаба узини қандай ҳис қилишини тасаввур қилинг. Китобдан бир қўлтиғини сотиб олиб, ўзимча дастхат ёзиб, сабоқдошларимга тарқатиб юрибман.

Шу китобдан биттасини домла Мирзаевга тақдим этдим. «Этаги йиртиқ чўпдан ҳадиги бор» деганларидек, дастхатимнинг охирида “хатолари бўлса кечиришингизни сўрайман”, – деган «узрнома»ни қистириб утишни ҳам унутмадим.

Домла китобни қўлларига олиб варақлар эканлар, дастлаб биринчи бетдаги дастхатга кўз солдилар.

– Ҳм...м... Хато сабабли узр сўрамаслик учун, авваламбор, уша хатога йўл қўймаслик даркор. Мана, шу кечирим сўрашда ҳам хато қилибсан. Қара, сен менга “хатомни кечиринг” деб буюраётганинг ёки хитоб қилаётганинг йўқ, балки илтимос қилаяпсан. Демак, гап охирида ундов белгиси эмас, нуқта қўйишинг керак эди. Ҳар бир тиниш белги юздаги холдек ўз жойида ярашади, кераксиз жойга қўйилса ҳусни бузади, шуни унутма, – дедилар ва қўлимни қисиб хайрлашдилар.

Бу қўл сиқишув анчадан бери мени изтиробга солиб келаётган дилхираликни кунглимдан сидириб ташлагандай

булди: гарчи айни лаҳзалар бизнинг келгусида ота-боладай аҳиллашувимизнинг дебочаси эканлигини ҳали билмасам-да, ҳар ҳолда улуғ бир инсоннинг, беназир устознинг наздида гур бир талаба бўлганим ҳолда қилган андишасизлигим пушаймони чекинганини ҳис қилдим.

Ўқишни тугатиб, дастлаб институт газетасида, сунгра вилоят радиосида ишлаб юрган кезларимда Мустақим Мирзаев билан апоқ-чапоқлашиб кетдик.

Домла менинг матбуотда босилган шеърларимнинг имловий ва пунктуацион хатоларини қизил қаламда тузатиб, бир четида хатолар сонини кўрсатиб, остида фикрларини ёзиб, баҳо қўйиб, имзо чекиб, газетадан қирқиб олардилар-да, конвертга жойлаб, ўзим билан радиода ишлайдиган қизлари Олима билан, гоҳида эса қўшнилари – ходимамиз Меҳрибон Зарипова билан менга бериб юборардилар, бунга ҳам қаноат қилмай, телефонда олган-олмаганимни суриштирардилар. Қўйган баҳоларининг “гурт” дан кўра “уч”и кўпроқ эди.

Баъзан телефонда гапираётганларида:

– Домла, хатоларимни-ку тан оламан, (бу хатолар мендан утганми, газета мусахҳиҳиданми – бу домла учун аҳамиятсиз, шеър меникими, демак, хато ҳам меники эди у киши учун), – дердим чору ночор, – лекин, шеърнинг ўзи маъқулми?

– Буни адабиётчи устозларингдан сура. Мен учун асосийси грамматик хатога йул қўймаслигинг, – дердиларганимни чўрт кесиб.

Домла жунатган ўша газета қийқимлари менда ҳамон сақланиб турибди, уларни ҳар гал қўлга олганимда устозимнинг ўзи сабоқ берган талаба ижодига бефарқ

бўлмаганлигини, уни мунгазам кузатиб борганини ҳис этиб, “қанчалик эътиборли, олийжаноб инсон эдингиз-а, домлажон”, – деб қўяман, бу битикларда талабчан, айна пайтда меҳрибон қалб ҳароратини туяман.

Бир гал домла қўнғироқ қилиб, бир шеъримни русчага таржима қилганликларини айтдилар. Нима дейишимни билмай, сукут сақлаганимдан, “ишонмаяпти”, деб уйладилар шекилли:

– Нима, сен тилшунослар шеърни таржима қила олмайди, деб ўйлайсанми? Иванов ҳам тилшунос. У қанчадан қанча ўзбекча шеърларни таржима қилган. Шоирларинг қойил қолади. Унинг қилган ишини мен қила олмайманми? Таржимани Олима билан бериб юбораман, ўзим машинкада кучирдим, олиб қўй, бирор газетага берарсан.

Туғри, мен атоқли туркшунос олим профессор Сергей Ивановнинг (1922-1995) ўзбек шоирларидан, ҳатто Алишер Навоийдан таржималар қилганини билардим. Бироқ профессор Мирзаевнинг ҳали китоби чиқмаган мендай бир ёш қаламкаш шеъри таржимасига қўл урганликларини тасаввуримга сиғдира олмасдим.

Олимажон таржима матнини олиб келди. Бу вилоят газетасининг “Ҳарбий саҳифаси” да босилган “Аскар укамга” деган шеърим бўлиб, домла уни “Братьям солдатам” деб русчага ўтирганлар. Машинкада чоп этилган, устидан қўлда сиёҳ билан қайта таҳрир қилинган матн остида “Вольный перевод с сокращением припева – М.Мирзаева”. 1/п-73 г. деб имзо қўйилган эди. Унда шеърдаги мазмун деярли сақланган, лекин у шеърдан кўра кўпроқ насрий баёнга монанд эди. Бу таржима ҳеч қаерда босилган эмас, аммо

мухтарам домланинг вақти, меҳнати, куз нури сарфланган бу бир варақ матн менда ҳамон азиз хотирадай асралмоқда.

Қизиқ... Бадий ижод билан шуғулланадиганларнинг илмий ишга рабат кўрсатганлари кам, бироқ илм кишиларининг ё аввал, ё охир шеър ёзишга ружу қилганларини кўп қузатганман. Адабиётшунос домлаларимдан Саиджон Алиев, Тожи Қораевлар ҳам даста-даста илмий китоблар нашр эттирганларидан сунг, умрлари охирида шеърый мажмуа тартиб бериб, китоб қилдилар.

Англашимча, улар дастлаб шеър ишқида адабиёт майдонига қадам қўйганлар, кейинчалик илмга бор кучларини берган бўлсалар-да, ёш бир жойга етгач, юракларининг бир бурчида милтиллаб турган бадий ижод ҳаваси қачонлардир ёққан оловдан қолган чуғ қайта яллиғланиб, исботталаб ва қайсар илм соясида қолиб кетган лирик ҳис-туйғулар ўзининг ҳамон мавжудлигидан воқиф надиған қуринади.

Бутун умрини ўзбек тилининг ривожига бахш этган, қисмати ва ҳаёти мазмунини шу соҳа фидойилигида қурган, сиичков заршунос каби қишлоқма-қишлоқ кезиб, Бухоро халқ шеваларининг ғубор босиб кетаёзган “тилла”ларини пиниб, тўплаб ўзбек адабий тилининг хазинасига қўшган, ўнлаб дарсликлар, қўлланмалар, юзлаб илмий-услубий мақолалар ёзган профессор Мустақим Мирзаев ҳам ана шу фазилатдан бебаҳра эмас эдилар.

Домланинг бой ҳаётий тажрибалари асосида ёзилган шеър шаклидаги ҳикматта мойил ибратли сўзлари гоҳи-гоҳида газеталарда кўриниб турарди.

1982 йилда устознинг 70 йиллиги муносабати билан шоғирдлари томонидан тайёрланган “М.Мирзаев. Биобио-

нография” китобчасида ана шу ақлу қалб туташмасидан яратилган анчагина тўртликлар, иккиликлар жой олгани бу донишманд аллома ҳам шеърга, шеърятга бефарқ эмасликларини, илм тилида айтиш имкони бўлмаган дил сўзларини шеър тилида ифода этишга жазм этганликларидан гувоҳлик бериб турибди. Фикримнинг исботи сифатида улардан баъзи намуналарни келтиришни жоиз деб билдим:

*Одам одоби, хулқ-атвори билан азиз,
Таом меъёри, ёғу тузи билан лазиз.
Бу гапнинг мағзини чақиб кўрмаган
Одоб нималигини билмагай ҳаргиз.*

*Обрўга эришмоқ эмасдир осон,
Ҳалол меҳнатдан у бўлади бунёд.
Топмоқдан йўқотмоқ жуда ҳам осон,
Ножўя бир қилиқ айлагай барбод.*

*Ота-онасини ким этса эъзоз,
Ундан эъзоз топар дарс берган Устоз.
Камтар киши одамнинг жони,
Такаббурнинг бўлмас имони.*

Ҳаёт йўли хақиқий илмнинг машаққатли меҳнатига йўғрилган, бу йўлда одобли билан ҳам, одобсиз билан ҳам рўбарў келган, бир умр йиғган обрусини бир ножўя қилиги касридан барбод этганларни ҳам кўрган, камтарликнинг камолга, такаббурликнинг заволга етказишига гувоҳ бўлган қалб соҳибининг юқоридаги шеърий сатрлардаги фикр

тилқинидан ибратли хулоса уққан киши ҳаётнинг унқир-чунқир сўқмоқларидан қоқилмай комиллик йўлига чиқиб олишига гумон йўқ.

Ушбу хотира битикларимнинг аввалини домла Мирзаевнинг хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки фикр баёнида йўл кўйилган хатога мурасасиз эканликлари, ким бўлмасин бундай «тилбузар»ларни (устоз ибораси) рўйхотир қилмасликлари ҳақидаги даромад сўзлар билан бошлагандим.

Бу гапга бугунги ёш зиёлилар ишонмаслиги мумкин, чунки улар “Мирзаев мактаби” ни утамаганлар, ўз ҳаёт пўлларида у кишидек инжиқ тилпараст олимга дуч келмаганлар. Келинг, яхшиси фикримни далиллаш учун домла билан яқин мулоқотда бўлган кишилар ёзган мақолалардан парчалар келтираман:

“Ҳар куни икки-уч соатлик иш вақтларини республика ва вилоят рўзнома ва ойномаларини ўрганиш, улардаги адабий меъёр бузилишларини қайд қилиш, бундай хатоларни гуруҳлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари буйича таҳририят ва бошқармаларга тавсия ёзишга сарфлар эдилар. 1960-90 йилларда республикада профессор М.Мирзаевни билмайдиган, у кишидан ўз ишини яхшилаш учун йўл-йўриқ олмаган бирорта ҳам таҳририят ёки нашриёт бўлмаса керак.

Республикамизда исталган таҳририят, муаллиф, ношир профессор Мустақим Мирзаевдан ҳайиқиб турарди, устозга беҳудага “имло прокурори” лақаби берилмаган эди...” (Ҳамид Неъматов, филология фанлари доктори, профессор. “Адабий тил жонқуяри” мақоласидан)

“Домла газетамиз бош муҳаррири, марказий кумитанинг тарғибот-ташвиқот бўлимига сатрларнинг ости

қип-қизил чизилган газета нухаларини жунатишдан чарчамас эдилар.

Бир куни Тошкентдан бош муҳарриримиз телефон қилиб, домланинг таржимаи ҳолларини ипидан игнасигача суриштириб олди. Ишқал тополмади шекилли, охири дардини ёрди. Ёзган мактубларига жавоб олмаган домла энди хатолари қип-қизил чизилган газетани марказқум котибига юбораётган эканлар. Ҳар гал бундай мактуб келганида марказқум котиби ёхуд бўлим мудирини бош муҳаррирни кабинетига ғоз қўйиб, утган ҳар бир хато учун узоқ тергар экан.

Йиллар ўтар экану, нуроний қиёфаларини куз олдимга келтириб, устозни қумсайман, қани энди тилшуносларимиз орасидан яна битта «имло прокурори» чиқиб, бизни тергаса...” (Нусратилло Наимов, *журналист, XX аср 80-йилларда республика газеталаридан бирининг муҳбири*. “Сизни қумсаймиз, Устоз” мақоласидан)

Энди яна ўзим гувоҳ бўлган бир воқеага қайтсам. Юқорида иқтибос олинган мақолалар муаллифлари таъкидлаганларидек, кетма-кет мактублар қайсидир масъул раҳбарнинг эътиборини тортди шекилли, домлага ўз фикрларини аниқ далиллар билан муфассал баён этиб, республиканинг нуфузли газеталаридан бирида каттароқ мақола билан чиқишни тавсия этишди.

1983 йили ёши етмишдан ошган бу фидойи инсон катта ҳафсала билан газета-журнал варақлаб, сўралган мақолани ёздилар.

Бир кун мента кўнғироқ қилиб: “Бир нарса бериб юбордим, ўқиб кўр, фикрингни айтасан”, – дедилар. Бу уша

мақола экан, устида менга ёзилган қоғозча ҳам бор. Унда яшил сиёҳ билан шу сўзлар битилган эди:

“Ҳурматли шоири замона ва муҳаррир!

Сизга айтган мақоламни, мана, юборяпман. Уни талабчанлик назари билан кўздан кечириб чиқиб, тақриз қилишингизни сўрамоқчиман. Умуман фикрлари қандай? Қисқароқ бўлса-да, ёзиб бергайсиз (Мақола билан тақриз шу кун кечгача каминага қайтарилса эди).

Салом билан М.Мирзаев 16.XI.83”.

Мен мақолани ўқиб чиқдим, албатта, бирор ерига таҳрир киритганим йўқ. Республикага номдор олимнинг мақоласи мендек оддий бир радиожурналистнинг таҳририга муҳтожлик сезмасди. “Домла, зўр ёзибсиз. Бу мақола, шоядқи, хатоларга қирон солса”, – деган мазмунда хат ёзиб, омонатларини кечқурун ўзларига етказдим.

Орадан бир неча кун ўтиб, биз ишлаётган радиоқўмитанинг эски биносига шогирдлари Салоҳидин Мамедов билан кириб келдилар. Қизлари Олимада ишлари бор экан. Бизлар билан куришгач:

– Аэропортга кетаяпман, Тошкентга учаман, – дедилар домла нимадандир мамнунликлари юз-кўзларидан, гап-сўзларидан сезилиб турарди.

– Ўша мақола газетага бериладиган бўлибди. Муҳаррири кўнгироқ қилди. “Саҳифага берилишидан олдин мақола корректурасини ўзингиз кўздан кечириб беринг”, – дейди.

– Хатолар ҳақидаги мақолада яна хато ўтмасин, деб, ҳадиксирашгандир-да, – деди қулиб Салоҳиддин Мамедов.

– Бу гап улардан чиқмайди. Юқоридан буюришган. Бўлмаса, уларнинг мени курарга кўзлари йўқ. Тўғри сўз

кимга ҳам ёқади, – дедилар домла ва биз билан хайрлашиб, Салоҳиддин Мамедовнинг машинасига утирдилар. Домлага “оқ йўл” тилаб қолдим.

Республика газеталарининг бирида бўлиб-бўлиб икки сонда босилган мақолани ўқиб, табриклаш ниятида домлага қўнғироқ қилдим. Саломимга алиқлариданоқ домланинг кайфиятлари чатоқ эканлигини англадим:

– Ўқидингми? Бухородан Тошкентга бориб, муаллифнинг ўзи ўқиб берсаю, яна хато ўтказиб юборсалар-а? Учта имловий хато!.. Чаласаводлар...

– Хафа бўлманг, домла, – дедим таскин бермоқчи бўлиб, – шундай мақоланинг чиққани ҳазил гап эмас...

– Э...бошимдан дўппимни олиб улоқтирадиган сочим бор эди. Шу тилбузарларнинг хатосини тузатаман деб асабийлашганимдан сочларим тукилиб кетди, афсуски, хатолар ҳали-ҳамон тугамайди. Хай, соғ бўл. Ҳа, дарвоқе Олимага айтиб қўй, кўрсам ўзим ҳам айтаман: кеча кундузги эшиттиришда иккита, кечки эшиттиришда битта сўзни хато ўқиди, урғуни ноурин қўйиб талаффуз қилди. Саиджоннинг тажрибаси қўп-қу... Ёш шогирдига ўргатсин-да... Муҳаррирсан, ёзганингни тўғри ўқишларини ўқтириш сенинг вазифанга кирмайдими?

(Саиджон Аҳмедов – радионинг узоқ йиллик диктори, Олима Мирзаеванинг шу соҳадаги устози).

Табриклайман, деб танбеҳ эшитганимдан ҳафсалам пир бўлганини сезган домла хайрлаша туриб:

– Аввал узингга боқ, кейин ноғора қоқ, дейдилар. Куз олдимдагиларнинг хатоларини тузата олмасам, узоқдагиларнинг хатоларини қандай тузатаман? – дея хўрсинганча гўшакни қўйдилар.

Ҳозир, орадан утгиз йил ўтиб, мени ҳамон тарк этмаган (балки умрим охиригача тарк этмайдиган) хотираларимни гоҳ ҳаяжон, гоҳ ўкинч билан қоғозга кучирар эканман, бу жонсабил устозга хаёлан мурожаат қиламан: “Ҳа, домла-я, домлагинам-а! Биз яшаётган бугунги кунда ёмғирдан кейинги замбуруғдай кўпайган китоблар, газета-журналлардаги сизнинг тукилган сочларингиз сонидан ҳам куп хатолар урчиб, сўзни сўз бўлганидан пушаймон қилдираётганини кўрсангиз нима қилардингиз? Бошингизни қайси деворга урардингиз?”

Ҳа, бугун:

Гулдайин сўзларнинг бағрин қонатиб,

Хатолар изғийди мисли дайди ўқ.

Сўзбозлар кўпайиб бормоқда, аммо,

Домла Мирзаевдай сўзга жонсўз йўқ.

“Туғри сўзнинг тўқмоғи бор”, – дейишади. Гарчи бу “тўқмоқ” зарбининг зараридан кўра фойдаси кўпроқ эканлигини билсак-да, ундан қочишга уринамиз, туғри сўзни айтган киши туғишганимиз бўлса ҳам ундан бегонасираимиз, чунки туғри сўзни тан олишга нафсониятимиз, гуруримиз йўл қўймайди: узимизни камситилгандай сезамиз, ана шу шайтоний хусусиятимиз билан бизга яхшилик қилмоқчи бўлган, айбимизни юзимизга айтган одамни ўқситганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Шуларни ўйласам, ҳақ сўзда иккиюзламачилик қила олмайдиган, ҳар қандай ҳолатда дилидагини тилига чиқаришдан истиҳола қилмайдиган профессор Мирзаевга бу хислати доим ҳам олқиш келтирмаганини ҳис этаман.

1977 йили илм бобида фидокорлиги ва ёшлар тарбиясидаги юксак хизматлари учун Мустақим Мирзаевни Республика маориф вазирлиги Қори Ниёзий номидаги медал билан тақдирлади.

Бу хушхабарни эшитиб домлани табриклаш учун мен журналист ва шоир Асаджон Гулов билан биргаликда институтга – Ўзбек тили кафедрасига бордик. Домлани бу қувончли воқеа билан муборакбодимни шеърда ифода этгандим. Қучоқлашиб қуришгач, “Сизга совғам” деб уша шеърни қўлларига тутқазсам, “Ўқиб бер”, – дедилар, ўқидим.

– Раҳмат, – дедилар домла ва қўлимни қайта сиқиб, – қара-я, радиочилар мени табриклашга келишибди... Шу ерда, бир бинода ишлаб туриб, баъзи ҳамкасбларим буни ўзларига раво қуришмади. Мен уларга ёмонлик истаганим йўқ... Ҳа, энди гоҳида айтган бўлсам, айбларини далиллаб, ҳақ гапни айтганман. Шундан ранжиб юришлари шарт эканми?

Домла сўлгин жилмайиб қўйдилар, шу тобда кимни, кимларни назарда тутгандилар, менга қоронғу, бироқ Бухоро пединститутининг биринчи фан доктори, биринчи профессорининг уша дамдаги хомуш қиёфаси менда “Бу кишига ҳам осон эмас экан”, – деган фикр уйғотди ва “Ҳақ сўзнинг тўқмоғини бир умр қўлда тутишга ҳамманинг ҳам қурби етмаслигининг сабаби шунда эмасмикан”, – деб уйладим.

Профессор Мустақим Мирзаев бир умр ўз касбларига содиқ, эътиқодларига собит қолдилар.

Шундай юксак унвонлар соҳибидан қўшқават қошоналар, қўша-қўша машиналар қолмади. Олимнинг

ҳаёти отасидан қолган, ўзи туғилиб ўсган Чупбоз маҳалласининг тор кўчасидаги эски ҳовлида ўтди. Шу ҳовлида фан номзодлиги, фан докторлиги диссертацияларини, кўплаб китобларни ёздилар, тўрт қиз ва бир ўғилни, аҳли солиҳ, халқ ишига камарбаста фарзандлар қилиб тарбияладилар. Истат, Роҳила, Зулфия – ўқитувчи, Олима – радиожурналист, Шавкат – физика-техника фанлари доктори, профессор. Республикамизнинг барча шаҳру қишлоқларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, олимлар, шоиру ёзувчилар, турли соҳаларда раҳбарлик қилаётган шогирдлар қолди Устоздан. Яхши ном, порлоқ хотиралар қолди домладан. Ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт нобрати қолди бу муҳтарам ИНСОНдан. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Юртимиз Мустақилликка эришишига бир йил қолганда бу оламдан кўз юмган таниқли олим ўзлари жону дилидан севган, мавқеининг юксалиши учун кучу қобилиятини аямаган ОНА ТИЛИ – ЎЗБЕК ТИЛИ яна ўз қадру қиммати чуққисига чиққанини, ўз миллатининг фахру ифтихорига айланганини кўришга улгура олмадилар. Лекин у кишини улғайтирган, шу тил ривожини учун чеккан маҳматлари эвазига эришган зафарлари самарасидан баҳраманд бўлган қадрдон халқининг асл фарзандини унутмайди, бугунги шукуҳли, файзли лаҳзаларида уни ўз енида деб ҳис этади. Истиқлол йилларида Бухоро шаҳридаги кўчалардан бирига профессор Мустақим Мирзаев номи берилганлиги шу эҳтирому эътирофнинг ғайриқиссиз исботидир.

Бағрида кўз очиб кўрган жонажон Бухороси бу муътабар ИНСОНни сўнгги йўлга қузатган 1990 йил 25 октябр куни изтироб ила “Яшаб ўтди шундай бир одам”

сарлавҳали шеър ёзган эдим. Хотира битикларим
хотимасида шу шеърдан бошқа яқун топа олмадим:

*Кўхна шаҳардаги кўхна кўчанинг
Кўхна ҳовлисида яшаб ўтди У.
Даврон мажруҳ этган тилнинг йўлига
Умридан пояндоз тўшаб ўтди У.*

*У ҳовли қурмади,
Топмади фурсат...
Нетсин умр ўзи – салкам саксон йил.
Денгиздай сарҳадсиз орзую ният –
Наздида бу мўддат – бир қатра ахир.*

*Данакка сиққандек улкан бир дарахт,
Дарё яралгандек кафтдай булоқдан,
Шу мўъжаз гушада зояларга зарқ
Мўъжиза яратди мўъжиза одам.*

*Ҳазрат Алишерда байт бор – муқаддас
Мен уни мухтасар айласам изоҳ:
«Ўрмон шерин енгган –
шижоаткормас,
Нафс итин енгганлар оламда шўжо».*

*Ҳаловат изламай ҳою ҳавасдан,
Енгди У ҳузурнинг ҳийлаларини.
Тўплади талотўп замонда йитган
Табаррук тилининг тиллаларини.*

*Заргардай зеб бериб меҳридан, яна –
Қайтарди йўқотган ганжини Халққа.*

Боқмади бировлар каби хомтама
Ҳаромкор қўллардан тилаб садақа.

Тошлар отишса-да ўнгу сўлидан,
Кечирди насткашу дилозорларни.
Кечирмоқ келмади лекин қўлидан
Авлиё бўлса ҳам – тилбузарларни.

Фидойи жонларда – собит эътиқод,
Гарчи эътиқодга садоқат қийин.
Шухрат шаробидан воз кечган бу зот
Замона зайлига тушмади ўйин...

...Кўҳна шаҳардаги
кўҳна бир ҳовли...
Шунда яшаб ўтди шундай бир Одам.
Аммо У кузини юмган маҳали
Катта бир шаҳарни чулғади мотам...

Бу ҳаёт ҳавасга арзирми, йўқми?
Жавоб беролмагай ҳамма ҳам бурро.
Менинг назаримда:
ҳувиллаб қолди
Мустақим домласиз кўҳна Бухоро...

Самандар ВОҲИДОВ,
шоир, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

ТИЛ ИЛМИ ВА ТАЪЛИМИНИНГ ФИДОЙИСИ ЭДИ

Олимлар ҳам ўзлари мансуб фаннинг умумий қонуниятларини тадқиқ этишда қанчалик бир-бирларига ухшасалар-да, уларнинг ҳар бири тадқиқотчилик соҳаси, фаолият йўналиши, текшириш объектига муносабати ва таҳлил даражаси жиҳатидан шунчалик ўзларига хос, такрорланмасдирлар. Уларнинг қай бирлари фаннинг умумий масалалари, назарий муаммоларини тадқиқ этишда донг таратган бўлсалар, бошқалари унинг амалиёти жиҳатларини ишлашда шуҳрат қозонганлар. Шу сабабли ҳам у ёки бу давр фани тараққиётида уларнинг ҳар бирининг муносиб ўрни, ўзларига хос ҳиссаси бор. Шу жиҳатдан қараганда, атоқли тилшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев (1912-1990)нинг илмий ва амалий фаолияти ҳам шундай умумийлик ва ўзига хос жиҳатларга эга.

Мустақим Мирзаев ўз сафдошларидан фарқли равишда кўпроқ тилшуносликнинг амалий масалаларига, тил таълимининг умумий саводхонлик билан боғлиқ жиҳатларига катта эътибор берди. Унинг учун тил илми ва таълимида майда-чуйда нарсанинг (ҳатто ўқувчи иншоси ёки туман газетасида йул қўйилган биргина имло хатогача) ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам олим ўз тадқиқотлари ва амалий тавсияларида бир қарашда энг майда кўринган икир-чикирларга эринмай таҳлил доирасига киритар, бошқаларни ҳам бунга ундар, ўзи ва сафдошлари эришганларни – тилшунослик ютуқларини қуюнчаклик билан ҳимоя қилар, уларни кундалик фаолиятимизда ҳар кун, ҳар соат, ҳар

дақиқа турмушга сингдириш зарурлигини доимий равишда ўқитиб келарди. Мен айтар эдимки, у ўзининг ута кўнчаклиги ва фидойилиги билан бизнинг хотирамизда тил ва имло масалаларида огоҳликка ундаб турувчи муаллим, унинг қонуниятларини изчил тадқиқ этган олим сифатида абадий қолди.

Бўлғуси олим 1912 йилда Бухоро шаҳрининг Дустчурағоси гузарида туғилди. Ёшлигиданоқ зийрак, ҳар нарсага қизиқувчан бўлиб ўсаётган ёш Мирзо Мустақим бир муддат ўз маҳалласидаги эски мактабда таълим олгач, 1925-1930 йилларда Бухоро шаҳридаги бошланғич намуна ва 3-сон ўрта мактабларда ўқиди. Мактабда, айниқса, тил ва адабиёт фанларига айрича қизиқиш кўрсатди. Бунда шу фан ўқитувчиси, шоир Султон Журанинг алоҳида хизматлари, жуда катта рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчилик ўрни бўлганлигини кейинчалик Мустақим муаллим санта-қайта таъкидлар эди.

Мустақим Мирзаев 1930 йилнинг июнида ўрта мактабни тамомлагач, бир гуруҳ пешқадам битирувчилар каторида округ маориф бўлими хузурида очилган икки ошлик таълим-тарбия курсига ўқишга юборилди. Бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсида ўқиб, уни муваффақият билан битириб чиқди ва бошланғич синфлар ўқитувчиси номини олишга муваффақ бўлди. Ўз меҳнат фаолиятини 1930 йилнинг сентябридан қишлоқ ўқитувчилиги ва саводсизликни тўғатиш курсларида муаллимликдан бошлаган Мустақим Мирзаев 1935 йилгача Вобкент туманининг Пешқў, Бухоро туманининг Кунжиқалъа, Чорбақр, Лоша қишлоқларида ўқитувчилик қилди.

Тил ва адабиёт фанларига бўлган зўр қизиқиш, уз маълумотини оширишга бўлган ҳавас ва қатъий қарор 1935 йилда уни икки йиллик Бухоро ўқитувчилар тайёрлаш институтига олиб келди. Ўқитувчилар институтини 1937 йилда тамомлагач, у тайёрлов бўлимига мудир ва ўқитувчи қилиб ишга қолдирилди. Бир йилдан кейин у институтнинг асосий курсларида ҳозирги ўзбек тилидан маърузалар ўқий бошлади. Айни вақтда Бухоро давлат педагогика институти кечки бўлими учинчи курсдан бошлаб ўқишни давом эттирди. Булажак олимнинг ута тиришқоқлиги ва фан асосларини пухта эгаллашга уриниши талабалик йилларидаёқ ярқ этиб кўринган эди. Шу туфайли ҳам таҳсил давомида Садриддин Айний номидаги давлат стипендиясини олиб ўқиган ёш Мустақим институтда ишга қолдирилди (1939). Шундан бери унинг 50 йилдан кўпроқ илмий-педагогик фаолияти Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) айрим факультетларининг ташкил топиши, мустақамланиши, ривожланиши, қисқаси, унинг каттакон илм ва маърифат даргоҳига айланиши билан чамбарчас боғлиқдир. У бу масканда ассистентликдан профессорликкача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. Факультет деканининг муовини ва декани бўлиб ишлади.

1944-1977 йилларда узлуксиз равишда ўзбек тили кафедрасини бошқарди. Бухородан етишиб чиққан барча тилшуносларга раҳнамолик қилди, минглаб тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вояга етишига улкан ҳисса қўшди. Шундай қилиб, Мустақим Мирзаев Бухоро давлат педагогика институтининг мамлакатимизнинг йирик олий уқув юртиларидан бирига айланишида улкан улушини

кунган, уни яккифт булиб елкасида опичлаб келган устоз танкилотчи, доно маслахатгуй, чарчамас рахбарлардан бири булиб қолди.

Устоз-олимнинг ўқув-маърифий фаолиятини илмий-тадқиқотчилик ишлари ҳар жиҳатдан тўлдириб келган. У институтда умумий тилшунослик, ўзбек тили тарихи, ховирги ўзбек тили, ўзбек диалектологияси, ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси каби асосий курслардан маърузалар ўқиш билан бир қаторда, шу соҳалар буйича тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Шу сабабли ҳам унинг тадқиқотлар доираси ғоятда кенг ва мазмунан ранг-баранг булиб, тилшуносликнинг деярли барча соҳа ва нуналишларини ўз ичига олади.

Устоз олимнинг дастлабки асарларидан бири “Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавити тўғрисида” ги (1940) мақоласидир. Унда олим имло ва талаффуз муаммоларини алифбони мукаммаллаштириш орқалигина ҳал қилиш мумкинлиги масалаларини илгари сурди. Тилшуносликнинг бу соҳаси ҳамиша унинг диққат марказида турди, чунки ёзув маданияти ва саводхонлик учун кураш тилшуносликнинг амалиёт билан боғлиқ қатор узок масалаларини атрофлича ҳал қилишга имкон берарди. Шу сабабли ҳам етакчи тилшуносларнинг деярли барчаси (Лйюб Ғуломов, Олим Усмон, Собиржон Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Азим Ҳожиев ва бошқалар) лингвистиканинг бу жабҳасида самарали қалам тевратганлар. Мустақим Мирзаевнинг ҳам шу соҳада “Янги ўзбек орфографияси қоидаларини ўрганиш дарслари” (1941), “Мукаммал орфография ва чинакам саводлилик учун” (1946), “Ўзбек тилининг жарангли ва жарангсиз

орфографияси” (1952), “Ўзбек орфографияси бўйича машқлар ва диктантлар” (1956), “Ўқувчиларнинг диалектал ҳаголарини бартараф қилиш тадбирлари” (1963), “Она тилини ўқитиш савиясини кўтарайлик”, “Дефис ва унинг қўлланиши”, “Шеърда тиниш белгилари”, “Бенуқсон ва тугал қоидалар керак” каби рисола ва мақолалари эълон қилинди. Унинг тил ва услуб масалаларига бағишланган асарларини ҳам шу сирага киритиш мумкин. Бу ўринда унинг “Тапда сўзлар тартиби” (1955) рисоласи ва “Бир район газетасининг тили ва стили тўғрисида” (1945), “Грамматика ва стилистика” (1963) каби мақолаларини кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Мустақим Мирзаев ўз сафдошлари қатори ўзбек тилининг лексикаси, терминологияси, фразеологияси масалалари билан жиддий шуғулланган олимлардан биридир. У шу йўналишда “Ўзбек тилида совет-интернационал сўзлар ва терминлар” (1951), “Совет-интернационал сўзлар ўзбек тилининг илмий терминологиясини бойитиш манбаи” (1952), “Фразеология масаласига доир” (1961) каби оригинал тадқиқотлар яратди. Унинг бу соҳадаги ишлари илмий жамоатчилик томонидан муносиб равишда баҳоланди. Профессор В.В.Решетов раҳбарлигида “Ўзбек вақтли матбуоти тилида совет-интернационал сўзлар” мавзусида олиб борган илмий тадқиқоти учун 1952 йилда унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Бир йилдан кейин эса доцент унвонига сазовор бўлди.

Бугун, орадан 50-60 йил ўтгандан кейин Мустақим Мирзаев ва унинг сафдошлари ўтган асрнинг 50-йилларида ўзбек тилининг лексикологияси ва терминологияси бўйича амалга оширган тадқиқотларга турлича муносабатда бўлиш

мумкин. Бироқ, шунини айтиш керакки, улар қанчалик тасвирлаштирилган бўлмасин, ўша давр тил жараёнларини асосан тугри акс эттирган.

Олимнинг рус тилини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган “Рус тилини мустақил ўрганувчилар учун дарслар” (1949), “М.Горький номидаги ўрта мактабда рус тилини ўқитиш тажрибасидан” (1957), “Рус тилини ўрганиш масаласига доир” (1958), “Улуғ рус тилини ўрганамиз” рубрикаси остида ўттиз бешта дарс” (1959-1961) каби илмий-оммабоп мақолалари ва услубий тавсиялари ҳам шу жиддаги асарлар жумласига киради. Уларда сунъий равишда бир тилга устунлик бериш, муайян маънода декларативлик ҳоллари яққол кўриниб турганлигига қарамай, олим келган хулосалар ва тавсиялардан умуман хорижий тилларни ўрганиш учун бугун ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Мухими ҳам шу нарсадир, бир вақтлар яратилган тадқиқотларнинг янги даврда янгича маъно бера билишидадир.

Ҳар бир йирик олим умри давомида ўзи мансуб фаннинг турли жабҳаларида қалам тебратган бўлишига қарамай, унинг илмий фаолиятида бир соҳа, муайян фаннинг у ёки бу йўналиши устунлик қилиши табиийдир. Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш Мустақим Мирзаев учун шундай етакчи соҳа ҳисобланади. Маълумки, ўтган аср 50-йилларининг охири ва 60-70 йиллар ўзбек халқ шеваларини ўрганишда ниҳоятда кўтарилиш даври бўлди. Бу йилларда бир вақтлар Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов каби олимлар бошлаган ва асос солган ўзбек диалектологияси жиддий ва ғоятда катта ютуқларни қўлга киритди. Фаттоҳ Абдуллаев, Собиржон

Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Худойберди Дониёров, Аҳмад Ишаев каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари яратилди ва нашр этилди. Қирқдан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Мустақим Мирзаев ҳам ана шу жараённинг фаол иштирокчиси ва забардаст тадқиқотчисидир. Бухоро вилоятидаги ўзбек шеваларини фундаментал ўрганиш ҳақли равишда унинг номи билан абадий боғлиқ бўлиб қолди.

Профессор Мустақим Мирзаев шеваларни ўрганиш ишини “Бухоро областидаги ўзбек шеваларини ўрганиш учун анкета” тузиш ва уни нашр этиш (1955) дан бошлади. Бу нарса бошданок бўлажак тадқиқотлар учун фундаментал асос бўлиб қолди. У бу мавзуда икки жиллик докторлик диссертациясини ёзди (1965 йилда ҳимоя қилинган). “Ўзбек тили Бухоро шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида” (1961), “Бухоро шеваларида “о”лашиш масаласи” (1962), “Шаҳар типидagi шеваларнинг фонетик хусусиятлари” (1963), “Бухоро диалектининг морфологик хусусиятлари” (1964), “Диалектал сузлар” (1966) каби мақолалар эълон қилди, “Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари” (1969) монографиясини нашр этди. Бу тадқиқотларнинг аҳамияти Бухоро шевалари биринчи марта ўрганилганлиги билангина чегараланмайди, балки уларда шева материаллари асосида икки тиллилик (ўзбек-тожик) масаласи жиддий равишда қўйилди, бу хил шеваларнинг ўзбек адабий тилига муносабати чуқур ва атрофлича текширилди. Бугина эмас. Диалектология фанида М.Мирзаевгача Бухоро вилояти аҳолиси асосан икки тилли шева вакилларидан иборат, деган янглиш ва хато фикр ҳукмрон эди. М.Мирзаев эса вилоятнинг деярли барча қишлоқларини пою пиёда кезиб

чиқди, уз сафарлари давомида бой диалектологик материал туплади ва булар асосида минтақанинг барча туманлари аҳолисининг асосий кўпчилиги бир тилли (ўзбек тили) шева нақиллари эканлигини исбот қилди. Бундай хулоса тил тарихи, тарихий диалектология ва аҳолининг этник таркибини ўрганиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлди.

Мустақим Мирзаев олий ўқув юртлари ва мактаблар учун ўқув дастурлари тузиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келган олимларимиздан бири эди. У О.Азизов, А.Сафоев, А.Бурибековлар билан ҳамкорликда “Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси” (1965), С.Усмонов, И.Расуловлар билан биргаликда “Ўзбек тили” (1962, 1966, 1970) дарсликларини яратди. Унинг “Ҳозирги ўзбек тили. Машқлар тўплами” қўлланмасининг (1958, 1963, 1968) қайта-қайта нашр этилганлиги ҳам олим илмий-усулий ишларининг аҳамияти ва долзарблигига яққол мисолдир.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган Мустақим Мирзаев ниҳоятда ҳалол, шоғирдларига меҳрибон, ута фидойи инсон эди. Юқорида айтилганларга устоз олимнинг қирқдан ортиқ эълон қилинган публицистик мақолаларини, унга яқин фан номзодлари етиштирганлигини, йигирмадан кўпроқ номзодлик ва докторлик диссертацияларини расмий оппонент сифатида баҳолаганлигини, Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Боку, Душанбе, Ашхобод, Бишкек, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги илмий кенгашлардан келган 115 та номзодлик ва 25 та докторлик диссертацияларининг авторрефератларига ёзма тақризлар юборганлигини қўшсак, бизнинг кўз ўнгимизда ғоятда меҳнатсевар, сермаҳсул ва

ҳозиржавоб аллома намоён буладики, туғилганига 106 йил тўлган шу кунларда уни яна бир бор эслаш олим хотираси абадийлигидан, унинг тадқиқотлари мангуликка дахлдорлигидан намунадир.

*Тура МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
академиги, фольклоршунос олим*

* * *

БЕНАЗИР ТИЛШУНОС

Бухоро илм-фан бешиги сифатида қадим-қадимдан дунёга танилгани маълум, албатта. Бу муқаддас диёрдан илмнинг деярли барча соҳаларида заҳмат чекиб, ўз талант ва ижодий имкониятларини намоёиш айлаш шарафига эришган кўп забардаст олиму уламолар етишиб чиққан. Уларнинг ҳар бири бир олам ўлароқ эътироф этилган ва қадрланган. Чунки бирининг янгилик ва кашфиётга иштиёқи иккинчи бириникига ухшамаган, бировнинг меҳнат-севарлиги ва фидойилиги бошқасида такрорланмаган.

Қанча зукко тилшунос олим XX асргача Бухорода фаолият курсатиб, қандай асарлар ёзиб қолдирганини мен аниқ билмайман. Лекин утган юз йил, яъни бутун бир аср мобайнида Бухородан профессор Мустақим Мирзаевдай билагон, ҳалол, куйинчак ва ўзи ҳам, сузи ҳам туғри тилшунос майдонга чиқмаганлигига ишончим комил.

Мен айнан ана шундай олимдан таҳсил олиб, ундан маърузалар тинглаганман. У кишининг қалбида ошибошган тил севгисига фақат ҳавас қилиш мумкин эди.

Тошкентда қўним топиб, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ишлаётганимга ҳам қирқ пилдан ошди. Қаранки, тил тақдири, тил қонун-қоидаларининг устуворлиги, энг муҳими, тил равнақи йўлида Мустақим Мирзаевдай узини утга-чутга уриб курашадиган инжозатли тадқиқотчини жумҳурият марказида ҳам учратмадим. Миллий тилга ошуфталик ва гамхўрликни ифодаладиган боғбонлик ҳамда посбонлик даражасидаги бир масъулият, такрорланмас бир ғайрат бор эди домлада. Бизнинг назаримизда устоз фақат сўз ё иборани эмас, ҳар бир ҳарф, ҳар бир тиниш белгисининг муҳофизини эдилар.

Домланинг тил ва имло хусусида тухтовсиз хушёрлик ва огоҳликка ундашларини бутун республика олимлари билар ҳамда унга тан берарди.

Талабалик пайтида биз домланинг Бухоро шеваларига доир мақолаларини, хусусан, «Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳи шевалари» (1969) номли монографиясини қизиқиш билан ўқиб-ўрганганмиз. Мустақим Мирзаевнинг академик Ш. Шоабдурахмонов, проф. Ф. Абдуллаев, С. Иброҳимов, Х. Дошиёров сингари атоқли шевашунослар билан тенг мавқе ва мақомда туриши, албатта, бизнинг кўнглимизга фахр бағишлаган. Мустақим домла бухоролик тилшуносларнинг устоди ва муршиди эканлигини биз ҳар қадамда сезиб, биллиб турардик. Зеро, домлада шунга яраша билим билан бирга поклик, ростлик, беғаразлик ҳам бор эди. Тама, манфаат, ғараз юзасидан Мустақим Мирзаев илми соғмаганидек унинг булғанишига ҳам ҳеч бош қўшмаган.

Рости гап, талабалик даврини ёруғ хаёллар билан орқиқиб эслайман. Негаки, ҳақиқатда покиза, ҳақиқатда шими теран, шахсияти бутун, меҳрибон зотлар дарс

беришган. Уларнинг пешвоси ва айтарли ҳар жиҳатдан ибратга лойиғи филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев эди. Кейин билдим: тил – қисмат, тил – узлик, тил – руҳоният, тил – миллийлик деган ҳақиқатларни онг ва шууримизга, энг аввало, Мустақим домла сингдирган экан. Фақат шу хизматлари учун устоддан қанча миннатдор бўлиб, қанча раҳматлар айтсам, барибир камлик қилади.

Ҳаётда оқу қорани яхшироқ фарқлаганинг сайин уткинчи туйғу ва тушунчалар асл ҳақиқат ва ҳолатларга ўрин бушатиб борар экан. Қумсаш нималигини кейин биларкансан киши. Бухоро соғинчи жисму жонни ўртаганда гоҳо хаёлан йулга тушиб табаррук зотлар, юрак ишончига эришган азизларни ёдга оламан. Шунда тилга, адабиётга, ҳақиқатга, энг асосийси, жонажон Бухорога меҳр-муҳаббат кўзини очишга хизмати сингган устозларим қатори Мустақим Мирзаевнинг унутилмас сиймоси ҳам хотирамда жонланади. Атоқли фольклоршунос олим Тура Мирзаев «Мустақим Мирзаев ўзининг ўта куюнчаклиги билан бизнинг хотирамизда тил ва имло масалаларида огоҳликка ундаб турувчи муаллим, унинг қонуниятларини изчил тадқиқ этган олим сифатида абадий қолади» (ЎТА. 2012, 5-сон), деганида мутлақо ҳақдир.

*Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори,
ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти мумтоз
адабиёт булими мудири*

БЕНАЗИР ВА ФИДОЙИ УСТОЗ

1956 йилнинг куз ойлари Бухоро давлат педагогика институти, бугунги (БухДУ)нинг биринчи курс талабасиман. Сентябрь ойида биринчилардан бўлиб дарсга устоз Саиджон Алиев ва Ҳомиджон Мўминовлар кирдилар. Ҳар иккала устознинг билимдонлиги, ута зукколиги, тенги йўқ нотик эканликлари барчамизни қойил қолдирди. Буларнинг ҳар бир дарси катта бир бадиий асардек, ҳаётга бўлган кучли муҳаббатни уйғотди, адабиёт инсонга қанчалик куч бағишлаб, ғурур уйғотишини шу дарсларда ҳис этдик. Шеърга бўлган муҳаббатимиз шунчалик кучайдики, кулимиздан шеърий тўпламлар тушмас эди. Айниқса, устоз, нотик, тенги йўқ сўз устаси Ҳомиджон Мўминов шунчалик бизларни ўзига жалб қилдики, иложи бўлса, кун бўни шу устозни – домлани тинглашга тайёр эдик.

Худди шундай кунларнинг бирида дарс жадвалига “Тилшунослик” фани қўйилганлигини гуруҳ сардоримиз Тоғай Оқмуродов (бугун фалсафа фанлари доктори, профессор) эълон қилиб, бу фандан филология фанлари номзоди, доцент, катта домла Мустақим Мирзаев дарсга чиқар эканлар деб барчамизни қувонтирди. Барчамиз бу домланинг дарсга киришларини сабрсизлик билан кутардик. Узун бўйли, ўзига хос салоҳият ва салобат билан дарсга бизлар сабрсизлик билан кутган устоз Мустақим Мирзаев кириб келдилар. Салкам эллик баҳорни қаршилаган, куч-қувватга тўлган устоз салом-алайкумлардан сўнг институт, педагог, айниқса, тилчи-ўқитувчининг вазифаси ва масъулияти ҳақида мулоҳаза юритиб, барчамизнинг шу соҳадаги ишларимизни белгилаб бердилар.

“Тилшуносликка кириш” фанини урганар эканмиз, ҳар сўзни ўз ўрнида ишлатиш, сўзнинг куч ва қудратини, унинг ноёб гавҳар эканлигини домла талабчанлик, меҳр ва мароқ билан тушунтирар эдилар. Амалий машғулотлар давомида устоз ҳар биримизнинг сўзимиз, гапимиздан қаердан эканлигимизни аниқ айтиб берар эдилар. “Сиз Бухоро, Сиз Қорақул, Сиз Ромитан ёки Ғиждувон шеvasида гапираяпсиз”, –деб аниқ ташхис қўяр эдилар.

Ўзбек тилида хатосиз ёзишни, гапиришни, сузлаш маданиятини устоз Мустақим Мирзаевичдан кўпчилигимиз ўргандик десам, ҳақиқатни айтган буламан. Биз 22 киши бир гуруҳда ўқидик, кейинроқ бўлимимиз тарих-филология бўлимига айланди. Лекин домладан 1-2-курсда олган сабоғимиз ҳаётимизда чуқур из қолдириб, у киши ҳаёт мактабининг боғбони сифатида бизга ибрат намунаси бўлиб, доимо илм сабоғини аямай келдилар. Институтни битиргач, мен шу даргоҳда қолиб, устоздан деярли ҳар кун сабоқ олардим.

Устоз Мустақим Мирзаевич республикада таниқли филолог олим эдилар. У кишининг ҳозирги ўзбек тили ва уни ўқитиш услубиёти, лексикология, диалектология, ўзбек ва рус тилларининг қиёсий типологияси бўйича ёзган илмий ишлари республика олимлари ўртасида алоҳида аҳамиятта молик эди. Устознинг илмий ишлари, дарслик, қўлланмалари қайта-қайта нашр қилинганидан хабардорман. Домланинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” машқлар тўплами 1960-йилларда уч марта қайта-қайта талабларга асосан нашр қилинган эди.

Устоз Бухоро вилояти шеваларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, “Ўзбек тилининг Бухоро гурӯппа шевалари”

китобини ҳам чоп эттирган эдилар. Устознинг Республика ва вилоят газеталарида чиқишлари кўпчиликнинг диққатини тортарди, уларни барча қизиқиб ўқиб, муҳокама қилиб юрар эди. Устоздаги тўғрисиўзлик, юзга айтиш, камчиликни ўз вақтида тузатиш хислатлари кўпчиликда йўқ. Айниқса, устоз шогирдларга доимо тўғри сўзлаш, чин гапириш, хато ва камчиликни ўз вақтида тузатишда намуна бўлардилар. Йиғилишларда, илмий кенгашларда сўзга чиқиб гапирганингизда тинглаб туриб, минбардан тушганингизда нутқингиздаги сўзларда қилган хатоингизни айтиб, уни тузатишга даъват этар эдилар. У пайтларда (60-80 йиллар) айниқса, йиғилишларда рус тилида гапирардик, нутқ сўзлардик. Домланинг кўрсатмалари, холисона тавбеҳлари нутқ сўзлаш санъатини ўрганишим учун катта сабоқ бўлганлигини миннатдорчилик билан ҳамиша эслайман.

Устозим ҳаётларининг кейинги пайтларида аварияга учраб, ётиб қолдилар. Ҳар сафар кўришга борганимизда, худди ҳеч нарсани кўрмагандек, оғриқларга чидаб, бизларни ҳам олишни давом эттириш, ўз соҳамизни чуқур ўрганишга даъват этар эдилар.

Мен устознинг кўмаги, ардоғида фан доктори илмий даражасига эришдим. Икки курсдошим доктор, уч курсдошим фан номзоди илмий даражасини эгаллади. Бизларнинг муваффақиятларимиздан худди ўз фарзандининг ютуғидек домла қувонардилар.

Устоз Мустақим Мирзаевич оилавий ҳаётда ҳам кўпчиликка намуна эдилар. Фарзандларга талабчан эдилар. Бизлар ва ўғиллар барчаси олий маълумотли бўлдилар. Устозлари Шавкатжон ота изидан бориб, илм суқмоқларини

босиб ўтиб, унинг чуққисини эгаллаб, физика-математика фанлари доктори илмий даражасига, профессор илмий унвонига эришиб, БухДУда отасининг руҳини шод этиб, юзлаб шогирдларга устозлик қилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, бутун умрини Бухоро педагогика институти (бугунги БухДУ)да утказган, минглаб шогирдларнинг сеvimли устози Мустақим Мирзаевич Мирзаев биз шогирдларнинг қалбимизда ҳамиша яшайдилар.

*Сулаймон ИНОЯТОВ,
Навоий давлат Педагогика
институти профессори,
тарих фанлари доктори*

* * *

АДАБИЙ ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев том маънодаги амалий ҳамда назарий тилшунос эди.

Домла ҳақида илк мақолам ЎзСЭ (7-том, 263-бет) да 1976 йилда нашр қилинган. Шундан сўнг у киши ҳақида яна бешта мақола ёздим. Ҳар бирида домла фаолиятининг янги қирраларини очишга ҳаракат қилдим. Чунки мен у кишининг илк шогирдиман. Шунингдек, «Абзац ва унинг услубий хусусиятлари» номли бир илмий мақоламни устознинг порлоқ хотирасига бағишлаганман («Муосир Бухоро филологияси» 2-жуз, Бухоро, 1995, 49-51-б.).

Домла 1963 йил СамДУга давлат имтиҳони комиссиясининг раиси бўлиб борганларида биринчи мартаба учрашганман. У киши мендан давлат имтиҳонини олиб бўлгач (берилган саволларга яхши жавоб берганим туфайли бўлса керак), Бухоро пединститутига ишга таклиф қилдилар. Мен бу таклифни хурсандлик билан қабул қилиб ишга келдим. Шу ондан бошлаб устоз сифатида дарс беришнинг барча сир-сабоқларини ўргатдилар. Шу билан бирга жамоага раҳбарлик қилиш, бошқариш усулларини ҳам кўрсатдилар. Дарҳақиқат, нафақага чиққач, ўз ўринларига, яъни ўзбек тилшунослиги кафедраси мудирилик лавозимига мени тавсия этдилар. Мен бу лавозимда ишлаб домланинг ишончларини тўла оқладим, деб уйлайман.

Мазкур хотира-мақолада устоз фаолиятининг икки кўрсатиши ҳақида сўз юритмоқчиман. Авваламбор, олим ўзбек адабий тили ва имлосининг жонкуяри, нутқимиз софлиги, тозаллиги учун толмас курашчи эди. Тил қондаларини бузиб гапирувчи ҳамда ёзувчиларга нисбатан ушунча шафқатсиз эди.

Ўсимда, 1970 йил Ёшлар уюмида ўқитувчиларнинг йиллик конференцияси август кенгашига борган эдик. Ўшанда ушундай эди. Раислик қилувчи президиумга Мирзаев домлани таклиф қилди. Домла йўқ. Ҳаммамиз Мустақим акани излай бошладик. Бир пайт қарасак, домла қўлида қизил қалам билан ўша кунги кўргазмага қўйилган мактаб деворий газеталарини ўқиб, хатоларини обдан тузатаётган экан. Мажлисга таклиф қилдик. Ўшанда домла қўлидаги далилий ашёлар, яъни деворий газеталардаги қатор нуқсонларни кўрсатиб, бир соатдан ортиқ маъруза қилдилар.

Кунларнинг бирида вақтли матбуотда имловий хатолар ниҳоятда кўпайиб бораётганлиги, унга эътибор берилмаётганлигидан шикоят қилдилар. Чунончи «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнаlining 1971 йил 3-сони турли хилдаги 86 та хато билан нашр қилинганлигини айтиб, хатолари қипқизил «лолазор» бўлган журнални бош муҳаррир Зулфия-хонимга почта орқали юборишимни буюрдилар. Топшириқни бажардим. Бир оз вақт утгач, домла Зулфияхонимдан олган мактубини менга кўрсатиб, «Ана энди журнал беҳато нашр бўлади», – дея хурсандликларини изҳор қилдилар.

Тез орада журналнинг навбатдаги сони келди. Уни синчиклаб текширсалар, хато камайиш ўрнига яна 24 тага ортибди. Домла бундан тутақиб, махсус хат ва хатолари тузатишга қаратилган журналларни Марказқўмнинг биринчи котиби Шароф Рашидовга юбордилар. Тез орада жавоб хати келди. Унда жонкуярлиги учун домлага миннатдорчилик ва бундан кейин Марказқўмнинг диққати шу хато ва камчиликларни тузатишга қаратилиши айтилган эди (Мазкур мактуб домланинг шахсий архивида сақланмоқда). Мактубнинг охирида «Салом ва эҳтиром билан сизнинг Рашидовингиз», – деб ёзилган эди. Раҳматли домла хатдаги бу сўзларнинг тагига яна ўша қизил қалам билан чизиб (устознинг чўнтагида доим қизил қалам бўларди), ўзига хос ғурур ва ҳаяжон билан менга кўрсатдилар. «Эргашбой, ана энди имло билан Шароф аканинг ўзлари шуғулланадилар. Таклифларим инобатга олинбди», – дея хурсанд бўлдилар. Домланинг тиниб-тинчимаслиги, мақсад сари интилиши ҳамма учун ибрат бўлиши, шубҳасиз.

Устознинг яна бир ибратли хизматлари – ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида Бухоро гуруҳи

шеваларининг ўрни борлигини асослаб берганларидир. У шунининг «Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари» (1966 йил) мавзuidaги докторлик диссертацияси ёзилгунга қадар Бухоро шевасининг асосини тожик лаҳжаси ташкил қилади, у ўзбек адабий тили учун деярли яроқсиз, деган ғайриилмий қарашлар мавжуд эди. Олим ўзининг бу ишида қатор лексик ва грамматик воситалар орқали Бухоро аҳолиси ва шунинг шеваси ўзбек адабий тилининг шаклланишида муносиб ўринга эга эканлигини илмий асослаб берди ва бу қарашлари учун профессорлик унвонини олишга муваффақ бўлди.

М.Мирзаев ўндан ортик дарсликлариди, юздан ортик турли мавзулардаги мақолалариди имло масаласига катта тилибор берди.

Устоз ўғитларига амал қилиб, имло саводхонлиги, турли ёзув ва талаффузда сўзлашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, тилни халқ яратади, сўз санъаткорлари, олимлар эса унга сайқал берадилар.

*Эргаш ҚИЛИЧЕВ,
филология фанлари номзоди, Бухоро
давлат университети профессори*

* * *

АДАБИЙ ТИЛ ЖОНКУЯРИ

Профессор Мустақим Мирзаев қадимий шаҳарнинг букини марказларидан бири – Чўпбоз гузариди 1912 йилда тутилган. Илк таълимни маҳалла эски мактабиди олдилар. Шунинг мактабди Абжад (Алифбе), Фарзи Айн, Чор Китоб,

Ҳофиз, Бедил ва Амир Навоий босқичларини ўтиб, хат машқи қилдилар ва 1924 йилда Чор Китобни ўз хатлари билан қучириб, эски мактаб курсини тўла якунладилар. 1925-1930 йилларда устоз «Намуна» (кейинчалик Зеленский), Куйбишев номли, ҳозирги 9-умумтаълим мактабини битириб, Бухоро туманида саводсизлик ва чаласаводликни битириш курсларида муаллим бўлиб ишладилар. Турт йил давомида бўлғуси олим Бухоро, Харғуш, Вобкент, Пешқуда минглаб кишиларнинг саводини чиқаришга, уларнинг кўзини очиб, маърифат гулшанига киришларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Билимга чанқоқлик устозни 1935 йилда Бухоро институтига олиб келди. Устоз дастлаб икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таълим олди. Устозлари унинг истеъдодини ва каттагина ўқитувчилик иш фаолиятини ҳисобга олиб, педагогика институтининг 3-курсига талаба қилиб ҳамда институт тайёрлов бўлимининг мудирини этиб ишга қолдиришди. Профессор Мустақим Мирзаевнинг олийгоҳда иши мана шу 1937 йилдан бошланди.

Устоз кўп йиллар давомида бу муқаддас ишдан ажралмади, бу соҳада саводсизликни битириш ўқувлари муаллимлигидан олийгоҳнинг мударрис-профессори даражасига кўтарилди. 1937 йилдан умрининг охиригача университетимизда, Қарши, Термиз, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Тошкент олийгоҳларида «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили тарихи», «Тилларнинг қиёсий типологияси», «Ўзбек шевашунослиги», «Эски ўзбек ёзуви» фанларидан маърузалар ўқиди. 50-60 йилларда бу фанлардан дарслик ва қўлланмалар йўқ эди ҳисоби. Шунинг учун домланинг ҳар бир маърузаси мустақил иш, илмий

изланиш ва умумлаштириш маҳсули эди. Мустақим Мирзаевнинг «Гапда сўзлар тартиби» (Т.1955), «Ўзбек тили» (Т. 1962; 1963; 1968; 1978), «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Машқлар тўплами» (Т. 1958; 1963; 1968), «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси» (Т.1965) каби олийгоҳлар учун дарслик ва ўқув қўлланмалари мана шундай изланишлар самараларидандир.

Профессор М.Мирзаев маъруза ўқир экан, устознинг сулларидан бирор дақиқа ҳам бўр тушган эмас. Баён қилаётган ҳар бир фикр ёзув тахтасида тўла шарҳланар ва талабалар онгига ёрқин мисоллар билан сингдирилар эди. Даре жараёнида устознинг асосий шиорлари «Бўр қўлимиздан тушмасин!» – эди. Қарийб ўттиз йиллик ҳамкорлик даврида мен устозимнинг ўтириб маъруза ўқиганларини кўрмадим. Устоз 1944 йилдан қарийб 35 йил давомида ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб келдилар ва бугун республикамызда каттагина мавқега эга бўлган Бухоро тилшунослиги мактаби пойдеворини кўрдилар. Профессорлар Аҳмаджон Абдуллаев, Эргаш Киличев, фан номзодлари, доцентлар Т.Бозоров, Т.Норов, Я.Пинхасов, Р.Сайфуллаева, Ф.Ўбаева, К.Хайруллаев, И.Шамсиддинов, В.Эгамбердиев, С.Ғиёсов, З.Хусайнова каби ишлаб мударрис олимларнинг олийгоҳда ишлашлари, фан қўғқилари сари интилиб камол топганлари бевосита Мустақим Мирзаев номлари ва неқбинликлари билан боғлиқдир.

Домла фанга кириб келган 40-50 йилларда тилшунос-лигимиз олдида иккита катта вазифа турарди: бири ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш, уларни умумлаштириш, халқ шевалари таъсирлари асосида адабий

тилни бойигиш; иккинчиси, таълим тизимини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш. Шунинг учун номзодлик диссертацияси ҳимоясидан (1952) кейин устоз она диёри тили – ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари тасвир ва тадқиқига киришди, ўзбек шевашунослигининг ривожига ва бойишига салмоқли ҳисса қўшди. Домланинг ўз даври фанига қўшган муҳим назарий фикрларидан бири адабий тил меъёрларининг муайян бир шевалар билан чеклана олмаслиги ҳақидаги қарашлари эди. Олим адабий тил меъёрлари алоҳида бир шевалар (ёки уларнинг гуруҳлари) билан чегараланиб қола олмаслиги, барча шевалардаги яхши хусусиятларни бирлаштириш лозимлиги ғоясини илгари сурди ва унга амал қилди. Ҳозирги кунда бу ғоя тилшунослик учун исбот талаб этмас ҳақиқатдир. Лекин адабий тил ва шеваларга бошқача муносабат ҳукмрон бўлган ўша даврда бундай ғояни илгари суриш улкан жасорат талаб этарди. Дақиқ тадқиқотчи адабий тил ва халқ шевалари меъёрларини қиёсий ўрганиш натижасида ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шеваларининг адабий тил меъёрларини белгилашда, хусусан, фонетик тизими, шунингдек, луғат бойлигининг қарийб ўттиз фоизини ташкил этувчи адабий ва эроний сўзлар имло ва талаффузини белгилашда муҳим аҳамиятга молик эканлигини ёрқин далиллар, риёзий кўрсаткичлар билан кўрсатди. Олимнинг Бухоро гуруҳ шеваларининг янгича таснифи, шеваларни хариталаштириши, Бухоро минтақасидаги ўғуз ва қипчоқ шевалари тавсифлари, буларни ўзида мужассамлаштирувчи «Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари» (Т., 1969) тадқиқоти ва шу йўналишда 50 дан ортиқ илмий мақола ва ахборотлари ўзбек шевашунослиги ривожига

қўшилган муҳим ҳисса эди. Шунинг учун унинг бу соҳадаги тадқиқотлари машҳур олимлар А.Н.Кононов, Н.А.Басмаков, Б.Серебренников, М.Шералиев томонидан юксак баҳоланди. М.Мирзаев шевашунослик бўйича республикада тўртинчи фан доктори эди. Устознинг бу соҳадаги хизматлари – йиққан ва системалаштирган материаллари, берган тавсифлари ҳеч қачон эскирмайди ва Бухоро гуруҳ шевалари бўйича энг қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Устоз «Адабий тил – халқ тили гулшанидан тузилган гулдаста» деб айтар эдилар. Домла таваллудларининг 90 пиллигига бағишлаб университетимиз илмий-техникавий кенгашининг қарорига асосан устоз хотираларига атаб илмий мақолалар тўплами нашр этирилди. «Адабий тил конкуяри» деб аталган ушбу тўпламга домланинг юқорида таъин этилган доно сўзлари эпиграф қилиб олинди. Мазкур тўпламдан 27 та илмий мақола ўрин олган.

Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки меъёрларини бузишни устоз ҳеч қачон кечирмас эдилар. Шаҳар кўчаларидаги лавҳа, шиорларда жиндай хато бўлса, ҳеч эринмай шаҳар бардоригача (у вақтларда ижроқўм раиси) бориб, хатони тўзаттирар эдилар. Ҳар куни икки-уч соатлик иш вақтларини республика ва вилоят рўзнома ва ойномаларини ўрганиш, улардаги адабий меъёрлар бузилишларини қайд қилиш, бундай хатоларни гуруҳлаш ва бартараф этиш чоратадбирлари бўйича таҳририят ва бошқармаларга тавсия қилишга сарфлар эдилар, бу ишдан ҳеч қачон эринмас эдилар. 1960-90 йилларда республикада профессор М.Мирзаевни билмайдиган, у кишидан ўз ишини яхшилаш учун йўл-йўриқ олмаган бирорта ҳам таҳририят ёки нашриёт бўлмаса керак.

Устоз, хусусан, таълим вазирликлари ва «Ўзбекистон» нашриёти, радио ва телевидение мақолаларига ўта талабчан эдилар. Республикамизда исталган тахририят, муаллиф, ношир профессор Мустақим Мирзаевдан ҳайиқиб турарди, устозга беҳудага «имло прокурори» лақаби берилмаган эди.

Агар ўқувчи Бухорода 1982 йилда нашр этилган «М.М.Мирзаев. Биобиблиография»да номлари ўз аксини топган 200 дан ортиқ илмий-услубий ва тарғибий ишлари билан танишса, устоз фаолиятларининг қанчалик серқирра эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қила олади.

Домланинг ҳаётлари тўғрисидаги ҳақиқат ва ривоят бир-бирига чирмашиб кетган. Ҳамон касбдошларимиз ўртасида шундай бир латифа қайта-қайта такрорланади: Эмишки, домла табаррук 80 ёшга кириб, Дорулфанодан Дорулбақога рихлат қилаётган пайтда, сакарот вақтида бирдан завжайи муҳтарамаларидан «Шавкатжон қани?» – деб ўғилларини сўрабдилар. Янгамиз: «Военкоматга чақирган эдилар, ҳозир келади», деб жавоб берибдилар. Устоз нимадир пичирлабдилар. Янгамулломиз тушунмагач, устоз сўзларини икки марта такрорлабдилар. Домла «Военкомат деманг, ҳарбий бошқарма денг!» – дея жон куйдираётган эканлар.

Энди ўзимнинг тақдиримга алоқадор бир воқеани айтиб берай. 1961 йилнинг 20 июли. Камина Санкт-Петербург (Ленинград) университети Шарқ факультети талабалигига тилақдорман. Факультет раҳбарияти мени суҳбатга таклиф қилди. Хонага кирсам, факультет декани академик М.Н.Боголюбов қаерданлигимни суриштирдилар.

Бухоролик эканлигимни айтганимдан кейин ёнларида ўтирган академик А.Н.Кононов «Профессор Мустақим

Мирзаевни танийсизми?» – деб сўрадилар ва устознинг хизматларига юксак баҳо бердилар. Кўп ўтмай академик Кононов менга биринчи курсни тугатган талаба сифатида таътил пайтида амалий кўникма ҳосил қилиш учун устоз ҳузурига йўлланма бердилар. Университетни битирганимгача домла менга мураббийлик қилиб, қатор фанлардан маъруза ўқийдиган даражага етказдилар. Шундан кейин мен бир умр ёнларида меҳнат қилиб, устоздан ҳаёт сабоқларини олдим.

*Ҳамид НЕЪМАТОВ,
филология фанлари доктори,
БухДУ профессори*



БИР-ИККИ ШИНГИЛ ЙЎҚЛОВ

Янги йил байрами кунларининг бирида Бухоро Давлат университети физика-математика факультети декани, техника фанлари доктори, профессор Шавкат Мирзаев телефон қилиб қолди. Салом-алик ва муборакбоддан кейин падари бузрукворлари тўғрисида хотиралар йиғаётганини айтиб, менинг ҳам бир нима ёзиб, шу ишга қўшилишимни суради. Савоб иш бошлаганини таъкидладим. Хайрлашдик.

Аммо Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, қўша-қўша ордену медаллар соҳиби, қанча-қанча шогирдлар устози Мустақим Мирзаев домло ҳақларида нима ёзаман ва қандай ёлман, деган ҳаёлот миямни чулғаб олди. Фикрга шўнидим. Хомаки режа тузиб олгач, бир енгил тортгандай бўлдим.

Биз талаба бўлган йилларда Мустақим Мирзаев домло катта иш (докторлик диссертацияси) билан банд эдилар. Шу боис у кишининг ўқув юктамалари бизнинг курсга тўғри келмаганидан бевосита дарсхона (аудитория) сабоғи ололмаган эсак-да, ўзбек тилшунослиги фанларининг юқори савияда ўқитилишига узоқ йиллар бош-қош бўлган (сурункасига кўп муддат кафедрага мудирлик қилган) устознинг яқин шогирдларидан ҳисоблайман ўзимни. Ҳалқа (тўғарак) машғулотлари, турли тадбирлар, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳар йилги анъанавий илмий-назарий анжуманларида (конференцияларида) домлонинг сермазмун маъруза ва чиқишларидан баҳраманд бўлганмиз.

Бир гал уйларида у кишининг эътирофларига сазовор бўлган, докторлик монографияларида номлари келтирилган, республика педагогик ўқишларида иштирок этган жонкуяр мураббий ва моҳир ташкилотчи шогирдлари – қишлоқдош акахоним Жўракул Йўлдошев билан бўлиб, Қорақўл шевасининг фонетик-лексик хусусиятлари юзасидан фикр алмашганмиз.

Тил илмига қизиқишимни талабалигимдаёқ пайқаган сезгир устоз 1964-1965 ўқув йили ёзида меҳнат таътилида бўлган пайтимда сиртқи бўлимнинг битирувчи курсларида соатбай асосда синтаксисдан (уч гуруҳда 35 соатдан 105 соат) амалий машғулот ўтишга чақирдилар. Сабоқларимдан мамнун бўлиб, фойдали маслаҳатлар бердилар. Шундан ўн йил кейин мен Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиб келиб, БДПИ-нинг педагогика-психология кафедрасида бир йил ишлаб, меҳнат таътилида Қорақўл тумани Саёт қишлоғида

органимда ўзбек филологияси факультети декани Тожи Қораевич Қораев шошилини чакиртириб қолдилар.

Воқеа бундай бўлган: Мустақим Мирзаев домло кафедраларига ишга кириш ниятидаги бир кишига сиртқи бўлимдан дарс берган эканлар. Унинг машғулоти кузатиб, ҳафсалалари пир бўлибди. Деканни ҳам бундан хабардор қилиб, мени зудлик билан чакиртириб кафедраларига ўтказиш зарурлигини таъкидлабдилар. Декан, бу ишни янги ўқув йили бошида қилсак бўларди десалар ҳам, унамабдилар.

Мен айтилган вақтда қабулхонага етиб келдим. Интифоқо, масаладан воқиф бир акахон пайдо бўлиб қолди ва ҳе йўк, бе йўк ўзини менга «меҳрибон» кўрсатиб: «Иссиқ жойингизни совутманг, кафедрага қисқартиш келади, биринчи сиз бўшайсиз», – деб шипшитиб ғойиб бўлди. Ректор Ж.Н.Намозов, партком котиби О.Ҳ.Вафоев, декан Т.К.Қораев, кафедра мудирлари М.М.Мирзаев, К.З.Зарипов ичкарида эканлар. Мени ҳам таклиф қилишди. Масала келишиб қўйилган экан шекилли, мен улар билан кўришиб чиқишим биланоқ ректор: «Ҳаммамиз домло Мирзаевнинг ишларига қулоқ соламиз. Сиз кафедраларига ўтасиз. Муваффақият тилайман», – дедилар қўлимни сиқиб. Сукут қилиб, одоб сақладим. Шу тарзда институт бўйича 131-А рақамли буйруққа асосан 1975 йил 16 августдан ўзбек тили кафедрасига кўчирилдим. Аллоҳга беадад шукур: юқорида ичкири ўтган «башорат» ҳам рўёбга чиқмади: уч мучал умдуксиз ишлаб, ҳеч кимдан кам бўлмай пенсионерлар сифига ўтдим.

Мен учун бу кафедрадаги янги ўқув йили тўрт йил мурабий бўлган курсимда «Тилшуносликка кириш»дан

маъруза ўқиш билан бошланди. Бир марта дунё тиллари тараққиёти ҳақидаги машғулотимни кузатишга кирдилар. Кафедра йиғилишида: «Шукруллаевнинг маърузалари ёшлигимни эслатди», – дея кириш қилиб, мулоҳаза ва тавсияларини айтдилар. Жиддий эътирозлар бўлмади. Умидбахш сўзлари, орадан қирқ йил ўтган бўлса ҳам, ҳали қулогимдан нари кетмайди.

Вақт ўтган сайин Мустақим Мирзаев домло билан устоз-шоғирддигимиз мустаҳкамланаверди. Рус тилини яхши биладиган, «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси» (хаммуаллифликда – 1963) қўлланмасини таълиф этган домло менинг ишда эканимдан хабардор-ликларини Қоракўл шевасида: «Талпак бор, попка бор, Носирбой бор», – деб билдирардилар кийим илгакдаги сур телпагим ва иш столи устидаги сариқ чарм портфелимга ишора қилиб. Кўпинча ишдан кейин: «Одна голова хороша, а две – лучше», –деб мен билан илмий суҳбатлар қилар, курс ишлари мавзуларини муҳокама этар эдилар.

Кейинроқ «Ҳозирги замон ўзбек тили» (Машқлар тўплами – 1958)нинг иккинчи нашрини тайёрлашни, бир оз нотоб бўлганликлари сабаб, менга ишониб топширдилар. Баҳоли қудрат бу ишнинг уддасидан чиқиб, раҳматларига сазовор бўлганимни Шавкатжонлар ҳам билишади.

«От изини той босади», дейдилар. Оталари сингари илм-фаннинг машаққатли йўлини босиб ўтган, умридан барака топкур, Шавкатжон дадажонлари билан муносабатларимиз ҳамиша илиқ ва самимийлигидан бохабарлиги боис қувонч ва омадларини биринчилар қаторида мен билан баҳам кўради. Докторлик диссертацияси авторефератини олгач, унинг ҳимояси мuddатини хурсанд ҳолда

литганимда, айрим ҳамкасблари, нега биздан олдин бу киши биладилар, деган маънода ҳайрон бўлиб қолишган.

Илгарироқ бир наҳорги ошдан турсам, ёнимга келиб қуришди ва: «Домло, Мустақим Мирзо тирик! – деди кўзларида кувонч, чехрасида ҳаяжон билан. Ўша кеча ўгли Акмалжон ўғил кўриб, исмини Мустақим Мирзо қўйибди. Мен ҳам хурсанд бўлиб, чақалоқнинг ҳақиға дуо қилдим.

Мустақим Мирзаев домлонинг барча ишлари тартибли бўлиб, у зот пала-партишликдан йироқ эдилар. Фикримнинг тасдиғи учун мисол келтираман. Бир пайт: «Кўринг», – деб буклоғлик варақ узатдилар. Очиб ўқидим. Сарлавҳа: «М.Мирзаевнинг қизи фалончининг фалончининг ўғли фалончи билан бўладиган никоҳ тўйларида меҳмонларнинг II шаклидаги ўринларда жойлашиш тартиби». Устоз П Карфининг юқори чизиги – давранинг тўри келин-куёвлар учун, бир қанот ишхонадан келувчилар ва қариндошлар учун, иккинчи қанот қудалар ва бошқалар учун мўлжалланганлигини изоҳладилар...

Ўзбек тилининг зукко билимдони, саводхонлик жонқури Мустақим Мирзаев домло тожик тилини ҳам яхши билганлар ва бу тилда ҳам қатор илмий мақолалар ёзганлар. (Қаранг: Ҳ.Узоқов. Ўзбек тилшунослари. Т., «Ўқитувчи», 1972, 42–52- бетлар.)

Устоз эскидан ҳам хат-саводли бўлганлар. Бухоро тумани Лоша ҚФЙга қарашли Хўжа Работ қишлоғида яшовчи, 1950 йилда туғилган Зукоиддин Саидовнинг айтишларича, оталари эшони Муҳиддинхўжа (1908-1982) Мустақим Мирзаев ва Кароматуллоҳ Саббоқлар билан бир мадрасада таълим олганлар. Шундан бўлса керак, домло рафиқаларига, кўпинча, «Они Истат», баъзан «Они Шавкат», деб

фарзандларининг исмини айтиб қадимги урфимизга мос мурожаат қилардилар. Қайнукалари Вафо Шарипович Эгамбердиев камина билан суҳбатларнинг бирида: «Домло оналарини тупроққа топшириб келганларидан сўнг, ўз хоналарига кириб, эшикни ёпиб олиб, волидаи муҳтарамалари ҳақиқа замонанинг зайли билан пинҳона дуойи фотиҳа ўқидилар», – деган эдилар.

Абдурауф Фитрат, Порсоҳон Шамсиев сингари мадраса кўрган алломалар издоши Мустақим домло исмларига мос равишда [Мустақим – 1.Тўғри, рост; тузук; ҳалол; 2. Бир жойда турувчи. (Навоий асарлари лугати. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 424-бет)] бир умр бир жойда тўғри ишлаб, ҳалол яшаб ўтдилар. Ҳавас қилса арзигулик ҳаёт тарзлари ҳали-ҳали кўпларга ибрат.

Аллоҳ профессор А.Б.Абдуллаев, доцентлар Я.Д.Пинхасов, Ф.С.Ўбаева, И.И.Шамсиддинов каби устозларимизнинг устози, фан фидойиси, заҳматкаш олим Мустақим Мирзаев домлони раҳматига олсин.

Амир Алишер Навоий ҳазратлари бир ҳадиси шариф мазмунини

*“Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим”,*

деб назмга солган эканлар. Илоҳо, бизнинг устозга юксак эҳтиромимизни ҳам шу мақомда қабул этсин.

Ҳожи Насруллоҳ ШУКРУЛЛОҲ

ўғли



ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Она тили ва адабиёт фанига қизиқишим бошланғич синфдаёқ бошланиб, келгусида шу фанлар муаллими бўлиш орзуси қалбимда жуда эрта уйғонганди. Бунга, энди ўйлаб қарасам, биринчи-тўртинчи синфларда бизга дарс берган, кўпгина шеър-достонларни ёд айтиб берувчи Тўғмурод Рўзиев ҳамда беозор ва хокисор муаллим Самад Турдиевнинг ҳаётий ҳикоялари бола қалбимда чуқур таассурот қолдиргани асосий сабаб бўлган. Кейинчалик, 8-10 синфларда моҳир ўқитувчилар Сайли Ҳайитов ҳамда Мукаррама Раҳмоновалардан сабоқ олишим туфайли бу орзуим қатъий мақсадга айланди ва мени ўша пайтда Бухорода ягона бўлган олий ўқув юрти – Бухоро Давлат педагогика институтига етаклади.

1954 йилда мазкур ўқув юртининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга қабул қилиниб, ўз орзуимга эришдим. 2-босқичда тарих факультети ҳам бизга қўшилиб, тарих-филология факультетига айлантирилди. Бу бирлашиш туфайли талабалар билан бирга, бизга дарс берувчи домлалар сони ҳам ортди. Ўша йилларда биз талабаларга адабиёт фанларидан Саиджон Алиев, Муҳаммаджон Абдураҳмонов, Ҳомиджон Мўминов, Аҳмаджон Абдуллаев, Хадяхон Зикрияева, Д.Панченко сингари, ўзбек тили фанларидан Мустақим Мирзаев, Яқуб Пинхасов, Камол Хайруллаев, Абдурауф Сайфуллаев, домла Бақоев ҳамда тарихчилардан ҳам кўпгина мутахассис ўқитувчилар сабоқ берганлар. Орадан эллик-олтмиш йил ўтган бўлса-да, биз собиқ талабалар ўша олтин даврни кўмсаб, ҳамон ўтказаримизни миннатдорчилик билан эслаймиз.

Айниқса, тилшуносликда Бухорода илк фан доктори ҳамда профессор бўлган Мустақим Мирзаевнинг салобатли кўринишлари кўз ўнгимизда гавдаланиб, жарангдор овозлари қулоғимизда ҳалиям эшитилиб тургандай. Новчадан келган, тўлиқ гавдали бу киши кўринишда жиддий бўлсалар-да, талабаларга меҳрибон, ўз фанини чуқур билгувчи ва уни шогирдлар миясига сингдириш учун жон куйдирадиган педагог-мураббий эдилар. Бу инсон саволларни эшитиш ва уларга жавоб қайтаришдан асло чарчамас, шу билан бирга адабий тил нормаларига амал қилишни ҳар биримиздан талаб қиларди. Шу ўринда бир воқеа эсимдан чиқмайди. Катта танаффус пайтида биз беш-олти нафар талаба факультет биноси ёнидаги чойхонада узоқроқ ўтириб қолиб, дарсга кириш кўнғироғини эшитмай қолибмиз. Шунда Жўрақул деган оғайнимиз келиб, дарс бошланганини, домла Мирзаев бизларни кутаётганини айтиб, дарҳол изига қайтиб кетди. Биз ундан сал кейинроқ дарсга етиб келсак, Жўрақул доска олдида қизариб ўтирибди. Доскада эса куйидаги сўзлар ёзилган: «Чойхонага аканла, келобтила...» Домла шу гапдаги йўл қўйилган хатоларнинг сабабларини тушунтириш учун Жўрақулга (фақат унгагина эмас, балки ҳаммамизга) ярим соатча вақтни сарфладилар. Шу-шу барчамиз шевада камроқ сўзлаш, хатосиз гапиришга ҳаракат қилганмиз.

Домламизнинг яна бир фазилатли томонлари шунда эдики, у киши олийгоҳни тугатиб кетган собиқ талабаларни эсан чиқармас, унинг кейинги фаолияти билан қизиқардилар. Мен институтни тугатиб Жондорда ўқитувчи бўлиб ишлаган пайтларимда ҳам домла билан учрашиб, суҳбатлашиб турардик. 1969 йилдан журналист сифатида

Бухорода фаолият кўрсата бошлаганимдан сўнг биз янада яқин муносабатда бўлдик. Шундай кунларнинг бирида домлони учратганимда у киши сўраб қолди:

– Кеча телевизорда Робиндранат Тагор ҳақида кўрсатув бўлди, уни кўрдингми?

– Йўқ, кўрганим йўқ, – дедим.

– Бу кўрсатувда машҳур бир адиб (у киши адибнинг исми шарифини ҳам айтди) нима дейди денг? «Тагорри ҳикоялари билан бирга шеърляти ҳам машҳур бўлган». Сен Тошкентга борсанг айтиб қўй, Тагорри эмас, Тагорнинг деб тугри сўзласин, тилни бузиб сўзлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ...

Домла Мирзаев радио ва телевизорда бериладиган эшиттириш ва кўрсатувларни мунтазам кўриб, эшитар ҳамда газета ва журналларни ўқиб, уларда йўл қўйилган грамматик хатолар ҳақида ўз фикрларини матбуотда айтар, керак бўлса ўша жойларга мактуб йўллаб, бундай намчиликларга йўл қўймасликни таъкидларди. Ҳатто баъзи бир газеталарни ўқиб, уларнинг хатоларини текшириб баҳо қўйишдан ҳам чарчамасди. Шундан бўлса керак, кўпгина газета ва журналларнинг ходимлари домладан ҳайиқар ва ирқаваротдан у кишини «тил прокурори», «тил назоратчиси» деб айтишарди. Ҳозирги кунда телевидение ва радиода кўрсатув ва эшиттиришларни кўриб, эшитиб, уларда Тошкент, Хоразм шеваларини ҳаддан ташқари юқини ишлатилишининг гувоҳи бўлиб, домла Мирзаевни ўқиб қоламан ва шундай жонкуярлар ҳамма даврда ҳам зарурлигини ҳис этаман.

Яна шуни айтиш жоизки, домла Мирзаев сўзларни шунгери талаффуз қилганларга, у ким бўлишидан қатъий

назар, деҳқон ё ишчи бўладими, мансабдор шахс бўладими, барибир хатосини айтиб, тўғри сўзлашга даъват қилардилар. Эсимда, бир туманда йиғилиш бўлиб, унда туманнинг биринчи раҳбари ўз нутқида «Биз барча режаларни шароф билан бажардик» деган гапни икки-уч ўринда такрорлади. Йиғилиш тугагач домла раҳбарнинг ўзига секингина «шароф» ва «шараф» сўзлари алоҳида-алоҳида маъно англатишини, «Шароф» – одамнинг исмини билдирса, «шараф» – фахр, ғурур, ифтихор маъноларини англатишини тушунтириб қўйганининг гувоҳи бўлганман. Бу масалада домла «кичкина» ҳисобланган хатолар билан ҳам келишолмас ва дарҳол уни тузатишга ҳаракат қиларди. Бир гал собиқ талабалардан бири домлага «Яқинда бир мақолангиз газетага чиққан экан, уни ўқидим, жуда яхши ёзибсиз», – деган эди, у шогирд миннатдорчилик ўрнига у кишидан танбеҳ олди.

– Газетага чиққан эмас, газетада босилиб чиққан, дейиш керак!

Яна бир гап. Ёзнинг қайноқ чилласида у киши хузурларига собиқ талабаларидан бири, ўша пайтда халқ таълими муассасасида ишловчи масъул ходим Ражаббой Сирожиддинов кириб келади. Шунда домла: «Ражаббой, чойдан ичинг», – деб таклиф қиладилар. Келувчи иссиқда роса чанқаган эканми, 2-3 пиёла ичиб, чойнакни қуритади. Бир пайт домла ҳам чой ичмоқчи бўлиб, чойнакни пиёлага тўнтарсалар, унда ҳеч вақо қолмаган. Шунда домла ҳазил аралаш қилиб:

– Мен сизга чойдан ичинг, дедим, чойни ичинг, деганим йўқ-ку, – дейдилар.

Кўраяпсизки, бу ерда домла келишиқ кўшимчаларини гўри ишлатиш билан бирга, унинг гапдаги маъноларига ҳам эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар.

Хуллас, домла Мустақим Мирзаев ҳақиқий тилшунос олим бўлиб, ўзбек тили қонун-қоидаларини яратибгина қолмай, уни ҳаётга тадбиқ этишда ҳам жонкуярлик қилганлар. У киши бир гуруҳ муаллифлар билан ҳамкорликда «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси», «Ўзбек тили» каби кўплаб китобларни ва ўзлари «Ҳозирги ўзбек тили. Машқлар тўплами» каби дарсликларни яратганлар. Олимнинг долзарб мавзуларда газета, журналларда чоп этилган мақолалар сони ҳам юздан ошади. Шу туфайли домланинг номлари Бухородан ташқари, Тошкент ва Самарқандда, Қарши ва Термизда, Хоразм ҳамда Фарғона водийсида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Бундан ташқари, М.Мирзаев кўпгина олийгоҳларда давлат имтиҳон комиссиясининг раиси вазифасини ҳам бажарганлар. Бир сўз билан айтганда, бу инсон тилшунос олим сифатида республикамызда таниқли олим ҳисобланган.

Бир гап республика радиоэшиттириш компаниясида мўмтоз адабиётимиз билимдони, тилшунос олим Алибек Ғустамовни учратиб қолдим. У киши бухоролик эканлигини билиб:

– Домла Мирзаевни билсангиз керак, у кишининг соғликлари яхшими? – деб сўраб қолдилар.

– У киши домламыз бўладилар, бизга сабоқ берганлар, кўришиб турамыз, соғликлари жойида, – дедим.

– Жуда соз, агар у инсонни кўриб қолсангиз, мендан, алоҳатта, салом айтинг. Бу одам республикамызда энг кучли

тилшунос олимлардан бири ҳисобланади, – деб айтгандилар.

Машҳур турколог олим Ғанижон Абдурахмонов ҳам ҳар сафар Бухорога келганларида домла Мирзаев билан учрашиб, суҳбатлашиб кетардилар.

М.Мирзаев пенсияга чиқиб ҳам илмий-педагогик ишларини давом эттирдилар. У киши билан йиғилишларда, тўй-маъракаларда кўришиб, учрашиб турардик. 1990 йилнинг сентябрь ойида фарзандлари Шавкатжон ўғли Акмалжонга хатна тўйи ўтказиб, телерадио ходимларидан бир гуруҳини ҳам таклиф этди. Биз кўпчилик бўлиб бордик. Домла бир кўлларига ҳасса ушлаган ҳолда биз билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар ва мени уз ёнларига ўтиришга таклиф этдилар. У киши менинг ижодий ишларим билан қизиқдилар. Ўшанда домланинг ўз шогирдига нисбатан эҳтиромини яна бир бор ҳис этиб, иччимдан ғурурга тўлиб ўтирдим. Лекин бу учрашув бизнинг охириги дийдорлашув эканлигини кейинроқ билдим. Домла икки-уч ой ўтиб етмиш саккиз ёшларида вафот этдилар.

Мустақим Мирзаев қадимий Бухоронинг Хўжа Зайниддин мавзеида туғилиб, шу гузарда умргузаронлик қилдилар. Мен қачонки ўз устозларимни эсласам, дастлаб Мустақим Мирзаев кўз олдимга келадилар. Бу инсон камтарин, лекин ҳаммага ўрнак бўладиган умр кечирди. У баъзилар каби мол-мулк тўплашга, ҳовли қуришга, автоуловлар сотиб олишга қизиқмади. Балки умр бўйи эски шаҳардаги эски ҳовличада кун кечириб ўтди. Минглаб шогирдлар етиштирди ва келгуси авлодга китоблар қолдирди. Домла яшаб ўтган ҳовлида айна пайтда у кишининг ягона ўғли Шавкат Мирзаев истиқомат қилапти.

“От изини той босади”, деганларидек, Шавкатжон ота изидан бориб фан доктори, профессор бўлди. Қизлари Истатой, Олима, Роҳила, Зулфияхонлар ҳам эл корига камарбасталик қилаяптилар. Бу фарзандларни домла умр йўлдошлари Қиличхон ая билан бирга оқил, илмга қизиқувчи, камтар ва меҳнатсевар қилиб тарбияладилар. Айтаверсам, яна кўп гапиргим ва ёзгим келаяпти-ю, лекин ушбу мақолани мухтасар қилиб, қуйидаги сатрлар билан якунламоқчиман:

*Эй, ўтган устозлар – устози азиз,
Сиймонгиз кетмайди ўнгимдан ҳаргиз,
Тушларга кирасиз тирикдай бўлиб,
Бизларга боқасиз меҳр-ла кулиб.
Доскага ёзасиз сўзу ҳарфларни,
Улардан таратиб шуъла, нурларни.
Сиз устоз эдингиз, галхўр, меҳрибон,
Биз сизга талаба, талаба ҳамон.
Ҳаммангиз биз учун устоди аввал,
Устоз деганлари дўст-ёрдан афзал.
Нутқингиз то ҳануз қулогимизда,
Дуолар қилурмиз руҳ покингизга.
Барчангиз ётган жой нурларга тўлсин,
Дунёнгиз тоабод чарогон бўлсин.*

*Ғулом ШОМУРОД,
Республикада хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоир ва журналист*

СИЗНИ ҚЎМСАЙМИЗ, УСТОЗ ...

Ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярми эди. ТошДУ журналистика факультети сиртқи бўлимида таҳсил олар эдим. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлгандан кейин иш сўраб «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома» газетаси) бош муҳаррири Ҳомиджон Мўминов хузурларига кирдим. Муҳаррир катта гавдали салобатли бир киши билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Мақсадимни айтгач, муҳаррир менга бир неча савол бердилар. Жавоб олгач, «Домла, нима дейсиз, йигитни ишга олайми?» – дея суҳбатдошларидан маслаҳат сўрадилар.

– Майли, олинг, фақат олдин саводини синаб кўринг! – деб жавоб бердилар домла.

Сўраб-суриштираман, у киши Бухоро педагогика институту кафедра мудирини, профессор Мустақим Мирзаев эканлар.

Шундай қилиб, мен таҳририятга мусахҳих вазифасини ишга қабул қилиндим. Ўша йилларда компартия раҳбарлари 6-8 саҳифалаб маъруза қилиб, газетани нашрга тайёрлаш учун 24 соат ишлашга тўғри келарди. Лекин устоз имло вий хатолар учун буни оқлаш деб ҳисобламас, таҳририят мажлисларида қатнашиб, роса пўстагимизни қоқар эдилар.

Саксонинчи йиллар бошида республика газетаси мухбирлигига ишга ўтиб кетганимдан кейин мулоқотларимизда қисқа танаффус юз берди. Мен Бухорода яшаб, мақолаларимни Тошкентга телефон орқали уйимдан бераман эдим. Кунларнинг бирида бозорга чиқаётган турмуш ўрнатимдан дўкондан газета олиб келишни сўраб рўйхатини ёзиб бердим. Тасодифни қарангки, газета дўқонида у устоз билан

бирин-кетин газета харид қилибди. Домла аёлимни тўхта-тиб «Наҳотки сиз шунчалик кўп газета ўқисангиз», – деб сўраб қолибдилар. Табиийки, у газеталар мен учун олинганини айтибди. Шунда устоз уй телефонимни ёзиб олибдилар.

Ўша оқшом мен тўсатдан «ғойиб» бўлганим учун домладан роса дашном эшитдим.

– Биладан, сиз журналистлар мени ёқтирмайсизлар, – деди устоз алам билан. – Лекин мен сизларга айтмасам, ким ангади?

Шундан кейин домла республика газетасида кейинги онларда эълон қилган мақолаларимни бирма-бир эслаб, айтишларимни юзимга сола бошладилар. Уларни тан олганидан бошқа чорам қолмади.

Бундай мулоқотлар кейинчалик кунора такрорлана бошлади. Шундай бўлишига қарамай, домла газетамиз бош муҳаррири, марказий қўмитанинг тарғибот-ташвиқот бўлишига сатрларнинг ости қип-қизил чизилган газета нусхаларини жўнатишдан ҳам чарчамас эдилар.

Бир куни Тошкентдан бош муҳарриримиз қўнғироқ келиб, домланинг таржимаи ҳолларини ишдан игнасигача сўраштириб олди. Ишқал тополмади шекилли, охири дардини ёрди. Ёзган мактубларига жавоб олмаган домла энди айтишлари қип-қизил чизилган газетани марказқўм котибига ёлборётган эканлар. Ҳар гал бундай мактуб келганида марказқўм котиби ёхуд бўлим мудири бош муҳаррирни кабинетда гоз қўйиб, мактуб асосида газетада ўтган ҳар бир сўзга учун узоқ тергар экан...

– Нима қилсанг қил, – деди бош муҳаррир телефон орқали, – аммо марказқўмга бошқа бундай хатлар бормасин. Эплай олмасанг, ўзинг жавобини берасан.

Мазкур кўрсатмадан кейин домла билан юзма-юз мулоқот қилишга киришдим, тез-тез уйларига бориб дардлашадиган бўлдим. Охири домланинг кўнгиллари юмшаб, республика газеталарига қўл силтаганларича танқид ўтини вилоят нашрларига қаратдилар...

Йиллар ўтар экан, нуроний қиёфаларини кўз олдимга келтириб, устозни қўмсайман, қани энди тилшуносларимиз орасидан яна битта «имло прокурори» чиқиб, бизни тергаса! Бундан фақат ўзбек тили ютиши, газеталар сифати ошиши шубҳасиздир.

*Нусратилло НАИМОВ,
журналист*

* * *

ЖАВОҲИРШУНОС ОЛИМ

Ҳар бир одамнинг тийнатида моддий ва маънавий эҳтиёжни қондириш истаги яширинган бўлади. Олим тийнатидаги тубан «мен»лиги бўлмиш нафс билан юксал «мен»лиги бўлмиш руҳ ўртасида умр бўйи кураш кетади. Моҳият – бу курашда ким ғолибу, ким мағлуб бўлишида. Мана шу сабабга кўра одамлар бир-биридан фарқ қилади. Агар нафс ғолиб бўлса-ю, руҳ унга тобе бўлса, нафс унга эгасини асир қилиб, ўз орзу-истаклари кетидан судрайди. У нафсининг қулига айланган одамда моддийнинг қадри маънавийдан юқори туради. У халқ, миллат, Ватан тақдиридан кўра ўз роҳати, тинчи ва манфаатини кўтиради.

уйлайди. Агар бу курашда рух голиб бўлса-ю, нафсни ўзига тобе қилса, одам нафснинг дунё орзу-хавасларига эргашиш ҳақидаги истакларини жиловлайди. Унда маънавиятнинг қиммати моддиятдан устун бўлади. Бундай одамлар ўз роҳат-фароғати қолиб, Ватан, миллат ва унинг қадриятлари қангуси билан яшайди.

Филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев нафсни рухга тобе қилган, ҳалол-пок, ҳассос қалб-ли, ҳақиқий миллатпарвар, маърифатпарвар олим эдилар. Юксак истеъдодли олим бутун умрлари мобайнида миллий маданиятимизнинг энг муҳим унсури – она тилимизнинг софлиги хусусида жиддий қайғуриб яшадилар. Она тилимизни парокандалиқдан, тарқоқликдан ҳимоя қилиш муҳтарам зотнинг улкан ғами эди. Бу бежизга эмас, албатта. Ўшук тилшунос олим билардиларки, тарихда ўзга тилларда оқлашиб, ўзлигини йўқотган, ўзга миллатлар ўртасида ёришиб кетган халқлар ҳам бўлган. Мана шу хавф олимни тинч қўймасди, ҳаловатини бузарди. Бу ғам жуда оғир. Уни бутаришга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди. Домла Мустақим Мирзаевда бу юкни кўтаришга қодир савлатли қадимат, юксак илм-маърифат, куч-ғайрат, муҳими, катта жасорат бор эди.

Ҳалоллик, саҳтгирлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилиқ, вазнини, бироқ талабчан, инжиқ табиатлилиқ домлани безаб турувчи фазилатлар эди. **Оббаҳолам**, бу фазилатлар домла-га яхши ният билан қўйилган «Мустақим» номи билан бирга тиббатларида жо бўлган бўлса керак. Мустақим – фазилат-ли тўғ, фазилатли исм. Бу сўз ўзбек тилида “тўғри, рост, роствор, тузук, ҳалол” маъноларини англатади.

Ана шундай улкан олим, ажойиб инсон ҳақида ёзаман деб қўлимга қалам олдим-у анча ўйланиб қолдим. Домла ҳақларида ўз фазилатлари ва имкониятларига муносиб бир сўз айтиш масъулияти мени чўчитиб турарди. Домла қўлида бевосита сабоқ олмаганим, унчалик яқин юрмаганим, суҳбат қурган онларим ҳам камдан-кам бўлгани учун хотираларим ҳам олимнинг улкан сиймоси олдида кўзимга майда-чуйда бўлиб туюларди. Улуғ инсонларнинг ишида майда-чуйда бўлмайди, уларнинг майда-чуйда бўлиб кўринган ишларида ҳам ибратомуз фазл бўлади, деган ақида устувор келиб, ушбу сатрларни ёзишга киришдим.

Она тилига, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятига эътибор ҳами ҳамиша: дарсда, ишда, кўча-куйда, давра суҳбатларида, тўй-маъракаларда, ҳатто касалхонада бетоб бўлиб ётган дамларида ҳам домлани таъқиб қилиб турганига бир неча бор гувоҳ бўлганман.

Ҳамон эсимда, талабалик йилларим эди. Уч-тўрт дўстим билан институт ҳовлисида суҳбатлашиб борардик. Профессор Мустақим Мирзаев ортимиздан юриб, суҳбатимизни қулоқ тутиб тинглаётганларини пайқамабмиз. Домла яқинроқ келиб, суҳбатдошларимиздан бирига мурожаат қилдилар:

- Қайси факультетда ўқийсан, болам?
- Чет тиллар факультетида, – деди у бирор гуноҳ иш қилиб қўйгандай овозини пастлатиб.
- Чет тилини ўрганаётган экансан, жуда яхши. Билсанми, одам учун энг зарури ва фойдалиси нима? Бу унинг она тилисидир. Зеро, она тилимиз – миллий ўзлигимизнинг тамал тоши. Ўз она тилингни яхши билсанг, бошқа тилларни ўрганишинг ҳам осон кечади. Ҳар бир киши касб

тармоғидан, мутахассислигидан қатъий назар, аввало, ўз она тилини билиши керак. Менга қара, она тилингда яхши сўзлаш ва тўғри ёзишни ўрган, ҳўпми? – деб унга таъкидладилар устоз. Шундан кейин унинг «телевизор» сўзида урғуни нотўғри қўллагани, сўзни хато талаффуз қилганини эслатиб, «онаи зор», «гулзор» сўзлари мисолида бу сўзлар таркибидаги «зор»нинг фарқини тушунтириб бердилар. Ана сизга тилга садоқат, муҳаббатнинг намунаси. Нафсиламрини олганда, домланинг бу танбеҳи ва жўяли маслаҳатларида она тилимизни бошқа тиллар таъсиридан ҳимоя қилиш, уни бошқа тиллар орасига қоришиб кетишидан асрашдек улкан ғами яширинганини ўшанда ёшлиқ қилиб сезмаганман. Ёшим биров улғайиб, ўз маданиятимиз, маънавиятимизнинг аҳамиятини бир мунча тушунгандан кейин домланинг улуғлигини, биз ғўр талабаларни катта фожиадан ўшанда огоҳ бўлишга даъват этганларини қалбан ҳис қилдим. Айниқса, бошқа тилларни ўрганиб ўз она тилисини унутган, миллий ўзлигидан жудо бўлган манқуртларни кўрганимда домланинг ичида букюк дард – халқ ва унинг тилисини ташвиш-ғами туғён урганининг сабабини чуқурроқ андлаб етдим.

Ёши, касбу кори, мансабига қарамасдан талаффузда, бизники ёки ёзма нутқда хатога йўл қўйган одамни домла ҳеч кечира олмасдилар. Мабодо у зиёли, олий маълумотли бўлса-ку, шўрига шўрва тўкиларди. Вақт, жой кутиб ўтирмасдан ўша захоти, ўша жойда таъзирини берардилар. Ўшан шувут бўлиб, тили калимага келмасдан қоларди. Биров оқинидаги фикрларини, хоҳ у яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, мавқиди, мақомига қарамасдан одамнинг бетига айтардилар. Ўрнингнинг орқасидан миш-миш гапларни тарқатишни

ёқтирмасдилар. Домла Мустақим Мирзаевни одамлар ана шундай ҳақгўй, тўғри сўз олим сифатида ардоқлаганини кўп бор эшитганман. Тўғри, одамлар орасида домланинг ҳақгўйлиги, камчиликни бетга айтишларини дағаллик, бетга чопарликка йўйганлар ҳам йўқ эмас эди. Бу – олимнинг ички дардини тушунмаган, ички олами қашшоқ одамнинг фикри. Аслида бу – бировдан таъма қилмаган, мансаб илинжида юрмаган, тилёғламалик, хушомадгўйликни хуш кўрмаган Мустақим Мирзаевга хос олижаноб хусусият, фазилат, юксак зийраклик, ҳақиқий зиёлилик нишонаси эди. Зеро, домланинг бу қилмишларида бировни камситадиган, гина-адоватга арзигулик бирор нарса йўқ. Унда виждон амридан юз ўгирмаган, тили ва дили бир олимнинг ҳақгўйлиги акс этган.

Профессор Мустақим Мирзаев шогирдларига нисбатан талабчан устоз ва меҳрибон мураббий эдилар. Шогирдларидан яхши сўзларни ҳам аямас, бироқ тилида нуқсон кўрганда аччиқ танбеҳларини ҳам қайтариб ўтирмасдилар. Устоздан «яхши» деган сўзни эшитиш шогирдлар учун катта баҳо ҳисобланар эди. Шогирдлари ёки кафедра ўқитувчиларининг оғзаки ёки ёзма нутқида бирор муваффақиятни кўрганда «Балли! Яшанг! Отангизга раҳмат!» – дея ардоқлар, аксинча, нутқида, ёзувида ёки дарсида нуқсон кўрганда катта гуноҳ ишнинг устидан чиқиб қолгандай қаттиқ ранжир эдилар. Бир гал домла кафедра мудири сифатида “Ҳозирги ўзбек тили” фанидан бизларга сабоқ берувчи ўқитувчининг дарсига кирдилар. Аудиториянинг охири партасига ўтириб, унинг дарсини кузатдилар. Ўқитувчи мавзуни тушунтира бошлади. Домланинг салобатлари босди шекилли, у гапларни чайнаб туриб мавзуни зўр

тушунтирарди. Домла ўтирган жойларидан унга йўл-йўриқ бериб турдилар. Домланинг йўл-йўриқлари ҳам кор қилмади. Ўқитувчи дарсни муддатидан олдин тугатиб қўйди. Домла шахдам қадамлар билан доска ёнига келдилар-да, ўқитувчига ҳеч нарса демасдан, бўрни олиб мавзунини тушунтира кетдилар. Домланинг ўқитувчи дарсидан қониқмаганликлари авзоиларидан билиниб турарди. Мавзунини талабаларга қисқа муддатда лўнда қилиб очиб бердилар. Фан ўқитувчиси домланинг юзларига қараганга ботинолмай, ерга қараганича домланинг орақаларидан аудиториядан чиқиб кетди. Эҳтимол, домланинг бу тутумлари усулшунослик нуқтаи назаридан нотўғридир. Бироқ унда жавоҳиршунос олимнинг билимга эътибори, ўз тилимиз ва маданиятимизга муҳаббат билан бугирилган қалб садоси ўз ифодасини топганини эътироф қилиш керак.

Мустақим Мирзаев домланинг феъл-атворларида, тушган йўлларида кўпчилик олимларда бўлмаган яна бир тўғри ҳосликни сезганманки, бу ширин хотира сифатида қамон ёдимда қолган. Илм майдонида олимлар борки, ёши каттаган сари юрак кўри, ҳафсаласи аста-секин сўниб, ўз қўлиги ва тинчини ўйлаб, ҳар қандай ўт-оловга ўзини уриш-дан эҳтиёт қиладиган бўлади. Домла Мустақим Мирзаевда билимнинг аксини кўрамиз. У киши то сўнгги нафасларигача ўзлари қасд қилган мақсад – тил софлиги учун тинмасдан кўрашдилар. Институтни битириб, шу жойда иш бошлаган кўларим эди. Домла автомобил ҳалокати натижасида қаттиқ шикастланиб, касалхонага тушганлари тўғрисида хабар берилди. Таниқли ёзувчи Неъмат Аминов, шоир дўстим Хамиддин Салим Бухорий билан домлани кўриш учун касалхонага бордик. Домла бир ўзлари битта палатада ётар-

дилар, ахволлари ҳам унча яхши эмасди. Бироз ўтириб кўнгли сураган бўлдик. Шунда муҳтарам олим дераза токчасида тахлаб қўйилган газеталардан бирини олиб, Неъмат Аминовга саҳифаларини очиб кўрсатдилар. Газета саҳифаларида усти қизил сиёҳ билан чизиб қўйилган анчагина жумлалар бор эди. Неъмат Аминовга газета саҳифаларини варақлаб кўрсата туриб, газабнок оҳангда гап бошладилар:

– Неъматжон, сиз истеъдодли ёзувчилардансиз. Қараинг бу нима расволик ахир. Республикадан чиқадиган газетада шунча хатога йўл қўйилган бўлса, оддий одамлардан ёки талабалардан қандай гина қиласиз. Одамлар тилни матбуотдан ўрганадилар. Бунақа матбуотдан улар тўғри сўзлаш, ёзишни эмас, балки тилни бузишни ўрганадилар. Баъзи талабаларнинг ёзма ишларида хатосини тузатсам, улар: «Домла, матбуотда шундай ёзилган эди-ку!» – деб қолади. Қандай жавоб қайтаришни билмай қоламан. Юрагим ёнади. Чидаб туролмайман, қўлимга қалам олиб тахририятга хат ёзишга мажбур бўламан.

Кейин дераза токчасида турган газеталарга ишора қилиб: «Ҳозир ҳам мана бу газеталарнинг тахририятига захримни сочиб хат ёзиб қўйдим», – дедилар хўрсиниб.

Заҳматкаш олимнинг бу ҳолати синашта бўлмаган кишилар учун ўта зикналик бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ у кишини яхши билган, дардини тушунган одам учун эса бу она тилининг бетакрор имкониятларини, назокатини юракдан ҳис қилган, бутун умрини унинг ғам-ташвишига бағишлаган ҳақиқий Олимга хос фидойилиқдир. Эътибор беринг, тана оғир дарддан изтиробда. Аммо юракда буюк дард – тилнинг ташвиш-ғами. Бу камдан-кам киши удалай оладиган жасоратдир. Ҳа... Мустақим Мирзаев ўзбекнинг ана

шундай улкан олими, заҳматқаш, жонқуяр фарзанди
диллар.

Бугун кўчалардаги ёзувларда, баъзи бир китоб, мақола
ва матбуот тилида, телевидениеда чиқиш қилган зиёлилар-
нинг нутқида нуқсон кўрганимда: «Аттанг, Мустақим
Мирзаев бўлганларида буларнинг роса таъзирини бериб
қўлган бўлардилар-а», – деган фикр хаёлимдан ўтади ва
қомиланинг фидойилик намуналарини хотирлайман. Мен
бугунги ёшларимизнинг филология фанлари доктори,
профессор Мустақим Мирзаев намунасидан ўрнатил-
ганларини истардим.

*Ҳожи Самад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти*



ЎЗБЕК ТИЛИ СОФЛИГИНИНГ ФИДОЙИСИ

Бухорода ўзбек тилшунослигини ривожлантиришда,
соҳага кириб келаётган ёш мутахассисларнинг илмий-маъ-
навий салоҳиятини юксалтиришда Мустақим Мирзаевнинг
кам ҳиссаси катта бўлди. Ўзига хос табиатга, чуқур билимга
ва бу олийжаноб инсон ҳозирги Бухоро давлат универ-
ситети педагогика институти сифатида фаолият юритган
йилларда хизмат қилди ва бу табарруқ олий таълим
масканининг илмий-педагогик қиёфасини белгилашда
муносиб ўрин эгаллади.

1939 йилдан ўзбек тилшунослиги кафедрасида фаолият
курсата бошлаган Мустақим Мирзаев 1950-1960 йилларда
шу кафедранинг энг етакчи кучларидан бирига айланди

ҳамда кўп йиллар ҳалол ва самарали хизмат қилиб, ёшларга миллий тил сабоғи, унинг софлиги, аҳамияти хусусида таълим-тарбия бериб, юксак натижаларга эришди. Мазкур олий таълим масканининг талабалигидан унинг профессори даражасигача ўсиб етишган бу садоқат соҳиби, тиниб-тинчимас, тиришқоқ ва изланувчан, фидойи олим Мустақим Мирзаев тилшунослик соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Олим талабаларга илм бериш билан бирга, республикамиз фани тараққиётига ҳам беқиёс ҳисса қўша олди. Чоржўйда Армия сафида ҳарбий хизматни ўтагани сабаблими, Мустақим Мирзаев ўз илмий фаолияти давомида ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасини айрича эътибор ва муҳаббат билан ўрганди. Ҳатто шу лаҳжада сўзловчиларни ўзгача муҳаббат билан тинглай оларди.

1944 йилдан 1977 йилга қадар ўзбек тилшунослиги кафедрасини узлуксиз бошқариб, кафедра анъаналарини асос солишга улкан ҳисса қўшган М.Мирзаевни бугун ҳам биз каби кўпчилик ёшлар ҳурмат билан эслаймиз. Оддий, камтарин, илмли, лекин ўта талабчан устоз ҳар кимни ҳам «беш» баҳо билан сийлайвермасди. Бунинг учун талаба ҳам саводли ва тиришқоқ, тилга эътиборли бўлмоғи лозим эди. Домла тилга эътиборсизларни асло суймасдилар. Талабалардан аниқ, тўғри, грамматик қўшимчаларни меъёрига мувофиқ қўллаган ҳолда сўзлашни ва ёзишни талаб қилардилар. Уларнинг тилидаги нуқсонларни эринман тузатиб, танбеҳ берардилар.

Мустақим Мирзаев ўзбек тилининг лексикаси, терминологияси, фразеологияси билан жиддий шуғуллан

ган олимлардан биридир. Устознинг ўзбек тилига ўзлашган байналмилал сўзлар ва атамалар, уларнинг ўзбек тили илмий терминологиясини бойитишда манба бўлиши, фразеология ва шевашунослик масалаларига доир қатор оригинал тадқиқотлари мавжуд. Таниқли тилшунос профессор В.В.Решетов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борган олим, асосан, ўзбек халқ шеваларини, айниқса, Бухоро диалектини ўрганишга жиддий эътибор қаратди. У Бухоро вилоятидаги ўзбек шеваларини гуруҳлаш мақсадида суровнома тузиб, илмий фаолиятида шундан фойдаланди.

Ўз бошимдан ўтмоқдаки, шевашунослик ва фольклоршунослик соҳалари мутахассиси бўлиш инсондан айрича қонбозлик талаб этади. Чунки бу касблар эгаси эринмай шаҳар ва қишлоқларни яёв кезиб чиқиши, маҳаллий аҳолини ва этнографиясига, халқ оғзаки ижоди намуналарига оид қимматли маълумотларни йиғиши талаб этилади. Шуниси билан у халқимизнинг тили, маданияти, маънавий бойликларидан кўпчиликни бохабар қилиб, қалбларга гурур туйғусини солади. Худди шундай фахрли иш билан шуғулланган Мустақим Мирзаев ҳам ўзбек тили Бухоро шеvasининг хусусиятларини илмий кўрсатиб берди. Ҳозир ҳам кимки агар шевашуносликка доир илмий иш қилмоқчи бўлса, албатта, олимнинг мана шу ишига асосий методология манба сифатида ёндашмай иложи йўқ. Шавкатли меҳнат соҳиби, кўпчиликнинг севимли устози Мустақим Мирзаев номи илмни қадрлаган ҳар бир инсон учун ашаддир.

*Дармоной УРАЕВА,
филология фанлари доктори,
Бухоро давлат университети профессори*



ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЖОНКУЯРИ ВА “ЖАРРОҲИ”

Ўзбек адабиётшунослигида адабий танқидни адабиётнинг жигарига менгзашади. Жигар инсон организмда қонни тозалаш вазифасини бажаргани каби адабий танқид ҳам адабиётнинг қони, жони бўлган «беайб» сўзни «айбли» сўздан ажратиш каби муқаддас вазифани бажаради. Филология фанлари доктори, профессор, устоз Мустақим Мирзаев ҳам худди ана шундай ўзбек адабий тилини ҳар хил қусурлардан тозаловчи, тилдаги ортиқча нарсаларни жарроҳ сингари кесиб ташловчи сўз заргари десак адашмаймиз.

Устоз ҳақидаги илиқ сўзларни ҳали талаба бўлмасдан, у кишининг сабоғини олмасдан туриб бир неча бор эшитгандим. Отам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ҳам филология фанлари номзоди, доцент, XX асрнинг 50-йиллари охирида устоздан сабоқ олган талабалардан бири бўлганлар. У кишининг хотирлашича, ўқиш даврида камдан-кам талаба профессор Мустақим Мирзаев ва профессор Саиджон Алиевдан «беш» баҳо олар экан. М.Мирзаев отам раҳматлига «Сенга беш қўймайман, «Ҳозирги ўзбек тили» китобини яхши билмайсан», – деганларида имтиҳонгача – бир ойнинг ичида шу китобни ёд олиб, кейин имтиҳон топширган ва М.Мирзаевнинг эътирофига сазовор бўлган эканлар. Отам доим шу воқеани эслаб, устознинг талабчанликлари, яхши аъмолларини мароқ билан бизларга ҳикоя қилиб беришдан чарчамас эдилар.

Ниҳоят мен ҳам ота изидан бориб, ота-онам ўқиган ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Профессор М.Мирзаевнинг сабоқларини тинглашга, у кишининг

фанларидан «аъло» баҳоларда ўқишга муяссар бўлдим. Бошқа устозлардан фарқли ўларок, домла дарсга кирганларида ҳам қўлларида қизил қалам ва ё газета ёинки бирор бир журнал бўларди. Газета ва журналлардаги хатоларни кўрганда, ўзларини қўйишга жой топа олмасдилар. Эринмасдан ҳар бир газета ё журнални қип-қизил қилиб, хатоларини кўрсатиб, таҳририятга юборар эдилар.

Ҳар гал севимли ёзувчимиз А.Қаҳҳорнинг тилимиз ҳақидаги «Нима учун тилимизнинг қонун-қоидалари бузилаяпти? Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузиётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди?» – дея жонкуярлик билан айтган фикрларини ўқиганда, албатта, ўзбек тилининг жонкуяр фидойиси, «жарроҳи» ва унинг софлиги, бутунлиги учун курашувчи устоз Мустақим Мирзаев кўз олдимга келадилар.

Ёки А.Қаҳҳор «Муштум» журнали ҳақида «Тил маданияти учун кураш ҳам «Муштум»нинг вазифаларидан биридир, бироқ журнал бу борада кураш олиб боришга оқин, чунки унинг ўзи маданиятсиз. Нотўғри ишлатилган сўзлар, иборалар, бузуқ жумлалар, тилдаги қашшоқлик аломатларини журналнинг ҳар саҳифасидан кўплаб топиш мумкин» (А.Қаҳҳор. Ҳақ сўзнинг кучи. Асарлар. Беш «Идлик. Бешинчи жилд. -Тошкент, 1989. 137-бет) деган мулоҳазалари билан ўз даври адабиёти ва тилининг софлиги учун курашувчи ёзувчи сифатида кўринса, М.Мирзаев айнан шу журнал ва бошқа нуфузли газеталарнинг хато ва камчиликларини белгилаб бериб, уларни саводди бўлишга тикирадиган, ҳушёрликка ундайдиган йирик ўзбек тилишуноси сифатида республикада ном қозонган эди. Баъзи

газета ва журналларнинг хатосини тушунган муҳаррирлари устоздан кечирим сўраб мактублар ҳам ёзишгани маълум. Профессор В.В.Решетов раҳбарлигида ўзбек вақтли матбуоти тилидаги сўзларга бағишланган илмий тадқиқоти учун 1952 йилда устозга филология фанлари номзоди даражаси берилди.

Мустақим Мирзаев республикамызда ўзбек тилининг лексикаси, терминологияси, фразеологияси билан жиддий шуғулланган олимлардан биридир. 1953 йилда доцент илмий унвонини олган устоз докторлик диссертациясини ҳам муваффақият билан ҳимоя қилиб, профессор унвонига сазовор бўлдилар.

Профессор М.Мирзаев илмий фаолиятининг муҳим йўналишини ўзбек халқ шеваларини, айниқса, Бухоро диалектини ўрганиш ташкил қилади. У 1955 йилдаёқ «Бухоро областидаги ўзбек шеваларини ўрганиш учун анкета» тузиб, нашр этган эди.

Ўзбек тилининг фидойиси бўлган, «Шавкатли меҳнати учун» медали, турли Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган устозга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони ҳам берилганлиги унинг меҳнатлари самарасиз кетмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга шогирдлар қалбидан бир умрга ўрин олган зукко олим М.Мирзаевнинг номи абадиятга муҳрланиб қолди.

*Шоира АХМЕДОВА,
Бухоро Давлат университети ўзбек
адабиёти кафедраси мудури,
филология фанлари доктори, профессор*

АДАБИЙ ТИЛ ҚАЙҒУСИ

«Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат иржудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора билчиқларни тозалайдурғон, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон, чанг ва тупроқлар тўлган кўларимизни артув тозалайдурғон булоқ суви бўлганликдан бизга голят керакдур.

“... Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлгон нарса – адабиёт, адабиёт, адабиёт!...”

(Абдулҳамид Чўлпон)

“...Бир куни автоҳалокатга учраб касалхонага тушган Мустақим Мирзаевни кўришга Неъмат Аминов билан Садриддин Салим боришибди. Икки шогирд кўл қовуштириб машҳур устоз бошида турар, бу пайтда Мустақим Мирзаев бир ҳушига келиб, бир ҳушидан кетиб турган ҳолатда экан. Ўша топда Неъмат Аминов Бухоро радиосидан кетиб, республикада чиқадиган «Муштум» журнаliga масъул котиб бўлиб ишга ўтган дамлар эмасми, бир замон устоз ҳушига келиб ёнида тик турган ёш сатирик ёзувчини тира-шира танигач: “...Неъмат, “Муштум» да хато кўп...”, – дея бир оғиз нидо қилибди-да, тагин ҳушидан кетиб, боши шилқ этиб тушибди.

Бу енгил юмор билан йўғрилган латифани эшитганимга ҳам ўтгиз йилдан ортиқроқ вақт ўтибди. Ҳа, мазкур латифа замирида ҳаётий ҳақиқат бор эди. Машҳур тилшунос-шевашунос аллома Мустақим Мирзаев, дарҳақиқат, то сўнгги нафасигача адабий тил саводхонлиги йўлида

фидойиларча, куюнчаклик билан курашиб ўтди. Ўша вақтдаги даврий матбуот саҳифаларида ёритилган академик шоир Гафур Гулом билан бухоролик тилшунос олим, филология фанлари доктори Мустақим Мирзаев ўртасидаги “Отоийми...Атоийми?” деган мавзуда, яъни мумтоз шоиримиз Атоий адабий таҳаллусининг аслияти бораси-даги тортишувлари адабий ва илмий жамоатчилик орасида қизгин тус олган эди. М.Мирзаев Алишер Навоийнинг машҳур: «Бошни фидо қилгин ато бошига, жисмни қил садқа ано қошига» деган байтини рўқач қилиб – «Атоий» деса, Гафур Гулом ўзбек тилида урф бўлган «ота» сўздан келиб чиқиб, «Отоий» дер эди. Бу масала ҳали-ҳануз ечилгани йўқ. То ҳозирга қадар ҳар иккала вариант ҳам қўлланилиб келинади.

Шунақа пайтларда устоз Садриддин аканинг жаҳли чиқиб кетарди: «Атоий бўлди нима-ю, Отоий бўлди нима? Бундан кўра ўша Атоийнинг бир байтини шарҳ қилиб бер... Бу худди «Навоий Бухорода бўлганми-йўқми?» – деган масаладек арзимас нарса. Бу... – дер эди гапни ҳазилга йўйиб: “Муқимий шафтоли еганми ё йўқми?” – дегандек гап. Адабиётшунослик-тилшуносликнинг долзарб масалалари турганда икки пулга қиммат арзимас муаммолар билан чалғиб юриш тўғри эмас...». Садриддин аканинг гапи ҳам тўғри. Бироқ... бугун шунга иқдор бўлаяпмизки, ана шу бир қарашда арзимас бўлиб туюлган масалалар катта муаммоларнинг дебочаси, хамиртуруши экан.

Эсимда... Ўшанда «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома») газетасининг «Маданият» бўлимида фаолият юри тардим. Ҳар икки-уч ойда Мустақим Мирзаев томонидан кип-қизил қилиб чаплаб ташланган (имловий хатолари

тузатилиб, таҳрир қилинган) «Бухоро ҳақиқати» газета-сининг айрим саҳифалари ва домланинг уч-тўрт саҳифадан пртиқроқ «дашномнома»си келиб қўлимга тушарди. Ўшанда адабий ходимликдан четлатилиб, мусаҳҳиҳ (корректор) қилиб тайинланган пайтларим эди, муҳаррир хузурига шақириб, азбаройи жонига тегиб кетганидан:

– Мана буларни олинг-да, – деди машхур «хатошунос» домланинг навбатдаги «дашномнома»сини қип-қизил бўялган газета саҳифаларига қўшиб қўлимга тутқазар экан, шу хатнинг ўзидан хато топинг. Зора шу йўл билан домланинг «хуружи»дан қутулсак!

Синчиклаб қарасам, қанчалик ғалати бўлмасин домланинг хатида ҳам анча-мунча имловий хатоларга йўл қўйилган экан. Садриддин ака бир шеърида айтганидек:

**Фаришталар қилмайди гуноҳ,
Гуноҳга ботайлик, “фариштам...”**

Беайб – Парвардигор... Хатнинг имловий хатоларини қизилга чаплаб, домланинг ўзига қайтариб юборганимиздан сўнг анча муддат тинчиб қолдик. Лекин бу вақтинчалик ҳол эди, албатта. Домла то умрининг охиригача бизни «бомбардимон» қилиб турди.

Мана, бутун дориломон замонларга келиб, шунга иқроп бўлаяпмизки, бизга куюнчак Мустақим Мирзолар нақадар етишмайди! Тил саводхонлигини ўз баданининг ҳарорати деб биладиган Мустақим Мирзодек нуқтадон алломалар қани? Бутун фильмларимиз бемалол шевада олинаверади. Ёнинг учун фильм ижодкорларининг мушугини “пишт” дейдиган “Мустақим Мирзо”лар йўқ. Бутун қўшиқларимиз “Ҳ” билан “Х” товушларини алмаштириб, бемалол янграйверади: “Ўзингдан қўймасин, ҳалқим”... (“ҳалқим” демоқ-

чи). Бу машхур қўшиқ товушлари қулоғимга баъзан: “Ўзингдан қўймасин, ҳалқум”, яъни “Ўзингдан қўймасин, жиғилдоним” дегандек янглиш чалинади. Нақадар ҳақорат! Бутун пештоқлардаги битиклар ҳам “Х” билан “Х” нинг фарқига бормай қўйишган: “Сартарошхона”, “Саҳоват”, “Баҳор”, “Мехмонхона”... Пойтахтда чиқадиган газетага мақола бермоқчи бўлдим. Айрим саҳифаларни компьютер хонасида қайта ёзишга тўғри келди. Мен қўлёмани ўқиб турадиган, компьютерчи ҳарф терадиган бўлди. Икки саҳифа мақолани ўқиб бергунимча, компьютерчи ўн-ўн беш мартаба «думлими, думсизми?» деб сўраб турди. Ҳайрон бўлманг, гап думли ё думсиз жонзот ҳақида кетмаяпти, балки думли “Х” ми ё думсиз “Х” ми, демоқчи. Ё тавба... «Шарқ» китоб дўконидан бир луғат китобини кўриб бундан ҳам кўпроқ ҳайратландим.

Бу – ўзбек адабий тилидаги «Х» ва «Х» товушлари иштирок этадиган сўзларни фарқлаб берувчи янгича луғат экан. Кимдир шунинг ҳам ғамини еб, савоб ишга қўл урибди. Ота-боболаримиз ҳеч қачон бунақа антиқа «луғат»га муҳтож бўлишмаган. Чунки улар «баҳор» ни – «бахор», «муҳаббат» ни – «мухаббат», «халқлар дўстлиги» ни – «халқлар дўстлиги», «хуррам» ни – «хуррам», «хиёнат» ни – «хиёнат» деб эмас, балки қандай табиий бўлса, шундайлигича талаффуз қилишган.

Институтда ўқиб юрганимда, Мустақим Мирзаев менга ҳам ўзбек тилидан дарс берган эдилар. Тўғриси, жўжаҳўрозлигим тутиб, домланинг жиғига тегиб, дарсдан ҳайдалган чоғларим ҳам бўлиб турарди. Домла деярли ҳар бир дарсида доскага ёзарди: “Боропти” эмас – «бораяпти», «келопти» эмас – “келаяпти”... тушундингларми?” Домла

шундай деб сўзнинг «опти» қисми устига нафрат билан бўр тортиб, “аяпти” ни ёзиб қўярди. У шу йўл билан биз, ёшларнинг Бухоро шеваидан қутулиб, адабий тил кўникмаларига ўтишимизни талаб қиларди. (Қани эди, мамлакатимиздаги ҳар бир вилоятнинг ҳам ўз “Мустақим Мирзо” си бўлса-ю, “борвотти”-ю “келутти” лардан халос этса...). Менинг жўжахўрозлигим шунда эдики, доскага чиқиб “опти” нинг ҳам, “аяпти” нинг ҳам устига бўр тортиб, “бора ётибди”, “кела ётибди” деб ёзиб қўярдим. (Бу ёғини сўрасак, асли хатолик, яъни тилни зўрлаш ўша ўтган асрнинг биринчи ярмида жорий қилинган янги ўзбек адабий тилидаёқ содир бўлиб улгурган экан). Бундан ҳассасини дукиллайтиб, олинган бўш ўриндиқда бир муддат ўтириб тин олган домланинг жаҳли чиқиб кетарди: “Хром, вон!” – дер эди тутаклиб. (“Хром” домланинг менга қўйган лақаби эди, чунки ўша даврда мода бўлган қора чарм куртка кийиб юрардим. “Вон!” – русча сўз – “даф бўл!” деган маънони беради).

Бугун, мана, ўзим муҳаррирман. Ҳар куни қанчадан-қанча имловий ва луғавий хатоларга йўл қўяман. Бугун ҳеч ним мени “Хром, вон!”, – деб дарсдан чиқариб юбормайди. Кўнунчак домламнинг эҳтирос тўла даққилари, фанга, адабиётга, тил маданиятига бўлган юксак эътиқоди, буюк инсоний-фуқаролик масъулиятини соғинаман, орзиқаман. Бугун бизга “Мустақим Мирзо” лар нақадар етишмайди!

*Исроил СУБҲОНИЙ,
шоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси*



ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ ВА ТАЛАБАЛАР ҲОМИЙСИ

Олий мактабда тил фанларидан дарс берган муаллимларимни ҳамиша яхши хотиралар билан эслаймиз. Профессорлар: М.Мирзаев, Ҳ.Неъматов, Э.Қиличев; доцентлар: В.Эгамбердиев, Н.Шукруллаев каби устозлардан нафақат фан сирларини ўрганганман, балки ҳаёт сабоғини ҳам олганман. Чунки уларнинг ўзини тутиши, талабага муносабати, кийиниши, чуқур билими, инсонийлик фазилатлари шундай фикр айтишимга асос бўла олади.

Юқорида тилга олганим устозлар орасида ниҳоятда талабчанлиги, камтарлиги, фидойлиги билан ажралиб турадиган профессор Мустақим Мирзаев сиймоси талабалик хотираларимда ибратли фаолиятлари билан ҳамиша нурланиб туради. Устоз биздан ёзма иш олишдан, уни текширишдан, хатоларни асослашдан чарчамасдилар. Хусусан, диктант ёзишни устоздан ўрганганмиз. Домла тилимизнинг ҳақиқий жонкуяри сифатида ҳар бир қондани эринмасдан ўргатардилар. Эсимда: биринчи курслигимизда диктант ёзгандимиз. Элликка яқин талабанинг нигоҳи бир нуқтага қадалган. Устоз диктант матнини ўқияптилар. Ёзишга киришдик. Одатда, диктант ёзаётганда тиниш белгилари айтилмайди, уни нутқ оҳангидан, паузалардан билиб олиш мумкин. Яъни “Фикр тугади”, дейилса хатбоши, “Гап тугади”, дейилса оҳангига қараб нуқта, ундон ва сўроқ белгиларини қўйиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, устоз матнни ёздиряптилар, фикр тугаганлигини билдирдилар, бироқ ҳаммага етиб бормади. Шунда: “Бонн ураман” деб кейинги фикрни давом эттирдилар. Бу гап

шунчалик матнга қўшилиб кетган эдики, аудиториядаги 90 % талаба шу гапни диктант матнига ёзди. Бир неча талабаларгина бу ифоданинг таъкид эканлигини англашди, холос. Демокчиманки, устоз ёзма иш ёздиришда ҳам алоҳида талабчанлик билан ёндашардилар. Домланинг ўз услублари бор эди.

Устоз ҳамиша саводхонлик, тилимизнинг софлиги учун кўпинурур, бу борада ўзлари намуна эдилар. Кўпинча, домланинг иш столлари устида вақтли матбуотда нашр этиладиган газета нусхалари бўларди. Устоз эринмасдан журналистлар мақолаларини қизил сиёҳ билан текшириб, "долазор"га айлантирганларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Қолаверса, бугунги ёзма ишларга бир қадар эътибор сусайган даврда устознинг шу йўналишдаги фаолиятлари филологларга ҳар жиҳатдан ўрناк бўла олади.

Устоз ниҳоятда одамохун инсон эдилар. Шу фавилятлари туфайли талабаларнинг чин маънодаги ҳомийсига айланган эдилар. Домланинг ўғиллари, бутунги сунда университет Физика-математика факультети декани, физика-математика фанлари доктори, профессор Шавкат Мирзаевнинг хотирлашларича, домла иқтисодий қийналган талабаларни уйларига олиб келиб, овқатлантирар, жойи бўлмаса, жой бериб меҳрибонлик кўрсатар эканлар. Айниқса, домла шу қийинчиликлар туфайли ўқишни ташлаб кетмоқчи бўлган талабаларни сақлаб қолиб, уларга маънавий ва иқтисодий кўмак берган эканлар. Ш.Мирзаев бу ҳақда: "Мез ёлғиз ўғил эдим. Бироқ хонадонимиз ака ва укаларга ҳамиша тўлиқ бўларди" дея эслайдилар ва кўпчилигида ички бир фахр ҳисси гупуриб туради. Чунки

устознинг олимлик қиёфаларини мана шундай гўзал одамийлик фазилатлари безаб турган.

Бинобарин, профессор Мустақим Мирзаевнинг ҳаёт ва илм йўллари ибратларга тўла эди. Тил илмининг билимдони ва ҳақиқий жонкуяри, талабаларнинг дўсти ва ҳомийси бўлган устоздан олган сабоқларимни бугунги фаолиятимда қўллашга ҳаракат қиламан. Устознинг руҳлари шод бўлсин!

Дилрабо Қувватова

БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори,

филология фанлари доктори



УСТОЗ ЎГИТЛАРИ

1980 йил. Олий даргоҳ талабасиман. Қувончим ичимга сиғмайди. Ҳамма менга ҳавас билан қараётгандай туюлади. Икки-уч кун ўқиганимиздан кейин барча талабаларни пахта йиғим-терими сафарбарлигига олиб чиқишди. Пахта йиғим-терими жараёнида юқори гуруҳ талабалари билан танишиб олиб, бизларга дарс берадиган ўқитувчилар ва уларнинг дарс берадиган фанлари ҳақида анчагина маълумотларга эга бўлиб олдик. Юқори гуруҳ талабалари филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев ҳақларида сўз бошлаганларида ўзларини анча жиддий тутиб фикр билдирдилар. «Домла жуда қаттиққўл, кучли билимга эга, сўз қадрини биладиган инсон. Устозни кўрганда ҳар бир сўзларингизни тўғри талаффуз қилиб, адабий тилда сўзлашга ҳаракат қилинглар, «Ўзбек тили диалектологияси» фанидан сабоқ берадилар. Биринчи

дарсда диктант оладилар. Ҳеч ким диктантдан ижобий баҳо ололмаган. Агар «З» баҳо олиб қолсангиз бу сизнинг омадингиз. Билимга чанқоқ, қизиқувчан, изланувчан ва сузларни тўғри талаффуз қилиб, ўзбек тилида чиройли гапирадиган талабалардан ёрдамларини аямайдилар», деган сўзлар қулоғим остида ўрнашиб қолган эди. Уч ойча давом этган пахта йигим-терими сафарбарлиги ҳам ниҳоясига етиб, дарслар бошланди. Дарс жадвалида «Ўзбек тили диалектологияси» фани қўйилди. Домла етмиш ёшларга яқинлашиб қолган эдилар. Бизнинг сабоқ оладиган хонамиз биринчи қаватда бўлиб, дарсхона эшигидан ўрта бўйли, тўладан келган, салобатли, бошларига дўппи кийиб олган домламиз Мустақим Мирзаев кириб келдилар. Хона суви куйгандек жимжит. Саломлашгандан сўнг домла ҳаммамизга бир-бир қараб чиқиб, қайси туман ва вилоятлардан эканлигимизни сўраб олдилар. Диктант олишларини айтиб, қоғозларни тайёрлашни буюрдилар. Диктант мавзусини доскага ёздилар. Кучли ҳаяжонда эдим, чунки юқори гуруҳ талабаларининг уч баҳога ёза олмайсанлар, деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб турарди. Мен эса «беш» баҳодан умидвор эдим. Бугун вужудим, борлигим қулоққа айланиб, домланинг ҳар бир айтган сўзларини эшитиб, қоғозга тушириб бордим. Домланинг товушлари жарангдор эди ва ҳар бир сўзни тўлиқ, тўғри, аниқ қилиб талаффуз қилар эдилар. Диктантлар йиғиштириб олингандан кейин «диалектология» сўзининг маъносини тушунтириб, «бу даргоҳда ўқир экансиз, ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси бўлиб ёшларга таълим берар экансиз, қўйидаги шиорга амал қилиб ўқиш ва ўқишни унутманг», – дедилар. Бу шиор шундай эди: «Ўра,

бера ва шўра” сўзларини ўра қилиб кўм ва сўзларни адабий тилда тўғри талаффуз қил». Биринчи сабоқ тугагандан кейин бир-биримизнинг нутқимизни кузата бошладик. Шевага хос сўзлар ишлатилса ёки рус тилидан кириб келган сўзларнинг нотўғри талаффузини эшитсак дарров тузатар эдик. Айниқса, қорақўллик курсдошларимиз «уйга кетанди», «олиб галанди» деб ўз шеvasида сўзлашни бошлаши билан бу шиорни озгина ўзгартириб, яъни «ўра, бера, шўра сўзларини кўмиб ўра» тарзида уларга айтар эдик. Улар дарров адабий тилда сўзлаша бошлар эдилар. Домланинг айтган сўзлари ва ўғитлари доим бизни ҳушёрликка тортар эди. Ҳозирги кунда бизларга домланинг жонкуярликлари, шижоатлари, соф адабий тилда сўзлашни талаб қилишлари етмаяпти, назаримда.

Бир ҳафтадан кейин диктантлар тарқатилди. «Икки»га ёзган бўлсам керак, деб диктантни очиб қарасам, ёнида чизикчали беш баҳо турибди. Бунни кутмаган эдим. Жуда қувониб кетдим. Бир ўринда вергул тиниш белгисини қўймасдан кетибман. Ҳамма ўзи ёзган диктантини назардан ўтказгандан кейин «Ҳилола ким, ўрнидан турсин», – дедилар. Домланинг салобатлари кишини довдиратиб қўярди. Беш баҳо олганим учун анча дадил бўлиб ўрнимдан турдим. “Исминг маъносини биласанми?” – деб сўрадилар. “Ҳа, янги чиққан ой маъносини билдиради”, – деб дарров жавоб бердим. Шунда устоз «Ҳилол – уч кунлик ой дегани, қайиққа, камонга ўхшайди ва нафис, чиройли бўлгани учун мумтоз адабиётда маъшуқанинг қоши ҳилолга ташбеҳ этилган. Ўн тўрт кунлик ой – Бадр деб айтилади», – дея исмимга изоҳ бердилар. Шунда бир курсдошим: “Ўттиз кунлик ойни нима деб атайдилар, устоз”, – деб сўраганида,

тўлиги ой деб жавоб бердилар. Устоз сўзларни тўғри
ишлатиш, аниқ талаффуз қилиш билан бирга сўзларнинг
маъносини ҳам чуқур билишлари бизларнинг у кишига
булган ҳурматимизни янада оширди.

Иккинчи курсда «Тахаллус ва лақаблар» мавзудаги
курс ишимга домла раҳбарлик қилдилар. Бу иш менинг
биринчи илмий ишим эди. Домла анча кексайганлари учун
ҳафтада бир-икки келар эдилар. Устоз келишлари билан
тайёрлаб қўйган саволларимни олиб, мурожаат қилар эдим.
У киши хурсанд бўлиб, саволларга жавоб бериб, қайси
адабиётлардан фойдаланишим кераклигини ёздирар
эдилар. Ишимни биринчи марта ўқиб кўрганларида
"Ҳилол"нинг "Бадр"га айланишига яна анчагина бор", – деб
таълоларини кўрсатиб бердилар. Курс ишимни ижобий
баҳоладилар. Тўғриси айтсам, шу ишим натижасида
илмий ва бадиий адабиётлардан фойдаланишни, мисоллар
култиришни, қиёслашни, фикрларимни хулосалашни
устознинг беминнат ўғитлари асосида билиб олдим. Устоз ўз
билимини шогирдига жонкуярлик билан сингдира олса, у
шогирди қалбидан жой ола билади. Мустақим Мирзаев ана
шундай устозлардан эдилар.

Тилшунос олим, фан жонкуяри устоз Мустақим
Мирзаев удуғ инсоний фазилатлари, илм ва меҳнатдаги
иборатлари билан дўсту биродарлари ва шогирдлари
қалбида абадий яшайди.

*Ҳилола САФАРОВА,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти*



«УМРЛАР БЎЛАДИКИ...»

Шундай умрлар бўладики, ҳаётлигида халқнинг дардига дармон бўлади, бу ҳаётни тарк этганида ҳам элнинг кўнглида яшайди. Аслида яшамоқдан мазмун ҳам кўпнинг назаридан қолмаслик. Устоз Мустақим Мирзаев ана шундай зотлардан бири сифатида ҳали-ҳануз шогирдлар қалбида.

Ўзбек тилшунослиги илми Маҳмуд Қошғарийу Ҳазрат Навоийдан бошланиб, асрлар давомида ривож топиб келди. Аммо унинг тизимли тадқиқи XX асрда бошланди ва бугунги ҳолга келди.

Машриқу Мағрибга дoston бўлган тупроқ бўлмиш Бухорои шариф азалдан илм масканидир. Ўзбек тилшунослигининг тараққийси маълум жиҳатлари билан шу муқаддас тупроқ фарзандлари илмига келиб туташади. Ана шундай забардаст тилшунослардан бири устоз Мустақим Мирзаев саналадилар.

Мустақим Мирзаев ўта билимдон, фидойи олим эдилар. Ўзбек адабий тили тадқиқи йўлида тинмай меҳнат қилдилар. Ҳар бир мақолаларида, ҳар бир тадқиқотларида ўзбек тилининг долзарб муаммоларига дахл қилар, қўйилган муаммони асослаш учун барча манбалардан ўринли фойдаланар эдилар. Муҳими, олимнинг улухулосалари бор ва бу илмий-назарий хулосалар устознинг тилшунослиқда муносиб ўринлари борлигини кўрсатар эди. Бугун Мустақим Мирзаевнинг ўзбек тилшунослигидаги ҳиссаси тилшунос олимларнинг ҳар бир тадқиқотида юз кўрсатиб туради.

Мустақим Мирзаев талабчан раҳбар эдилар. Устознинг талабчанликлари ўзбек тилшунослиги кафедрасининг барно бўлиши, кадрлар билан таъминланиши, кафедрадаги тилшуносларнинг илм йўлига кириб, бу йўлда республика, қонаверса, хорижда танилишига қўшган ҳиссаларида ўрнилади. Устоз ўрнатган тартиб-интизом кафедранинг ҳар бир аъзоси ҳаётида, ҳатто кафедранинг бугунги тизимида ҳам сезилади. Бу феъллари талабаларнинг ҳам, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам бирдай севимли устози Шавкат Мирзаевга мерос, наздимизда.

Мустақим Мирзаев ўзбек тили тараққийсини биринчи ўринга қўядиган, унинг озор топишига чидай олмайдиган, ўта қаттиққўл олим эдилар. Айтишларича, матбуотни, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларини батафсил кузатиб, тинглаб, уларнинг ҳар бир хатоларини тулатишдан чарчамаган эканлар. Қип-қизил сиёҳга беланган газеталарни манзилига жўнатиб, бу соҳадаги мутахассисларни ҳушёр торттирар, она тилимизга беэътибор бўлганларни кечиргилари келмай ўтирар эканлар. Бугун естиклоддан гуллаб-яшнаётган Ватанимизда барча шароитлар муҳайё бўлаётган бир паллада она тилимизга беэътиборларга жон койитиб бир нима дея олмаймиз гоҳо. Шундай ҳолатларда устоздаги фидойилик қадрини яна бир бор ҳис қилсак арзийди.

Мустақим Мирзаев жонкуяр педагог эдилар. Устоз таълим берган охирги курс биз эдик, адашмасам. Устознинг соғликлари сал қийинлашган йил экан. Автоҳалокатдан сўнг ҳисса кўмагида дарсга келганлар. Биз нодон ёшлар, эҳтимол, бу фидойилик қадрини англамагандирмиз. Маъруза институтнинг янги биносида иккинчи қаватда буларди. Ёшга бўр кўмагида ҳам ажойиб дарс ўтардилар, таълим,

айни дамда, тарбия берардилар. У кишининг дарслари бугунги янги педагогик технология кўмагида ўтиладиган энг чиройли, энг савияли дарслардек гўзал, қизиқарли бўларди. Биз бу дарсларни муҳим воқеа сифатида кутиб ўтирардик. Устоз эшикдан кўринганларида ҳаммамиз жой-жойимизда бўлардик.

Мустақим Мирзаев тилшунос бўлсалар-да, образли фикрлардилар. Устоз дарсларини хотирласам, ўтган йигирма беш йиллик вақт пардалари ортидан унутилмаган воқеликлар юз кўрсатар экан. Энг оддийларини эслагим келади: доскада ёзаётиб, ундов белгисини қўйган талабага “Бу ундовми, калтакми?!” – дейишлари бор эди. Сўнг ундов белгисининг қандай бўлишини эринмай кўрсатардилар. Рассомга ўхшаб ишлардилар. Нуқта қўйсақ, “Холдорхоннинг холини кўрганмисиз, нуқта шундай бўлади”, – деди кўярдилар.

Тиниш белгиларининг муҳимлигини бизга қайта-қайта ўқтирардилар. Асло ёдимдан чиқмайди: эснаган талаба дугонамизга «Оғзингизни тандирдай очавериб чарчамангизми?!» – дея образли танбех берган эдилар. Устоз фақат тилшунос эмас, адабиётни ҳам теран англайдиган ҳақиқий филолог эдилар. Бу жиҳатлари кўп йиллар суҳандонлик қилиб, эл назарига тушган фарзандлари Олима Мирзаевага ўтгани аниқ.

Мустақим Мирзаев жуда жиддий инсон эдилар. Шунинг сабаб бўлса керак, ҳар бир сўзимизга, ҳар бир ҳаракатимизга масъул бўлишни ўрганган эдик. Биз устознинг кулганларини сира кўрмаганмиз. Бир кун кулганларини кўрдик. Бир талаба қўлидаги китобни узоқроқдан кўзлари кўриб, кимнинг китоби эканини сўраб қолдилар. Устоз китоб муаллифини назарда тутган эдилар. Шошиб қолган курсдонни

миз фикрлаб ҳам ўтирмай “Менинг китобим”, – деб қолди. Домла мийиғларида жилмайиб қўйган эдилар, биз эса шундан бахтли дақиқадан фойдаланиб кулиб олган эдик. Эслак арзигулик кунлар эди у кунлар. Билимдон устозларимизнинг дарсларида истиқдолнинг эпкини бор эди.

Мустақим Мирзаев минг-минглаб шогирдларга устоздирлар. Домланинг таълимларини олган бизнинг курс талабаларидан Дилрабо Қувватова бугун фан доктори, Бибиш Жўраева ҳамда камина – филология фанлари номзоди. Зухра Рамазонова суҳандон сифатида кўпчилардан бери Бухоро телевидениесига самарали меҳнат қилиб келади. Саломат Комилова эса «Шухрат» ордени соҳибаси. Қолган курсдошларимизнинг ҳар бирида ўзига хос ютуқлар мавжуд. Бу ютуқларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, профессор, ўзбек тилшунослигининг яшир вакили Мустақим Мирзаевнинг ҳам муносиб исмалари бор.

УСТОЗ УМРИ

(Тилшунос олим Мустақим Мирзаевга)

«Она тилим – жоним, жаҳоним,
Имкон ичра улуг имконим,
Кўксимдаги ёруғ иймоним,
Шавкат-шоним», – дер эди устоз.

Тил хўрланса, топарди озор,
Саводсизга қаҳри кўп бисёр.
Тил эркини орзулаб такрор,
Эл гамини ер эди устоз.

Олим эди, эди тилшунос,
Китоб ёзди, сабоқ берди боз.
Тил илмига бахш бўлди умри,
Бундай умр дostonга қиёс.

Шон-шуҳратни қилмади орзу,
Шон-шуҳратга буркади илм,
Шу элни деб яшаб ўтди у,
Олим ўғлин ардоқлар элим.

*Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти, шоира*



УСТОЗ САБОҒИ

Умр – оқар дарё. Йиллар бир-бирини қувалашни ўтаверади. Кунлар ойларга бешик бўлади. Ҳатто ғоялар ўзгаради. Аммо хотира мангу яшайди, ўзгармайди. Ҳамиша собит туради...

Устозлар хотираси... Бу хотиралар нақадар ёрқин, нақадар ҳаётбахш. Шу билан бирга маҳзун ёдномалар.

Мустақим Мирзаев, Аҳмад Абдуллаев, Тожи Қораев, Ойтўра Расулова, Мунира Қосимова, Бафо Эгамбердиев, Ҳадяхон Зикриёева, Саиджон Алиев, Раҳим Воҳидов, Охунжон Сафаров. Афсуслар бўлсинки, бу рўйхат узундан узун бўлди. Аммо бизга таскин берадиган бир куч бор. Бу устозларимиз сабоғидир.

Мустақим Мирзаев. Бу сиймони кўз олдимизга олтирар эканмиз, ўта талабчан, фидойи, ҳақиқий устоз ва шун дўст қаршимизда гавдаланади. Устознинг илк сабоғи, дагга илк танбеҳи қулоғимиз остида жаранглаб тургандек гўё. Ўзбек тилининг ҳақиқий жонқуяри, унинг софлиги, шиллийлиги учун бутун фаолияти давомида курашган, катта минбарлардан туриб уни ҳимоя қилган буюк инсон – Мустақим Мирзаевнинг шогирди бўлганимдан фахрланаман. Устознинг келажакни кўра оладиган даҳо инсон бўлганини бугунги кундаги фаолиятимда яна бир карра ҳис этишман. У кишининг «У ёғига қара, бу ёғига қара, тўрт томонига бир қара» каби ҳикматларида бугунги тест топшириқлари устида ишлаш жараёнини аниқ кўриб тургандекман гўё.

Мустақим Мирзаев саводхон шогирдларини ҳурмат билан эдилар. Устознинг сабоғини олган шогирдлар ҳам ўз фаолиятларида, мактаб ва ўқув юртларидаги машғулотларида ана шу анъанага содиқ қолиб, ўз устозларининг иштини давом эттирдилар. Мустақим домланинг сабоқларини олган авлод ўз устозига муносиб шогирд бўлиб өттиди. Биз, шогирдлар маънавий отамиз бўлмиш Мустақим Мирзаев хотираси оддида ҳамиша таъзимдамиз.

*Гулнора ЯХШИЕВА,
филология фанлари номзоди*

ҲАЛОЛЛИК ТИМСОЛИ ВА БЕНАЗИР ТИЛШУНОС

XX асрнинг 80-йиллари. Бухоро педагогика институтида ўқитувчи бўлиб иш бошлаганимга ҳали кўн бўлгани йўқ. Кунларнинг бирида шахримизнинг «Лаби ховуз» ошхонасида овқатланиб туриб бир қизик воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ёнимдаги бўш столларнинг бирига қарийб ярим асрдан буён олий ўқув даргоҳида сабоқ бериб, зия таратиб келаётган, ўзининг бутун меҳрини ва бор ижодини қобилиятини суйган касбига, яъни она тилимиз равнақи, унинг софлигини сақлашга бағишлаган ажойиб муаллим, устоз-профессор (Бухорода барча у кишини «Профессор Мирзаев», «Мустақим Мирзаевич», «Мустақим домла», «Домла Мирзаев» деб ҳурмат билан тилга оларди) Мирзаев келиб ўтирдилар. Овқатланиб бўлгач, стол устида ортиб қолган нон бўлақлари ва бир дона сомсани эринмай авайлаб бир қоғозга ўрадилар-да, портфелларига солдилар. Қолган нон увоқларини капалаб оғизларига ташладилар ва секин ўринларидан турдилар. Сал нарироқдаги стол атрофида ўтирган башанг кийинган олифтанамо уч йигитдан бири писанда қилиб:

– Ўзлари «профессор» бўлсалар ҳам жуда зикна, хасис одам эканларми? – деб кулиб қўйди. Унга шериклари ҳам қўшилиб ирманди.

Вожаб... Наҳотки устознинг бу хатти-ҳаракатлари зикналик ёки хасислик бўлса, деган ўйга борганим ўшанда Йўқ, бу аксинча, сахийликнинг ўзгинаси... Ҳақиқий инсонийлик, қолаверса, ҳалоллик ва ибрат эканини наҳотки пайқаманган бўлишса ўша олифталар, деган фикрлар ўтгани хаёлимдан.

Дарҳақиқат, инсонни чинакам инсон қиладиган, унга ҳурмат, обрў-эътибор келтирадиган ахлоқий фазилат

ларнинг ибтидоси ҳалоллик ва унинг кўринишларидан бир
ибратдир.

Устоз 10 дан зиёд ўқув қўлланма ва монографиялар, 120
га яқин илмий журнал ва тўпламлардаги мақола, тезислар,
20 га яқин рус тилига оид мақола ва ўқув қўлланмалар ҳамда
50 дан зиёд ўзбек ва тожик тилларида чоп этилган
публицистик мақолалар муаллифидир.

Кўп йиллик самарали фаолияти давомида устоз “Халқ
маорифи аълочиси” нишони (1958), “Меҳнат қизил
байроғи” ордени (1961), “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби” фахрий унвони (1974), “Меҳнат фахрийси”,
“Қори–Ниёзий” медали ҳамда бир қанча фахрий ёрликлар
билан тақдирланганлар.

Ўз эътиқодига бир умр собит ва ўз касбига содиқ устоз
қақдаги шогирдлар эътирофи эса энг катта мукофот.

Атоқли фольклоршунос олим Тўра Мирзаевнинг она
тили – ўзбек тили қадри учун бир умр хизмат қилиб келган
устоз ҳақидаги фикрига бир эътибор беринг-а: «Мустақим
Мирзаев ўзининг ўта куюнчаклиги билан бизнинг хотира-
мида тил ва имло масалаларида огоҳликка ундаб турувчи
муаллим, унинг қонуниятларини изчил тадқиқ этган олим
сифатида абадий қолади». Ёки устознинг яна бир шогирди,
филология фанлари доктори, Навоийшунос олим Иброҳим
Ҳаққул: «Қанча зукко тилшунос олим XX асргача Бухорода
фаолият кўрсатиб, қандай асарлар ёзиб қолдирганини мен
ёшиқ билмайман. Лекин ўтган юз йил, яъни бутун бир аср
мобайнида Бухородан профессор Мустақим Мирзаевдай
палагон, ҳалол, куйинчак ва ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри
тилшунос майдонга чиқмаганлигига ишончим комил...
Бизнинг билдим: Тил – қисмат, Тил – ўзбек, Тил – руҳоният,
Тил – миллийлик деган ҳақиқатларни онг ва шууримизга,
онг аввало, Мустақим домла сингдирган экан. Фақат шу
қисматлари учун устоздан қанча миннатдор бўлиб, қанча

раҳматлар айтсам, барибир камлик қилади», – деганида юмчандон ҳақ эди. Ҳалоллик ва ибрат тимсоли бўлган устоздан қўш қават қошоналар, қўша-қўша машиналар қолмади. Олимнинг ҳаёти отасидан қолган, ўзи туғилиб ўсган **Дўстчорағоси** (ҳозирги **Мирзофаёз кўчаси 32-уй**) гузарига эски ҳовлида ўтди. Шу ҳовлида илмий изланишлар кетидан муваффақиятларга эришилди. Тўрт киз ва бир ўғилни аҳли солиҳ қилиб тарбияладилар. Қизлари Истат, Роҳила, Зулфия ота изини босди – ўқитувчи. Олима – иқтидорли радиожурналист, ўғли Шавкат – «От изини той босар» деганларидек, устознинг излари қолган даргоҳда қарийб 40 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётир, физика-математика фанлари номзоди ва техника фанлари доктори, Бухоро давлат университети физика кафедрасининг профессори. Айни дамларда Бухоро давлат университети физика-математика факультети декани.

Хуллас, яхши ном, ажойиб шоғирдлар, порлоқ хотиралар қолди устоздан. Ҳавас қилса арзигулик ҳаёт ибратини қолди бу муҳтарам инсондан, ана шундай бахт барчага насиб этсин, азизлар!

Буюк мутафаккир Муҳаммад Зеҳний айтганидек: «Яхши одам ушбу дунёни тарк этса-да, бироқ у тирик ҳисобланади. Ёмон одам тирик бўлса-да, барибир ўлик қаторидадир». Зеро:

**Яхши ном қолса, бас, шудир мақсудким,
Тинитанимиз ўткинчи, қолажаги ном.**

*Акбар АЛЛАМОВ
файласуф*



ЖОНЛИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ СОҲИБИ

Йиллар ва йўллар. Бир-бирига яқин, бир-биридан узоқ. Маъшум уруш туфайли уйларидан ажралиб, ота-онасиз, бошпанасиз қолган етим-есир болалар билан бир бурда понини баҳам кўрган ўзбекнинг қишлоқдаги болалари бир кўйлагу шим билан ўқишга отланадилар. 50-йилнинг урталарида бир гуруҳ қашқадарёлик болалар билан Бухорои шарифга йўл олдик... Омадимиз келиб кўпларимиз ўқишга киришга муваффақ бўлдик.

Ўқув биноси талабалар турар жойи билан ёнма-ён, энг муҳими, унинг ҳовлисида студентлар чойхонаси бўлиб, домлалар, талабалар нонушта-ю тушлик қилар эдилар. Биринчи пара дарсимизда факультет декани ўқитувчимизни таништирдилар... Домламиз биздан унча катта бўлмаган матндан диктант олдилар. Биз студентлар юрак ҳовучлаб, диктант натижаларини ҳовлиқиб кутардик. Иккинчи пара дарсларини домла ўтдилару, диктант ҳақида биз очмадилар. Студентлардан ўнгамизнинг исми фамилиямизни ўқидилару, дарсдан кейин кафедрада кутишларини айтдилар. Диктантларимизни қўлларимизга бердилару, хатога йўл қўйган сўзларни кўчириб олишимизни буюрдилар. Биронтамизга ҳам ортиқча гапирмасдан хатога йўл қўйган ҳарфлар иштирок этган сўзлардан ўнтадан таниб ёзиб келишни буюрдилар. Барча талабаларнинг ёзма ишлари шу тарзда домла назоратидан ўтди... Мен бугунги кун ўқувчисига анча эриш туюлган воқеаларни шунчаки эслаётганим йўқ. Мен эслаётган иш услуби бугунги кун интернет ва компьютер асрида ўқувчига анча нотаниш ва шикоятли кўриниши мумкин.

Инсон умри ҳам, йиллар биздан йироқлашган каби, коинотдаги юлдузлар мисоли ўй ва хаёлларимизни ул оғушига тортади. Биз ёш болалардай унга интиламиз. Ойин ҳам, юлдузларни ҳам қўлга олгимиз, улар билан суҳбат кургимиз келади.

Мустақим Мирзаев! Бу баракали ижод соҳиби ва зукко илм даҳосининг ўзбек ва форс-тожик тилшунослик фани тараққиётига қўшган ҳиссаю хизматларини эслаш ва баҳолаш бугунги ўзбек тили мутахассисларининг ҳукмига ҳавола. Мен домла М.Мирзаевнинг студентлар билан мустақил ишлаш мактабини алоҳида эсламоқчиман. Домла М.Мирзаев талабаларни кўпроқ бадий асарлар мутолаа қилишга жалб қиларди. Бу ишни шундай ташкил қилар эдиларки, сиз ҳам бадий асар ўқирдингиз, ҳам бадий матндан ўзбек тилидан ўтилган мавзуга оид мисоллар билан танишардингиз. Домла аудиторияга кириб келгач, саломатликдан сўнг доскага диққат билан қарар ва навбатчиға миннатдорчилик билдириб, дарсни бошлар эдилар... Назарий маълумотга оид мисолларни ўз қўллари билан доскаға ёзар эдилар ва ҳар бир сўзнинг маъносини тушунтирар эдилар. Изоҳи қийин сўзларни мумтоз адабиётдан келтирилган мисоллар билан изоҳлардилар.

Домла М.Мирзаев республика ва маҳаллий матбуотини синчиклаб кузатардилар. Шу ўринда домламизнинг фаолиятидаги ажойиб бир воқеани эсламоқчиман. У киши ҳар куни “Қизил Ўзбекистон” газетасининг икки нусхасини кафедраға келтириб, ўз қўллари билан бир нусхасини синчиклаб текшириб хатоларини тузатиб, газетанинг иккинчи нусхасидаги хатоларни эса менга текширтирар эдилар. Газета нусхаларини конвертга солиб бир нусхасини

ҳурматли Шароф Рашидовга, иккинчи нусхасини газета бош муҳарририга жўнатар эдилар. Мен домлага “Бу ишлар газета жамоасига оғир ботмасмикан?”, – деганимда: “Бу насабани ҳамма ўқийди”, – деб жавоб берар эдилар. Газета таҳририятидан домлага миннатдорчилик мактублари тез-тез келиб турар эди.

Домла М.Мирзаев фаолиятидаги энг муҳим фазилатлардан бири талабаларни ўз касбларига тайёрлашга катта эътибор беришлари эди. Домла Бухоро вилояти ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари малака ошириш институтига келганларида уларни институтга чақириб факультет раҳбарияти билан келишиб, барча студентларнинг дарсга қатнашишларини ташкил этардилар. Турли вилоят ва туманлардан келган талабаларига шева хусусиятлари ҳақида маълумотлар бериб, уларни изоҳлардилар. Ҳатто шева-лардаги сўзларга ҳам эътибор билан қарашга тингловчиларни чақирар эдилар. Хотирамдан ҳеч ўчмайдиган бир воқеани эслатмоқчиман. Малака ошириш дарсларига бир кифар кечикиб келсам, домла дарсни бошлаган эканлар. Гуҳсат сўраб аудиторияга киришим билан домла “Мана “ж” довчи шеванинг буюк вакили келди”, – деб мени кўрсатдилар. Катта зални тўлдириб ўтирган студентлар ва ўқитувчилар кулиб юбордилар... Сал ҳаяжонга тушиб, тилим келимага келмай қолди. Ўзбекларнинг гап келганда отангни ҳам аямагин, деган нақдига амал қилиб, домлага қарата “ж” довчи шева ўзбек тилига жўналиш келишигини берган. “Кун, жарчи, жийда, жилов каби сўзлар шу шева маҳсули”, – дедим. Бу сўзларим учун домладан ўша вақтда ҳам кечирим сўраганман. Лекин домла менинг бу сўзларимдан хурсанд бўлганларини бир неча бор уқтирганлар...

Домла М.Мирзаев кафедра аъзоларининг дарсларини ҳам ўз вақтида кузатиб борар эдилар. Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг барча ўқитувчилари бир дақиқа ҳам дарсга кечикиб киролмас эди. Агар бирор ўқитувчи 5-10 дақиқа кечикканини сезсалар, ўша ўқитувчининг дарсига талабалар қатори ўқитувчидан олдин кириб ўтирар эдилар.

Профессор М.Мирзаев талабалар билан дарс жараёнида ҳам, дарсдан кейин ҳам яқин илмий-методик алоқалар ўрнатган олим эди. У киши студентларнинг шаҳардаги ва институтдаги кутубхоналар билан алоқаларини, қайси асарларни ўқиб бораётганлигини ўзлари мунтазам кузатиб борар эдилар ва қайси асарларни кўпроқ ўқиш лозимлигини мунтазам суҳбат мавзусига айлантирар эдилар. Домла Мирзаев илмий асарлар яратишга ва уларни тайёрлашга талабаларни ҳам жалб этардилар. Домланинг 1956-1958 йилларда нашр этилган “Ўзбек орфографияси бўйича машқлар ва диктантлар”. – Бухоро, 1955, “Ҳозирги замон ўзбек тили” (машқлар тўплами). – Тошкент, 1958, “Ўзбек тили” (пединститутларнинг бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган факультетлари учун дарслик) асарлари кенг жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда яратилган. Профессор Мирзаевнинг Бухоро шевалари ўзбек ва рус тиллари қиёсий грамматикасига оид анкета ва қўлланмалари ва илмий тадқиқотлари ўзбек тилшунослиги фанининг энг катта ютуқлари ҳисобланади. У кишининг тилшунос олимлар И.Расулов, С.Усмонов, А.Сафоев, А.Бўрибековлар билан яратган илмий тадқиқотлари ўзбек тилшунослик фанининг туркий халқлар тилшунослигида танилишига катта ҳисса қўшди. Профессор М.Мирзаев қўлида таҳсил олган кўплаб олимлар Москва, Ленинград

Самарқанд, Тошкент илмий жамоатчилигида диққатга сазовор илмий ишларни олиб борди. Профессор М.Мирзаев таълимини олган Т.С.Ядиханова Москвада, Э.Шодмонов Тошкентда, К.Усмонов Самарқандда тилшунос олимлар каторидан муҳим ўрин олдилар. Профессор Мирзаев Қарши давлат педагогика институти олимлари билан ҳам илмий алоқада бўлди. Институтга келиб ўзбек тилидан лекциялар (маърузалар) ўқиди. У кишининг шогирди, филология фанлари доктори Ҳ.Ғ.Неъматов устоз изидан бориб, Қарши давлат университетидан жуда кўп олимларга устозлик қилди. Филология фанлари доктори Бахтиёр Менганиев, филология фанлари номзодлари О.Шукуров, З.Ўронова, Ш.Бобожонов, Ё. Ҳамроева, Б.Бахриддинова, Н.Мусурмонова, Т.Жумаев, Н. Йўлдошевлар М.Мирзаев асос солган тилшунослик мактабининг вакиллари ҳисобланади.

Бугун устоз Мустақим Мирзаевни эслар эканман, у кишининг кўллари билан битилган табриклари кутубхонанинг эзуликка чақирувчи юлдузи ҳисобланади.

Турсун БОЗОРОВ

*Қарши давлат университети меҳнат фахрийси,
филология фанлари номзоди, доцент*



УТА ТАЛАБЧАН ВА БАҒОЯТ ЖОНКУЯР УСТОЗ

Мен 1955-1960 йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) тарих-филология факультетида таълим олиб, олий маълумотга эга бўлдим. Танлаган касбимга меҳрим ва масъулиятимнинг

тобора ошишида, малакали, етук мутахассис-педагог бўлиб
вояга етишишимда жонкуярлик ва фидойилик кўрсатган
профессор-ўқитувчилар, устозларни хурмат-эҳтиром билан
ёдга оламан.

Тил-адабиёт фанлари бўйича М.Мирзаев, С.Алиев,
А.Абдуллаев, К.Хайруллаев, Р.Сайфуллаева каби
профессор-ўқитувчилар ўз мутахассисликларининг моҳир
ва ҳозиржавоб устозларидан эдилар. Тилга эътибор, уни
пухта ва мукамал ўрганишга сидқидилдан ёндашиш, бу
йўлда қизиқувчанлик билан тинимсиз изланиш зарурлиги
борасида, айниқса, таниқли тилшунос олим, садоқатли
устоз-мураббий Мустақим Мирзаевич Мирзаевнинг ўта
талабчанликлари, қатъий имловий назорат юритишлари
муҳим аҳамият касб этарди. Айрим талаба-ёшларнинг
бошқа тиллардан олинган сўзларни ўзбек (она) тили ибора
ва жумлаларига қориштириб гапиришлари домла
кўнглини ранжитар эди. Устоз куюнчаклик билан ўзбек
тили ўқитувчиси бўладиган йигит-қизларни сўзларнинг
тўғри талаффузига, адабий тил қоида ва меъёрларига изчи-
риоя этишга даъват қилар эди. Шу боисдан домлага бирор
масалада мурожаат қилмоқчи бўлсак, аввало, баён этмоқчи
бўлган фикр-мулоҳазаларимизнинг ихчам, лўнда, равонли-
ги ҳақида бош қотирардик. Домланинг такрор-такрор
таъкидлашича, олий ўқув юртида ўқишдан кўзда тутилган
бош муддао унинг фақат дипломини қўлга киритиш эмас,
балки кенг қамровли чуқур билим эгаси, юқори савияли,
маърифатли, комил инсон сифатида шаклланиши зарур.
Шу маънода домла билимга чанқоқ, изланувчан, иқтидорли
талаба-ёшларни қўллаб-қувватлашни, улар учун зарурини
шарт-шароитларни яратиб беришни раҳбариятлардан

талаб қилар ва ғамхўрлик кўрсатишда ўзи ташаб-бускор бўларди. Меҳрибон ва саховатли устознинг беминнат ёрдамларидан бир неча бор баҳраманд бўлганман.

1962-1965 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимда, шивал меҳнат фаолияти билан шуғулланган жойим – “Ўзбек адабиёти” кафедрасида бўш ўрин йўқ, деб мени ишга қабул қилишмади. Ҳолбуки, ҳарбийга кетгунимча нутқ маҳоратимни эътиборга олиб, менга “Нутқ маданияти” амалий курсини топширишган эди...

Ғиждувон туманидаги ўрта мактаблардан бирида ишлаш учун тараддуд кўраётганимда домла билан учрашиб қолдим. У киши шошилишч юмушларини ортга қолдириб бўлса ҳам, мени институт раҳбариятига бошлаб бордилар ҳамда «Ўзбек тили» кафедраси ассистент-ўқитувчиси сифатида фаолиятимни давом эттиришга, “Нутқ маданияти” курсини олиб боришимга имкон яратдилар.

Кейинчалик вилоят радиоэшиттириш қўмитаси раиси, суҳандони, вилоят мусиқали драма ва комедия театри директори, олий тоифали актёри, маънавият тарғиботчиси вазифаларида завқ-шавқ билан самарали фаолият кўрсатиб ишлаш шарафига эришишимда устозим – бағрикенг, олижаноб инсон Мустақим Мирзаевнинг умидбахш сабоқлари, пўл-йўриқларининг аҳамияти бениҳоя катта бўлди.

Домланинг олимлардан, шоирлардан, ўқитувчилардан ва бошқа соҳа мутахассисларидан иборат эл-юрт назарига тушган кўплаб шогирдлари илмий-ижодий ишларни янада равшан топтириш, ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Аминманки, уларнинг ҳам қалблари маънан

барҳаёт муҳтарам устозимиз шаънларига ҳурмат-эҳтиром,
миннатдорлик туйғулари билан тўлиб-тошган.

УСТОЗ ДАЪВАТИ

Бурро сўзлагин, дўстим, оламга эшитилсин,
Ўзбек тили жарангдор эканин ҳамма билсин,
Ким бу тилни ўз тилим, она тилим деб билса,
Ўзи аввал қунт билан ўрганишга интилсин.

Тўғри ёзмоқ, гапирмоқ сирларин ўзлаштириб,
Сўзлар талаффузига қатъий риоя қилсин.
Нутқимизнинг мусиқий оҳанграбо садоси –
Янада таъсирчанлик, жозибага йўғрилсин.

Унли, ундош товушлар жўрлигида янграган
Забонимиз тобора ширин, равон, соф бўлсин.
Ундов белгиси ундаб, сўроқ белгиси сўраб,
Нуктаси тўхтаб-тўхтаб, вергул қошдек эгилсин...

Шундай нафис, дилрабо тилимизни камситган,
Тилбузар тилдан қолиб, шум режаси бузилсин.
Тилимизни чунонам эъзозлайлик, то унга –
Ҳазрат Навоий берган сўз – эътибор сезилсин.

Исомиддин, умрбод ўзбекона ижод қил,
Илҳоминг мисраларда маржон каби тизилсин.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Муҳтарам устоз, ўзингиз билимда доно этдингиз,
Тил сеҳри-ла дилларга йўл олмоқни аъло этдингиз.
Ҳар ибора, ҳар сўзингиз оламча маъно англатиб,
Шогирдлар юрагига меҳрингиз жо этдингиз.

Образли бўлсин дарсларим, деб тиниб-тинчимай сира,
Қуш ўқиб, изланиб, ёзиб, гоҳ роллар ижро этдингиз.
Тил бойлиги бўстонида дуру жавахирлар йиғиб,
Илмингиз нур-ёғдуси-ла қалбларни рўшно этдингиз.

Ўзбек тилининг беқиёс жозибасин дoston қилиб,
Бизни бебаҳо маънавий меросга ошно этдингиз.
Она тилимизни чархлаб, сайқал бериб жарангига,
Ўтқимизни равон айлаб, таъсирчан, бурро этдингиз.

*Мен шогирдингиз умрбод Сиздан миннатдорман, устоз,
Чунки бошим силаб, мендан ижодкор пайдо этдингиз.*

*Исомиддин ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими, Халқаро Антик дунё
илмий академияси доценти*



ФИДОКОРЛИК ТИМСОЛИ (Хотиралардан биллур қатралар)

Бугун кўпчилик билади ва яхши эслайди: Бухоро шаҳри кўчаларида ихчам папкасини соллаб, ерга тикилганча ўйчан қиёфада кетиб бораётган йирик гавдали нуроний сиймони кўп кўриш мумкин эди. Бу, асосан, эрталаблари ёки тушдан сўнг намозгар-намозшом паллалари содир бўларди. Эрталаб барвақт Бухоро педагогика институтига – бир умрлик севимли шу жойига ўзбек тилшунослиги кафедрасига ошиқиб йўл олган Мустақим Мирзаев домла кун бўйи, дарси бўлса-бўлмаса ҳам кафедрада узлуксиз равишда иш билан банд бўларди. Кафедра аъзоларининг дарсини кузатиш ва дарс таҳлиллари, илмий ёки оммабоп мақолалар устида ишлаш, ҳам касбларнинг китоблари қўлёзмасини ўқиб, тақризлар ёзиш, талабаларнинг илмий рефератларини, курс ишларини текшириш, янги газета-журналлар билан танишиб, мақолалар ва ахборотлардаги грамматик, услубий жиҳатларни текширар, текширганда ҳам талабаларнинг диктант ёки иншоларини текширгандек хатоларини қизил сиёҳ билан кўринарли тарзда қайд қилиб борарди... Мана шундан грамматик ва услубий хатолари қип-қизил қилиб тўзиб қилинган газеталар, журналлар домланинг архивида бугунгача сақланади. Бундай текширувдан ўтказилган матбуот намуналарининг аксарияти икки нусхада бўлиб, уларнинг бири ўша таҳририятга, бош муҳаррирга юборилган...

Ўзбек тилшунослиги кафедраси аъзоларининг деярли бариси дарсдан чиқиб келиб, кафедрада – ўқитувчилар хонасида аксари ҳолларда тожик тилида сўзлашардилар.

Кафедра мудири профессор Мустақим Мирзаев кириб келиши билан бу ҳаракат зумда тўхтар, ўқитувчилар аста пиширлашиб, ҳеч нарса кўрмаган-билмагандай бўлиб олишарди. Айниқса, аёллар хавотирланиб ўтринча домланинг юзига тикилиб-тикилиб қўйишар, шу қилиқларининг ўзи билан улар беихтиёр қовун туширганликларини билмай олишарди. Зийрак Мустақим Мирзаев буни барибир сезар, доно инсон, айниқса, аёл зотини хижолат қилишни истамас, барибир ҳам, сал кейинрок ўзини қўлга олибми, мавриди билан тегишли танбеҳини айтар, чунки ўзбек тилининг оташин раҳнамоси бўлган муҳтарам зот бундай вонисандлик билан асло келишмас, аниғи, келиша олмас, шундай олмас эди-да.

Қайси вақт истеъдодли ёзувчи дўстим Нодир Норматнинг масласи билан меҳмон бўлиб келиб, ўзбек филологияси факультетида ҳам олимлар ва талабалар билан танишган, шундан суҳбат-мулоқотлар ўтказган эди. Шунда у мени бир теккароққа етаклаб, чин дилдошлик билан деган эди:

– Дўстим, кечирасиз... рости, бу даргоҳ ўзбек филологияси факультетими ёки тожик филологияси факультетими, ҳеч билолмадим.

– Нима эди, Нодирвой?

– Бир қизиқ-да, масалан, ўзбек тилидан дарс ўтувчи домлар, борингки, ўзбек адабиётидан домлар дарсда балки ўзбек тилида сўзлашар, дарсниям ўзбек тилида ўтарлару, ағмо... дарсдан чиқибок нега деярли барчаси худди келишилгандай фақат тожик тилида сўзлашади? Мардона гап шунки, мен ҳеч ҳазм қилмаяпман бундай қилиқни, дўстим...

Рост, бу бир замонларнинг гапи. Лекин ҳали-ҳамон бониям ўйлантириб келади бу. Нодир Норматнинг

хайрагли сўзлари аслида профессор Мирзаевнинг бир умрлик куюнчакликлари, ўзбек тилининг – она тилисининг химояси, обрўйи, дахисизлиги учун хайратга сиғма фидокорликлари билан алоқадор муштарак ҳақиқат ҳисобланади.

Бир куни ўзбек тилшунослиги кафедрасига бориб, кафедра мудирини Мустақим Мирзаевнинг ниҳоятда дарғазаб ҳолатда уч-тўрт кафедра аъзоларига қарата гапираётганликларининг устидан чиқиб қолдим. Орқага қайтмоқчи эдим, «Ўртоқ Хон, ўтиринг, сиз бегона эмассиз – эшитсанми? – эшитибсиз, – дедилар домла, – бу гаплар ҳаммамизга тегишли масала, балки муштарак дардимиз, муштарак вазифамиз, янада муҳими, муштарак виждон ишимиз, муштарак иймон-эътиқодимиз ҳисобланади». Бир чекка роқда ўтирмоқчи эдим, домла Мирзаев самимий илтифот билан: «Яқинроқ келинг, яқинроқ, – дедилар, – мана кўринилар, ўртоқ Хон, мен бу шогирдингизни ҳам талабалик чоғларидан буён шундай дейман, аниғи ҳазиллашиб, бу иқтидорли йигитни яхши кўрганимдан шундай дейман. У бир қатор туркий тилларни яхши билади, сизлар қатори тожик тилидаям эркин сўзлаша олади, аммо ўзбек тилини ҳаммасидан устун қўяди. О, ахир мусулмон бандалар! – ўқитувчиларга қарата фиғони фалакка чиққан бир тарзда гапира бошлади яна домла. – Ўзбек тили онамизнинг тилими!» (муаллималар ерга қараб пичирлагандай нимадир деди бўлишарди) баланд гапир, гапиринглар! Ҳа, тилинг бор-ку! Ўзбек тилида сўраяпсан-ку! Бу бечора, бу хокисор, бу бойлиги биронтангдан кам бўлмаган ўзбек тилининг айби нима ахир?! Ўз тилингизни севинг, ўз тилингизда гапиринг дея-дея сочим билан суягим оқарди. Яна нима қилай, яна

қай тарзда муомала қилай сизлар билан? Айтинглар! Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчими? Уялмайсизларми, ўзбек тилининг нонини, унинг муаллими номини кўтариб, қўша-қўша илмий даража-унвонлар олиб-а?! Уялиш керак, уялиш керак!" Домла юз-кўзидан, кенг пешонасидан, бошидан оқаётган терни тоза сочиқ билан артиб, оғир карвонлик билан жойидан турди-да, дераза олдига борди. Гоят асабийлашганидан сигарет олиб ўтлади-да, дераза оша ташқарига қараб қолган бўлди. У асли чекувчи эмас, асабийлашган, чарчаган чоғлари шундай қилар, сигарет тутунини ичига тортмай, ташқарига пуфлар, кашандалар саби попирос «мазаси»ни умуман ўйламас, балки бунини умини тинчлантириш учун шунчаки эрмак қиларди.

Бухоро давлат педагогика институти ўзбек филологияси ва тарих факультети илмий кенгашида сўз олган профессор Мустақим Мирзаев қўлидаги «Муштум» журналининг янги сонини кўрсатиб шундай деган эди: «Ўртоқлар, илмий кенгаш аъзолари, сизларнинг ҳам тилимизнинг софлиги ва шайда улуғвор маънавий-маърифий илмга эга бўлиш учун виждонан ҳаракат қилишларингизга оид юксак фарзандлик вазифангизни яна бир бор эслатиш билан бирга, мана бу танқидий нафаси баланд «Муштум» журналида босилган бир жонкуяр шифокор, таниқли олимнинг ўта мазмундор ва теран мақолачасини эслатмоқчиман ҳамда ўзим шахсан бу қимматли даъватни сизларга ўқиб бермоқчиман:

Тилга эътибор – элга эътибор.

Тошкент пойтахт шаҳар, Шарқ дарвозаси ҳисобланади. Биз бир нарсага ҳайронмиз, авваллари идора, корхоналар дарвозаси, эшиги пештоқидаги ташкилот номини биладирадиган ўзбекча ёзув тенада осиглик туриб, пастида

ёки ёнида русча ёзувдаги тахтача бўларди. Эндиликда эса аксинча. Кўпчилик ташкилотлар номини англатувчи ўзбекча ёзувлар борган сайин камайиб бормоқда. Элимизда рус тилини улуғлаш билан бирга, она тилимизга ҳурматсизликка йўл қўймаслигимиз керак. Тилни ҳурмат қилиш миллатга иззат-ҳурматдир. Шифохоналар, поликлиникалардаги ёзувларни олинг: «Жарроҳ» ўрнига «хирург», «Қулоқ, томоқ, бурун доктори» ўрнига «Ухо, горло, нос» ва ҳоказолар. Шаҳримизда пешонасида «Тез ёрдам» ёки «Ўттирирувчи» деб ёзилган автомашинани ким кўрган? Автобус, троллейбус, трамвайларда ҳам шу манзара. Бирорта бекатда «Бекат» деган ёзувни учратмайсиз. Кўчаларни белгилловчи номлар, йўл белгилари, хуллас, қайси бир соҳага рўпара бўлманг, ўзбекча ёзилган ёзувларни кўрмайсиз.

Ўзбекча кўчалар номининг кўр-кўроналикча руслаштириб ёзилиши киши ғашини келтиради. «Илғор» маҳалласидаги Богкўча дабдурустдан «Бог» ёки Зиё Саид номидан кўча «Зияда Саида»га айланиб қолганига ажабланасан киши.

Ахир белгиланган тартиб-қоидага кўра ҳар бир ташкилот (у қандай ташкилот бўлишидан қатъий назар) пештоқида биринчи галда ўзбекча, сўнг русча ёзув бўлиши лозим. Бу тартиб раҳбар ва оддий ходим кабинетини эшигидаги ёзувларга ҳам тааллуқли. Тилга эътибор – элга эътибор, деганлар. Ўз тилини ҳурматламаган одам бошқа халқлар тилини ҳам ҳурмат қилмайди.

Зикрилла Эгамбердиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари номзоди. Ўзи тиббиёт соҳасининг ходими ва олими бўлса-да, ҳаётимизнинг маънавий-маданий ривожини учун қанчалик жонқуяр Зикрилла Эгамбердиев

саби миллатпарвар, ватанпарвар кишидан, унинг она тилимиз обрў-мавқеини кўтариш борасидаги жасоратли қаракатларидан ҳар қанча ибрат олсак арзийди. Олимнинг мақолада келтирган бир мисолини қайта-қайта таъкидласак ҳам камлик қилади, деб уйлайман: бу автобуслар тўхтаб ўтадиган жойнинг катта-кичик одамлар томонидан «Астановка» деб айтилишидир. Рости шуки, мана шу ерда ўтирган ҳурматли олимлар, истеъдодли ўқитувчилар ҳам «Астановка»нинг «бекат» дейилишини билмайдилар, балки уларига ҳам келтирмайдилар. Автобусда анча-мунча нуфузли, нуроний кишиларнинг ҳам нуқул «астановка», «астановка» деяверишларидан энсам қотиб, маданий шифали бир зиёли кишига «Ахир, биродар, наҳотки «бекат» дейиш шунчалик қийин», – дегим келади.

Таниқли ёзувчи Мақсуд Қориев олтмиш йиллигини Бухоролик китобхонлар даврасида нишонлагани профессор Нарзулла Шодиев билан келганида ҳикоя қилган эди: "Тўғри, Бухорода, айниқса Бухоро шаҳрида тожик тилида сўзлашиш қадимий анъана сифатида шаклланганлигини тузатиш мумкин. Лекин ҳалол гап шуки, ўзбек тилининг ўзган фидойисини мен, масалан, ана шу тожикзабон аҳоли кўпчилиқни ташкил этадиган муҳитдан етишиб чиққанликдан ҳайратланаман. Бу муҳтарам зот профессор Мустақим Мирзаев ҳазратлари бўладилар. «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири бўлиб ишларканман, шу даврда янгиликчимасам, эллиқдан ортиқ сонининг профессор Мирзаев томонидан қизил рангда тузатилган нусхалари махсус конвертга солиниб, газетамиз таҳририятига, шахсан менинг номимга юборилган. Устоз домла ҳар мақола ёки кичик адиборотни тоят диққат-эътибор билан ўқиб, улардаги услу-

оши, грамматик, фонетик хатоларни қизил сиёҳ билан кўрсатиб, тўғрилаб яна қизил рангда ёнига ёзиб кўрсатилган ҳолида таҳрир қилганлар. Ростки, аввалига бундан сал ран жигандай ҳам бўлувдим. Аммо адолат юзасидан айтганда, бундай жонқуярлик, она тилимиз учун беқиёс фидойилик журналистлар услуби ва саводхонлигининг тил ва маъни қоидаларига мувофиқ бўлиши тўғрисида бу даражада ташвишланиш ва қайғуриш фақат олқишга лойиқдир. Мен аввало, ҳамма тилшунос-олимларнинг, қолаверса барча зиёлиларнинг муҳтарам профессор Мирзаев домладан ибрат олишларини жуда-жуда истардим”.

Кўримсизроқ талабалар ошхонасида профессор ўқитувчилар деярли овқатланмас эди. Аммо Саиджон Алиев, Мустақим Мирзаев каби домлалар одми ва камсукум характер-хусусиятларига хосликда, асосан, талабалар билан аралаш ўтириб овқатланаверар эдилар. Домла Мирзаев ўтирган столга талабалар яқинлашмас, бу албатта у кишини ҳурмат қилиш, халақит бермаслик мақсади билан боғлиқ эди. Домла овқатланиб бўлгач (бундан олдин ҳам), албатта қўлларини ювар, қолган нон бўлақларини елим халтачага солиб оларди. Талабалар бу манзарани ўта қизиқиш билан кузатиб қолишганини домла албатта сезар эдилар.

– Болаларим, – дердилар у киши ҳар гал, – биламан, сизларга жуда галати ва ҳайратли кўринади бу ҳаракат. Бир нарсани ҳеч унутманг. Аввало, муқаддас нонимизнинг бир ушоғиниям зое қилиш, оёқости қилиш мутлақо мумкин эмас, бу ахир гуноҳларнинг энг каттаси ҳисобланади. Қолаверса, сизлардан қолган нон бўлақларини олиб бориб молларига, чўчқаларига берадилар. Бунда яратган ризқ насибангизни камайтиради.

Шу-шу бўлди-ю, биз, бирга овқатланадиган курсдошлар Шухрат, Маҳмуд, Насим, Қутлимурад овқатланиб бўлгач, нон бўлакларини қолдирмайдиган, барча майда-чуйда нон бўлакларигача оладиган бўлдик.

Когон тумани далаларида пахта теримида эдик. Ёши каттароқ Саиджон Алиев, Мустақим Мирзаев, Ойтўра Расулова каби домлаларимиз пахтага чиқишмас, аммо баъзан шамба-якшанба кунлари биз, талабалардан хабар олгани, қол-аҳвол сўрагани пахта далаларига келишарди. Эсимда, бизларнинг курс талабалари билан суҳбатлашган Мустақим Мирзаев дала четига қалин челга ёнбошлаганча Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини ўқирдилар. «Адабий шилимизни шакллантирадиган энг муҳим восита – бу машҳур бадий асарлардир», – деб қайта-қайта таъкидлаган устоз Мирзаевнинг ўзи ўзбек адабиёти намуналарини доимо ўзгача меҳр билан ўқирдилар. Ўшанда биз уч-тўртта курсдошлар домлага яқинроқ масофада пахта териб юрардик. Йўл четига келиб турган очиқ қудранг «Волга»дан ректор Жума Намозов тушиб келди. У киши, назаримда, Мустақим Мирзаевдек ҳурматли профессорнинг пахта даласида эканлигини кўриб, машинасини сақлади шекилли, деб уйладик. Мирзаев домла атроф-теваракка деярли эътибор бермас, шу боисданми, ректор ёнига келиб қолгунча ҳам пайқамадилар. Ректор домла Мирзаев билан у тирсақлаб ётгани ҳолатида ҳурмат билан эгилиб саломлашди. Домла кўрмай қолганига хижолат бўлгандай нималардир деди.

– Хуш келибсиз, Мустақим Мирзаевич!

– Раҳмат. Лекин ўртоқ Намозов, биз ахир шунчаки меҳмон эмасмиз. Сиз биз катталарни пахта даласига чиқишга мажбур қилмай, ҳурматимизни жойига қўясиз,

рахмат бунинг учун. Лекин, ўртоқ ректор, бизларнинг қалбимиз кеча-кундуз шу ерда – пахта йиғим-теримидо жавлон ураётган шогирдларимизда бўлади.

– Домла, қаерда бўлманг, барибир китобдан, илмдан кўз уза олмаётганингиз ҳам ёшлар учун ибрат.

– Ҳа, ўртоқ Намозов, биз ўзбекистонликларнинг бир қўлимиз пахтада, бир қўлимиз китобу илмда бўлади...

Тиғиз иш-юмушлар билан банд ректор Намозов домла Мирзаев билан хайрлашиб, орада бизларниям унутмай «Қани ҳорманглар, болаларим!» – дея жўнаб кетар экан, Мустақим Мирзаев аввалги осойишталиги билан китоб мутолаасини давом эттирди. Устоз-домламизнинг ҳар қандай раҳбар-етакчилар олдида эгилиб-букилавермаслиги, ўзини бемалол тугиши ўз сифатларига эга эди. Бу – тўғри ва ҳалол, ўз билими ва иқтидорига ишонган ҳар қандай манфаатпарастликдан йироқ бўлган профессор Мирзаевдек инсоннинг маънавий қиёфаси саналади.

Туркменистонлик тилшунос олим Марат Акмаммедов хотираларидан:

– Туркман тилининг қардошли шевалари масаласига бағишланган номзодлик диссертациямга бошқа ҳолис баҳо олиш йўлланмаси билан Бухоро давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасига бордим. Ҳоятда сало батли ва жиддий инсон – кафедра мудирини профессор Мустақим Мирзаевич мени эътибор ва ҳурмат билан кутиб олдилар. «Иккаламиз ҳам шевашунос эканмиз», – деб мен билан самимий очиқлик билан суҳбатлашишлари кўнглимни кўтариб юборди. Мени ҳатто қайтиб келиб, овора бўлиб юришдан халос этиш мақсадида диссертация нусхаларини кафедра аъзоларига тарқатиб бериб, уч кун орасида ўқиб чиқиб, ёзма тақризларини тайёрлаш топшириғини берди-

лар. Энди бухоролик ҳамкасбларимнинг меҳмондорчилиги-
ни, ҳурмат-эҳтиромларини таърифлашга тил ожиз.
Диссертация муҳокамаси ғоят қўнғилли равишда ўтиб,
ижобий баҳо берилди. Шу воқеа сабаб бўлиб, Бухорои
шарифдан, бу муқаддас дину диёнат, илму маърифат
маконидан олижаноб инсон, дунёвий характердаги улкан
билим Мустақим Мирзаевдан, истеъдодли ва саховатли
ҳамкасбларимдан қалбимда унутилмас таассуротлар ва ёруғ
хониралар нақшланиб қолди.

Мустақим Мирзо ҳазратларининг ҳикматли
фикрларидан, ҳаётбахш ўғитларидан:

Ўзбекистонимиз – меҳрибон волидамининг тили, ҳуку-
мат уни давлат тили дейдимиз-йўқми, бундан қатъий назар,
Ўзбек тили чин маънода, том маънода расман, ҳа-ҳа расман
ДАВЛАТ тилидир! (Мен бу сўзларни Бухоро педагогика
институтининг учинчи курс толиби чоғим – 1971 йил домланинг
ларсидан савол-жавоблар жараёнида ёзиб олганман). Тили-
мизга нописандлар – Ватанимиз ва халқимизнинг душма-
нидир!

Нон ушоғиям – нон, унинг каттасиям, эндигина тандир-
дан чиққан бўрсилдоқ, иссиқ яхлит намунасиям нон. Кўпин-
ча нон ушоғининг ҳар жойда сочилган, ҳатто оёқости бўлиб
ётган ҳолатларига дуч келамиз. Гуноҳ, гуноҳ ва яна бир бора
гуноҳ бу, азизлар! Ахир муъжаз ушоққина нон ҳам ўша
қўркам бутун ноннинг бир бўлакчаси-ку!

Озарбайжон шоири Сулаймон Рустамнинг “Тилимга
тегма” шеърининг:

*Мен сенинг тилинга тегмасман, жаллод,
Сен ҳам менинг она тилимга тегма!*

деган улкан исёнкорлик, миллатпарварлик мақсади билан боғлиқ фикри барча халқларнинг, жумладан, бизларнинг ҳам қалб сўзимиз ҳисобланади.

**Шоирман дегани Сулаймон Рустамдек бўлсин,
дўстларим!**

Илм йўли энг эзгу, энг тўғри ва энг ҳалол ва албатта, энг машаққатли йўл. Демак, бу муқаддас йўлга кирган, киришган журъат этган кишининг ўзиям эзгу қалб, эътиқодли иродали ва чидамли бўлиши керак.

Муҳтарама аёлларимиз, гўзал қизларимиз!

Тилимизни, унинг поклигини, кадр-қимматини олтин узугингизни асрагандек эҳтиётлик ва меҳр билан ардоқлаш. Аслида она тилимиз олтин-марварид тақинчоклардан чандон баланд турадиган ноёб ва асл бойлигимиз эмасми!!

*Абдузаффор ХОИ,
адабиётшунох*

* * *

СЕВИМЛИ УСТОЗ...

Ҳали Бухоро давлат педагогика институтига киришни тайёргарлик кўраётган дамларда шу олийгоҳнинг тил ва адабиёт факультетини тугатган акам Исо Мираковдан домла Мустақим Мирзаев ҳақларида жуда кўп илиқ сўзларни эшитганман ва устозни кўришни орзу қилардим. Ниҳоят олийгоҳ талабаси бўлиш бахтига эришдим.

1 сентябр. Олийгоҳнинг қадимий Арк рўпарасидан эски биносидан янги ўқув йилининг бошланишини бағишланган йиғилиш ўтказилмоқда. Барча талабалар

иниари менинг қалбим ҳам ҳаяжонга, севинчга тўла. Мишбарда ўтирган устозлар орасидан профессор Мустақим Мирзаевни кўз билан кидирардим. Ўйғилишни бошқараётган факультет декани домла Тожи Қораев ҳурмат ва эҳтиром билан сўзни профессор М.Мирзаевга бердилар. Ҳали-ҳануз эсимда, домла салобат билан ўринларидан туриб, бир дам талабаларга назар ташладилар-да, самимийлик билан сўз бошладилар. У кишини диққат билан тинглар эканмиз, домладаги оқ кўнгиллик, одамохунлик, болажонлик, камтаринлик, шу билан бирга талабчанлик ва каттиққўлликни қалбан ҳис этдик.

Севимли устозимизга айланган домла дастлабки курсдан бошлаб бизга таълим бера бошладилар. Ҳар бир дарсларига чуқур тайёргарлик кўрган ҳолда келиб, берилган топшириқларни бажариб ёд олардик, ўзлари ёзган дарсликларни мутолаа қилардик, лекин уларни доска олдиди гапириб беришга ҳайиқардик.

Курсимиздаги кўпчилик талабалар вилоятимизнинг турли туманларидан бўлгани сабабли, уларнинг нутқида шева сўзлари кўп эди. Мавзу шевада тушунтирилса, домланинг кулиб турган чеҳралари бирдан тундлашиб, жаҳллари чиқарди-да, оғринган оҳангда «Сизлар бўлажак тил-адабиёт ўқитувчиларисиз, демак ёшлар ўртасида адабий ўзбек тилининг тарғиботчиларисиз. «Ўра», «бера», «шўра»ни тик ўрага», – дер эдилар. Домланинг ҳар бир дарсларига тайёргарлик кўраётган пайтда мен нуқул ойнага қараб адабий тилда гапиришни машқ қилардим. Устозим жавобимни тинглаб, табассум билан “Қизим, тилинг анчагина адабий тилда мослашибди, баракалла!” – дердилар.

Курсимиздаги талабалар орасида бўлажак шоиру шоиралар, сатирик ёзувчилар таълим олардилар, Ромитанлик Гавҳархон Жумаева домланинг туғилган кунларига атаб шеър ёзган экан, дарсда домлани табриклаб, ушбу шеърни ўқиб берди. Устоз жуда хурсанд бўлиб “Гавҳар қизимизга раҳмат”, – дея миннатдорчилик изҳор этдилар-да, шеър ёзилган варақни кўлларига олдилар ва шеърдаги хатоларни тузатиб, уларни таҳлил этдилар. Дарс мана шу шеърдаги хатолар устида ишлашга бағишланди.

Домла бир дарсларида саломнинг турларига тўхтадилар. Курсимиздаги 25 нафар талабанинг қай тарзда салом бериши таҳлил этилди. “Саломлар турлича бўлади: қорин салом, ўпка салом, кўш кўлаб салом ва ҳоказолар. Малоҳат хоннинг саломлари овозсиз, лабни қимирлатиб, бош эгиш тарзида”. Кўриниб турибдики, Мустақим домланинг хотиралари жуда кучли, у киши ҳаммага нисбатан эътиборли, ҳар кимнинг феъл-атворига қараб муомала қиладиган, ёшларнинг келажаги учун жуда қайғурадиган фидойи инсон эдилар. Домла ҳар бир дарсларини “Қани дарсни бошланлик-чи, ким билимда зўр экан!» – дея бошлардилар. Курсимизда дўстона рақобат кучли эди. Шу сабабли ҳам ҳасрат тилшунос олим, биз, талабаларнинг яқин дўсти, севилян устози, камтарин ва меҳнатсевар педагог Мустақим Мирзалиев ишининг давомчилари халқ таълимини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Мана 60 ёшни қаршилаётган бўлсам-да, фаолиятим давомида ўзбек тилининг софлиги, тараққиёти ва ривожини учун бунчалик жон қуйдирган фидойи инсонни учратмадим. Устозимнинг барча эзгу фазилатлари бутун

педагогик фаолиятим давомида дастуруламал бўлди, дея баралла айта оламан.

*Малоҳат МИРАКОВА,
Халқ маорифи аълочиси*



МЕҲРИ УММОН УСТОЗИМ

1979 йилнинг кузи. Талаба бўлганимдан оламга сиғмай турган кезларим. Машғулотлар муъжизалар дунёси бўлиб туришлари менга. Ҳар бир устозимдан янги қирраларни кашф этардим...

Мана, навбатдаги машғулотга қўнғироқ чалинди. Талабалар шай бўлиб турибди. Синф хонасига серсаватлат, нуроний, асо тутган устоз кириб келдилар. Бу ҳол бизни бироз чўчитгандек бўлди. Бунинг устига домланинг ўқтам шеъри бизни ҳайратга солган эди. Биринчи машғулотдаёқ устозга меҳр қўйган шогирдлар ҳали-ҳануз у кишининг фидойи, жонкуяр, ҳақиқий олимлиги олдида бош эгадилар. Ҳо, Мустақим Мирзаев биз учун она тилимизнинг чин маънодаги ҳимоячиси, саводхонлик посбони эдилар. Устоз олдида биз доимо «егти ўлчаб, бир кесар» эдик. Ҳар бир сўмлани аввал таҳлил қилиб, сўнг айтар эдик. Ахир таълимиде сухандонлари, газета таҳририятларига мактуб бўлаб, уларнинг камчиликларини рўй-рост кўрсатиб беришдан фидойи инсон ўз шогирдлари хатосини ёширмаслиги табиий эди-да...

Устоз ҳақиқий ўзбек отаси эдилар. Эсимда, янги ўқув йили бошланишида хонатлас кўйлак, зардўзи оёқ кийимида машғулотларга келдим. Ўша вақт бундай миллий кийим-

ларни камдан-кам қизлар кийишар эди. Домла менга қаради
“Нега турмушга чиқдинг? Ахир сен ҳали аспирантурада
ўқишинг керак эди!..” – дедилар. Мен эса уялиб турмушни
чиқмаганлигимни, бошимда зардўппи йўқлигини айтдим.
Домла хижолат тортгандек бўлдилар ва дарсдан сўн
кабинетларига таклиф қилдилар. Олдимга ликопчани
ширинлик қўйиб, шундай дедилар: «Қизим, билимни,
саводли шогирдлар давлатимизга керак. Сен албатта
ўқишни давом эттир...»

Ҳа, устозим билан билим соҳасида жуда кўп
суҳбатлашганмиз, ҳаммаси кечагидек эсимда. Хайриятки
хотиралар бор. Биз бот-бот улар билан “сирлашамиз”,
таскин топамиз. Ҳаётда ўз касбининг ҳақиқий фидойиси
борлигидан фахрланаман.

“Йил ўқитувчиси” танловида қатнашганимда эркин
мавзу сифатида устозим Мустақим Мирзаевнинг ҳаёти ва
фаолияти асосида сахна кўринишини тайёрлаб, фахрли
ўринни эгаллаганим Устозим олдидаги шогирдлик бурчим
ни ўтаганимнинг бир зарраси деб биламан. Ўзбек
тилшунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устоз
Мустақим Мирзаев биз шогирдларнинг ҳар бир сабоғида
бўй чўзиб турадиган орқа тоғимиздир. Бу тоғ қалбимизда
мангу қолади.

Майсара ЖУМАЕВА
Халқ маорифи аълочиси



БУХОРО ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ ШАРАФ ТОЖИ

*Олим агар ўз йўлига қатъий амал қилса,
илмига қараб иш тутса, дунёнинг ҳаром
молларига кўз олайтирмаса, ўткинчи дунёга
қайрилиб қарамаса бундай одамни шараф
тавҳарининг кони деб бил.*

Алишер Навоий

Бағрида не-не улуғ зотларни камолга етказган, илм нурлари ила азим Бухоро бағрини бамисоли қуёшдай ёритиб турган қутлуғ маскан – Бухоро давлат педагогика институтига(ҳозирги университет) қабул қилинган кунимни хали-ҳануз унутмайман. Талабаликка қабул қилиш маросимида олийгоҳнинг ўша пайтдаги ректори профессор Жума Намозов тилларида исм-шарифим янграган ҳамону у юшнинг ҳузурларига юриб эмас, учиб бордим. Гарчанд тўш кўрмаётганимга буткул ишонган бўлсам-да, бу қадар ўлкан бахтни кўтаролмаётган вужудим осмону фалакларда сайр қилаётгандек, туйғуларимга торлик қилаётган юрагим хижондан ёрилаётгандек эди.

Ҳужжатларни обдон кўздан кечирган институт раҳбарининг: “Ҳамма баҳолар аъло, аттестат ҳам қизил, нима сабабдан медаль беришмади?” – деган саволлари мени шунча хушёр торттирди. “Билмадим”, – дея бошимни кўтардим-да, негадир кўзим ёшланди. Бу севинч ёшлари эди. Аммо домланинг ёнларида худди ўзлари сингари ою қуёш янглиғ нур таратиб ўтирган олимларнинг таъриххоҳлик ила менга қаратган нигоҳлари юрагимни тоғдек кўтарди. Бу буюк зотлар орасида тил илмининг таҳмадкаш билимдони Мустақим Мирзаев ҳам бор эдилар.

Фаол, жўшқин ўқиш кунлари ҳам бошланди. Аудиторияга шахдам қадамлар билан Мустақим домла кириб келдилару, вазият ўзгарди. Айниқса, домланинг биз билан танишувни диктант ёздириш билан бошлаганликларни кўпчиликнинг дамини ичига тушириб юборди. Таҳлил дарсларини айтмайсизми? Доска олдига чиққан ҳар бир талабадан гапни ҳам морфологик, ҳам синтактик таҳлил қилишни, адабий тилда гапиришни талаб қилар эдилар. Қанчалар койимасинлар ҳеч биримиз ранжимасдик, аксинча, фанга бўлган масъулиятимиз янада ошарди. Шеъриятга бўлган иштиёқимни сеза туриб, менга “Бу кизимнинг исми ҳам Гавҳар, тахаллуси ҳам Гавҳар. Вақти келиб Ёзувчилар уюшмасига раис бўлади. Раис бўлиш учун эса тилни аъло даражада билиш лозим”, – деб майини жилмайиб кўнглимни кўтариб қўярдилар. Устознинг дўшани юзларига ярашган гўдакона беғубор табассум билан талабаларни ҳайратга соларди.

Ўшанда 3-курсда ўқир эдим. Домламиз Мустақим Мирзаевга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилгани ҳақидаги хушxabарни домламиз Аҳмаджон Абдуллаев бизга етказдилар ва курсда таҳсил олаётган шоиралардан табрик шеърини битишни сўраб, энди яхши шеър институт рўзномасида чоп этилишини айтдилар ва жуда қисқа, яъни танаффус пайтида ёзиш имкони берилгани учун шеърим жуда қисқа бўлди:

**Сиз забардаст тилшунос,
Фаннинг ёруғ юлдузи.
Нур сочасиз кўкларга
Тинмай кеча-кундузи.**

Улуғ устоз оламга
Таратдингиз ўчмас шон.
Дилдан қутлар шоғирдлар,
Муборак янги унвон !

Бухоройи шариф доврўғини дунёга таратган буюк шиймолар номлари қаторида филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мустақим Мирзаевнинг табаррук номлари ҳам бор. Бундай улуғ зотларга эса шоир Садриддин Салим Бухорийий таъбирлари билан айтганда «Туғилмоқ бор, ўлмоқ йўқ».

*Гавҳар ЖУМАЕВА,
Бухоро шаҳар 31-умумтаълим
мактаби собиқ ўқитувчиси*



ТИЛИМИЗ СОФЛИГИ ЙЎЛИДА КУРАШУВЧИ ЭДИ

Мустақим Мирзаев! Оғир, вазмин, етти эмас етмиш унчаб бир кесадиган, ўта мулоҳазакор бу инсоннинг ҳаёт нули барча учун ибрат эди. Устоз билан бир маҳаллада яшар эдик. У киши ҳар кўришганда дилхуш сўзлар билан омонлашарди. Бир куни йўлдан ўтаётган бола олимга «салом» деди. Тиланунос олим уни тўхтатиб, саломлашиш аслида қандай бўлишини тушунтирдилар. Ростини айтсам, у киши билан тез-тез суҳбатлашгим келарди. Бухоро телерадиоком-

панияси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Самандар Воҳидов таҳрир учун устозга мен орқали материал бериб юборганларидан ёнларига завқ билан борардим. Ҳар гал конвертни этиб бериш олдидан махсус тайёргарлик кўриб борардим. Чунки домла мени «имтиҳон»ларидан ўтказардилар. У кишининг бу одатлари менга ёқарди. Бир куни уйларига навбатдаги «нома»ни олиб бордим. Киришга рухсат сўраб, хоналарига қадам қўйдим. Катта кўзойнаклари устидан менга қараб, саволга тутдилар. Қўлларидаги яшил ранг ручканинг формалида, яъни «пистақи» деб айтилиши сабабини сўрадилар «Писта мағзининг ранги шунақа, шу сабабли «писта ранг» дейилади», дея жавоб қайтардим. Тилшуносликка оид таҳлиллар ўтказдик. Барчасига жавоб берганимдан сўнг қўлимга иккита конверт тутқаздилар. Бирининг бурчагида “С.Воҳидовга”, иккинчисида “Меҳрибонхонга” деб ёзилган эди. Менга аталган конверт ичига ширинлик солиб берибдилар. Устозим С.Воҳидов конверт ичидаги варақни менга кўрсатдилар. Унда қизил рангда “безаб” юборилган хато тўла хабар бор эди. Энди билсам, уларнинг бу ҳаракатлари сўзнинг нечоғлик аҳамияти-ю, тилимизнинг софлигини сақлаш учун курашишнинг қоғоздаги ифодаси экан.

Мустақим Мирзаев кечикувчи, ёлғон сўзловчи, ялқон талабаларни сира кечирмасдилар. Мен буни талабалари ҳақида сўзлаб бераётганларида сездим. Устоз бундай салбий хислатни ёшларга уларга қўйган “лақаб”лари билан жавоб берар эканлар. Масалан, «қизилишгон», «судралувчи», “танбалвой” ва ҳоказо. Яна шунақанги юмор тўла гаплари билан тасвирлар эдиларки, ўша талабанинг қандайлигини хаёлан чизардим. У кишининг сўзларида сеҳр бор эди гуё

Устоздек инсонлардан яна юзта бўлганда эди, биз ҳаммамиз соф адабий тилда гаплашар эдик. Менинг бу фикримни тилшуносларимиз ҳам тасдиқласалар керак.

*Меҳрибон ЗАРИПОВА,
Бухоро вилоят телерадиокомпанияси
телевидение гуруҳи катта муҳаррири,
«Шуҳрат» медали соҳиби*

УСТОЗ ЁДИ ДОИМ ДИЛЛАРДА...

Инсон ёшлиқда кўпгина баландпарвоз туйғуларга берилиб, устозларнинг ғамхўрлиги, жонкуярлиги, фидойчилиги ҳақида ҳамиша ҳам ўйлайвермас экан. Мана орадан бир қарч йилдан ортиқ вақт ўтибди. Олийгоҳда кўрган билганларимизнинг кўп қисми ёддан кўтарилибди. Лекин ҳамон машҳур тилшунос устозимиз Мустақим Мирзаевнинг "тилингни тузат", бу сўз шевада бундай, адабий тилда бундай талаффуз қилинади, мана бундай ёзилади, деб ўринмасдан дарс тахтасига ёзиб кўрсатишлари кўзим ўнгидан кетмайди. Куюнчаклик билан "магазин маҳкам" эмас, "дўкон берк", "оҳанрабо" эмас, "оҳанрабо", "говҳар" эмас, "гавҳар", "хамма" бошқа "ҳамма" бошқа сўз, "ўра", "бура", "шўра"нинг уйингда қолдириб кел, – деган танбёҳлари қулоғим остида жаранглаб туради. Устоз инсон руҳиятининг билимдони эдилар. Шогирдларнинг билим савиясини, фанга қизиқишини унинг юзига, кўзига қараб ҳам яққол била олардилар. Хаёл суриб, дарсда ўтирганимни ҳам унутиб қўйган дамларим бўларди. Устоз огоҳлантириш ўрнига "хаёл суриш ҳам яхши, шоирларга хос", – дер эдилар.

Устоздан қанча узоқлашсак, шунча қадр-қимматлари ошми,
оддий, камтарин, талабчан, шу билан бирга чуқур ва кен
билим эгасига бўлган эҳтиёжимиз шунчалар ошми
бораётганлигини юракдан ҳис этардик.

**Яқиндан тоғларнинг буюклиги ҳеч,
Кўрганинг тош эрур, туриб эрта-кеч.
Узоқдан кўринар удуг салобат,
Донишлар ҳикматин уйла, ўзинг еч.**

Йиллар ўтган сари Мустақим Мирзаев каби фидойи
жонкуяр, адабий тилимизнинг чинакам ғамхўри, она
тилимиз, адабиётимиз ва маданиятимизнинг қалқони жулда
камлигидан афсусланаман. Мана шуларни ўйларканман,
устознинг буюклигига тасаннолар айтаман. Ҳозирги ёш
тилшунос олимларда ана шундай фанга фидойилик
етишмаётганлиги мени ранжитади.

**Ҳалоллик, покликка тимсолдир устоз,
Ҳар сўзин юракдан қиламан эъзоз.
Илму фан, тилимиз яловбардори,
Мустақим Мирзодек буюк устоз оз.**

Айрим билими саёз, зўраки, олифта «устозча»лар
имтиҳонда талабаларни қийнаб, ўзларини «билимдон»,
«талабчан» қилиб кўрсатишга уринсалар, устоз шогирд
ларига ғамхўрлик, меҳрибонлик билан муносабатда бўлар
дилар. Шунинг учун ҳам талабалар устоз имтиҳонидан
кўнгли яйраб, қувониб чиқарди ва танлаган касбига, фанга
муҳаббати ортар эди. У киши республикада таниқли, маш
хур олим бўлсалар-да, ниҳоятда камтарин, касбдошларига
ғамхўр, бошқа олийгоҳлардаги олимлар ютуқларидан
қувониб, улар ёзган дарслик, рисола, мақолаларнинг
номларини ёздириб, ўқишга даъват этардилар. Уларнинг

бирортаси вафот этса, ниҳоятда куйиниб, ғамга ботиб, ўша олим фаолияти ҳақида бизга сўзлаб берардилар. Устоз адабий тилимиз ва саводхонликнинг яловбардори эдилар. Республика матбуотини зимдан кузатиб, хато ва камчиликлар ҳақида бонг уришдан эринмасдилар. Илмий ажумалларда йирик олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистларни аямай танқид қилиб, ўз нуқтаи назарларини қатъий зимоя қилардилар.

Шу ўринда бухоролик ёшларнинг бошқа вилоят ёшларига нисбатан саводлилиги, адабий тилга муносабати шқори эканлигидан фахрланаман. Бунда Мустақим Мирзаев ва у кишининг минглаб шогирдлари қўшган ҳисса беқиёсдир.

**Фанга фидоликни қилсанг гар ҳавас,
Мустақим Мирзога эргаш ҳар нафас.
Сўзларин кўзингга айлаб тўтиё,
Устоз изларидан юра олсанг бас.**

Устознинг яна бир ажойиб фазилатлари шунда эдики, мактаб дарсликлари, ҳатто биринчи синф ўқувчиларининг «Алифбе» китобигача у кишининг назаридан четда қолмас, ҳар қандай мураккабликни ҳам оддийлаштириб, содда, равои тилда тушунтириш, ўқувчи қалбига етказиш парафдори эдилар. Устознинг дарслари онгимизга шундай кўйилиб қолган эдики, биз она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, конспектларимизни ёддан, дарсликларга қарамасдан ёза олардик ва домланинг услубида дарс ўтиб ютуқларга эришардик.

**Оддийни мураккаб қилса ҳар олим,
Ёшларнинг илмига бўлади золим.**

**Мураккаб мисолни шогирд онгига,
Жойлаган олимдир содда, мулойим.**

Иш фаолиятим давомида нафақага чиққунча беш-олти марта малака оширдим. Фақат бир мартагина устознинг «таниш чехралар» деб қўлтиқҳассада бўлса-да келиб дарс ўтганлари ёдимда мухрланиб қолган. Кейинги ўқишлардан кўнглим тўлмаган, қониқмаганман. Чунки орамизда Мустақим Мирзаевдек забардаст, улуғ устозлар йўқлигини афсусланардим. Ўшанда дафтаримга қуйидаги мисраларни ёзиб қўйган эдим:

**Фикрини тинглашга доно изладим,
Олимлар учради, дардим сўзладим,
Юз олим топдим-у Сиз каби бироқ,
Бир устоз тополмай дилдан бўзладим.**

Буюклар орамизда бўлмасалар-да, уларнинг илм-фанга, шогирдларига ёрдами тегаверар экан. Бугун мустақил, дориломон замонда яшаётган эканмиз, устозлар ҳозир ҳам бизга тўғри йўлни кўрсатиб, ҳалоллик, тўғрисўзлик, фидойилик намунасини кўрсатиб, олдинки сафда юргандек туюлаверадилар.

Мустақим Мирзаевдек устозлар бўлмаганда:

**Қўлларда таёғу ўткир чағиртош,
Юрардик ғорларда ҳали ялангбош.
Оламда бўлмаса устозлар агар,
Нелигин билмасдик пиширилган ош.**

Устозимнинг руҳлари мададкор бўлиб, кўп йиллардан бери занглаб ётган ижод қаламимнинг учи чархланиб, онгу шууриmda шундай мисралар пайдо бўлди:

Нақадар буюқдир устоз деган ном,
Аллоҳдан бизларга берилган инъом.
Залворлик фан тоғин пойида туриб,
Саждалар қиламан туриб эрта, шом.

Устоз Мустақим Мирзаевнинг шогирдларига танбеҳлари
ҳақида хаёлий шеър:

Хаёлга берилиб туш кўрдим бир оз,
Муъжиза юз бериб тирилди устоз,
Портфелда луғату дафтару китоб,
Меҳр-ла бизларга қилдилар хитоб:
«Қаерда юрибсан Ҳамид-у Эргаш,
Ишларинг ночор-ку, барчаси чалкаш.
Тожи, сен бормисан, қайдасан Неъмат,
Садриддин Салим сен, бормисан Ғайрат.
Исроил, Жаҳонгир қайда юрибди,
Самандар, Бахшулла нечун турибди...
Сизларга ишондим Дорилфунунни,
Унутиб қўйибсиз имло – Қонунни.
Шогирдлар тилида минг турли хато,
Устозсиз, борлигин билмайсиз ҳатто...
Сезмайди газета, ойнаи жаҳон,
“Ҳ” билан “х” ҳарфин фарқини ҳамон.
“Ҳар одам” “хар одам” бўлдимиз яна,
“Ҳол”ни “хол” дейишса қилмайсиз таъна.
Пойтахтда “думли-ю думсиз” дейишса,
“Юмшоғу қаттиқ” деб номлар қўйишса.
Ҳадичани Ҳадича, хўрозни деса хўроз,
“Хур”ни “хур” у ҳам ёзарлар Меҳринос.
Шундай ёзмоқ “ҳиёнат”мас хиёнат...

Ҳикмат, Ҳиммат, Ҳижрат ҳамда Ҳидоят,
Деб ёздиринг, ҳеч ким бўлмас хижолат.
Субҳон, ёзиб олгин ушбу сўзимни,
Халққа етказ кўрмасанг-да ўзимни.
Ватан каби муқаддас бил тилингни,
Тилинг каби эъвозлагин элингни.

Субҳон ЁРОН

устознинг шогирди, «Мен билган дунё»
шеърий китобининг муаллифи



УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ...

Устозинг ҳақида, айниқса, қалбинг тўридан бир умр
жой олган юракка яқин инсон ҳақида ёзиш ҳам мароқли
ҳам бироз душвор. Азиз устозим, профессор Мустақим
Мирзаев ҳақларида хотираларимни ёзар эканман, борли
гимни ҳаяжон чулғаб олди. Ёшлиқдаги, талабалик даври
даги хотиралар мени ўз домига тортаверди. Устоз ҳақида
мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ билардим. Онам
Р.Аминова (Аллоҳ у кишини раҳмат қилган бўлсин) ҳам
профессор Мирзаевнинг шогирдларидан эдилар. У киши
устоз ҳақида ажойиб ибратли хикояларни сўзлаб
берардилар.

1973 йилда ўрта мактабни битириб, Бухоро давлат
педагогика институти (ҳозирги университет) ўзбек филоло
гияси факультети талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим.
Шундан кейин устоз билан бевосита мулоқотларимиз
бошланди. Талабаликнинг илк давридаёқ устознинг жуда

пухта билим эгаси, ўз касбларига ўта масъулият билан бинашадиган, фаннинг ҳақиқий жонкуяри эканликларига амин бўлдим. Домланинг ютуқлари шунда эдики, улардаги куюнчакликни, фидойиликни талабаларга юқтира олиш хусусиятига эга эдилар. Мен талабаликнинг дастлабки йилларидан бошлаб устознинг назарларига тушган шогирдлардан бири бўлганим билан фахрланаман. Домланинг ҳар бир соатлик сабоқлари менинг тилшунослик фанига бўлган қизиқишларимни, меҳр-муҳаббатимни оширарди. Устоз талабаларга нисбатан жуда қаттиққўл ва талабчан эдилар. Аммо саводли, билими пухта шогирдларига қараганларида кўзларида меҳр-муҳаббат балқиб турарди. Устоз катта ички маданиятга эга, шунингдек, ҳар бир талабанинг нутқ маданиятини яхши эгаллаши учун жон куйдирар эдилар. Ҳар бир зиёли инсон ўз она тилининг қоида-қонуниятларини пухта билиши лозимлигини доимо уқтирардилар. Вақтли матбуот материаллари, оммавий ахборот воситалари, янги нашрдан чиққан илмий китобларни, албатта, эринмасдан кўздан кечириб чиқардилар, уларда учраган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга эришардилар. Биз, шогирдларни ҳам ўз она тилимизга нисбатан бефарқ бўлмасликка ундардилар.

Мен устознинг қизлари Роҳилахон билан курсдош бўлганман. Бир куни дўстим мени уйларига таклиф қилдилар. Қишки сессия имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун менинг истиҳола билан домланинг уйларига бордим. Эшикни секин тақиллатдим. Устозимиз яқин жойда эканлар чоғи, уларни дарвозани очдилар. Мен ҳаяжондан қизариб салом бердим. У киши хушгавозеълик билан мени ичкарига

таклиф этдилар. Яна бир неча маротаба устоз хонадонларида бўлиб, шунинг гувоҳи бўлдимки, домла институтда қанчалик салобатли, талабчан, қаттиққўл бўлмасинлар, уйларида бутунлай бошқача – камтарин, ширинсухан, ҳазилкаш ва меҳмондўст инсон эканлар. Домланин камтаринликлари, оддий ҳаёт тарзлари, нақадар мусаффо қалб эгасию, фаннинг фидойи жонкуяри бўлганликлари ҳақида шоир Самандар Воҳидовдан ўтказиб бир нарса дей олмасам-да, устозимни тилшунослик фани осмонида порлаган энг ёрқин ЮЛДУЗ, дея баралла айта оламан!

80-йилларнинг охирида шаҳардаги нуфузли ўқув юртларидан бирида она тили ўқитувчисига эҳтиёж сезилган ва шу ўқув юртидан бир вакил устоз Мустақим Мирзаев хузурларига келиб, ишончли вакилларида бирини тавсия этишларини сўраган. Шунда домла менинг исм-шарифим ва манзилимни ёзиб берганлар. Тақдир тақозоси билан мени у даргоҳга ишга бормаган бўлсам-да, юзлаб шогирдларим орасидан мени танлаб, эътироф этганлари менда масъулият ҳиссини уйғотди. Устозимнинг менга билдирган ишончлари мени янада руҳантирди ва кейинги муваффақиятларимга сабаб бўлди. Фаолиятим давомида қанчалик обрў-эътибор қозонган бўлсам, қандай ютуқларга эришган бўлсам, бунда севимли устозимнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Шарқ халқларида азал-азалдан устоз-шогирдлик муносабатлари энг олий туйғу сифатида юксак қадрланган келинган. Устозимнинг ўз шогирдларига муносабатлари беғараз, самимий, ҳар қандай таъмаю манфаатлардан холи эди. Буюк олимлар, ижодкорларнинг икки умри бўлади дейишади. Биринчи умри – уларнинг тириклик даври

инкинчиси – улардан қолган нодир асарлар ва шогирдлар. Шундай экан, севимли устозимиз профессор Мустақим Мирзаевнинг ёрқин хотиралари қалбимизда абадий яшайди.

*Латифа ЖАЛОЛОВА,
устознинг шогирди*



УЛУҒЛИК ВА КАМТАРИНЛИК ТИМСОЛИ

Буюк шоиримиз Алишер Навоий «Иш эрур улким, ўзи они қилур, ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур» дейдилар. Ҳа, интадиган сўзи, қиладиган иши бир-бирига мос бўлган ошнинг меҳрибон, қаттиққўл, оддий, камтарин, камсуқум устозимиз филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев ана шундай инсон эдилар. Биз, собиқ талабалар тез-тез учрашиб, ёшлик-талабалик йилларимиз ҳақида, устоз-домлаларимиз ҳақида баҳслашамиз. Ана шунда, авваламбор, устоз Мустақим Мирзаев ҳақида хотираларимизни эслаймиз. Баъзи бир ота-онасининг навоҳида юрганлар барча фанлардан конспект ёзишимиз учун биргина умумий дафтар ва ручка кўтариб дарсга кирсак, устоз залворли қадамлар билан каттакон қизил портфелларини кўтариб келардилар. Портфелда дарсликлар, луғатлар, мақолалар, янги чиққан даврий маъбуот – газета ва журналлар бўларди. Газеталарда кўпгина мумлалар ости қизил қаламда чизилган имловий ва услубий хато ва камчиликлар тузатилган бўларди. Дарс тараёнида ҳар бир мисолни асосли, далилли қилиб жуда тоғда ва оддий тушунтирар эдилар. Олимларнинг адабий

тил ҳақидаги фикрларини ёддан айтардилар ва манбасини кўрсатиб ўқишга даъват этардилар, ҳаттоки вақтни тежаш мақсадида тушликни ҳам ўзлари билан олиб келиш, кафедрадагилар билан баҳам кўрардилар. Устозимизнинг дарслик, машқлар тўплами ёки илмий мақолалари ҳам самимий, содда, асосли, мисоллар ҳаётий бўлиб, онгимизда муҳрланиб қоладиган эди.

Орадан 40 йилдан зиёд вақт ўтибдики, “чойдан ичинг – чойни ичинг, ёзишга ўрганди – ёзишни ўрганди, боққа тўпланди – боғда тўпланди, ўқишга олиш – ўқиш учун олиш» каби иборалардаги маъно нозиклигини ёки бўлмаст эвфемизм (пардалаб гапириш) туғди эмас – енгил бўлди, ўлди эмас – вафот этди ёки луғатларнинг турлари, калкалани (бўғинлаб таржима), жаргонлар, арголар, имло қоидаларини тиниш белгиларининг ишлатилиши; ўзбек тилининг бойини манбалари, сўз таркиби таҳлили” каби юзлаб илмий тушунчалар бизнинг онгимизга шундай ўрнашган эдики, устознинг сўзлари ҳозир ҳам қулоғимиз остида жаранглаб туради.

Устоз, аввало, туркий тилларни, араб, форс, рус тилларини чуқур ва мукаммал билардилар. Мисолларни бошқа тиллар билан чоғиш-тирган ҳолда асослаб берардилар. Домламиз ўзбек адабий тилининг улус тарғиботчиси, шевашунос, тиниб-тинчимас фидойи жонкуяри ва ҳимоячиси эдилар. Доимий ўқиб-ўрганиш, тинимсиз изланиш, китоб мутолаасидан бўшамасдилар. Вақтли матбуотдан, фан янгиликларидан хабардор бўлиб, уларни талабаларга етказардилар. Устозимиз ўзларининг имловий хатоликларга муросасиз курашувчи, тўғри сўз,

камчилик ва хатоларни аёвсиз фош қилувчи эканликлари билан бутун республика аҳлига таниш эдилар.

Домламизнинг инсоний фазилатлари тафаккур ва илмий фаолиятлари каби буюк эди. 1976 йил баҳорида бўлган кучли zilзила домла дарс ўтаётган факультет биносига ҳам катта зарар етказди. Шифтдан тупроқ тўкилиб, дарсхоналарнинг билан қопланди. Домла дарсхоналардан талабаларни ташқарига чиқариб, энг охирида ўзлари чиқиб кетдилар. Ушанга устоз ўзларининг ҳаётларини эмас, талабаларнинг ҳаётини ўйладилар. Домла кўчада юриш қоидалари, саломлашиш, ўқишга муносабат, китобни асраш ва ундан туғри фойдаланиш йўллари ҳам эринмай ўргатар эдилар. Кўчани кесиб ўтаётган талабаларни огоҳлантириб, уларга йўл-йўриқ кўрсата туриб ўзлари автоҳалокатга учрадилар.

Фанга, касбга, талабаларга бўлган садоқат узоқ даволанганларидан кейин ҳам давом этди. Ҳассага таяниб бўлса-да илм-фанга катта ҳисса қўшдилар. Бугунги кунда ҳам тилимизда “боргинак-келгинак”, “борасдим-келасдим”, “борантим-келантим” каби сўзларнинг ишлатилаётганлиги, шевадан қутула олмаётганлигимизнинг далилидир. Ёки телевидениеда “ракурс”, “соундрек”, “анонс”, “шоу” каби сўзларнинг ноўрин ишлатилаётганлигидан, “менталитет” деган сўз олимларнинг, ҳаттоки мактаб ўқувчиларининг ҳам тилидан тушмаётганлигидан афсусланиб, “ўзбекча муқобили бор-ку, ахир!”, – деб бонг урган бўлардилар.

Устоз умрларининг сўнгги нафасигача илм-фан равнақи, адабий тилимизнинг софлиги учун фидойилик намунаси бўлиб яшадилар. Улуғлик ва камтаринлик, оддийлик ва инсонийлик тимсоли бўлган домламиз олдида,

гарчи бугунги кунда кексалик нафақасида бўлсак-да, ҳамон талабалармиз.

Султон ҚАРАЕВ, Хайрулло ХУЖАЕВ,
устознинг собиқ талабалари

УСТОЗ БИЛАН БОҒЛИҚ ХОТИРАЛАР...

..Ҳамон ёдимда. Биринчи курс талабаларимиз Кўнғироқ чалинди. Дарс хонасига лапанглаб кирган устознинг вазоҳатларини кўриб, сал безовталадик. Домла нима дандир ташвишда, кўлларида газета, уни бизга кўрсатиб “Нү нима?” – дедилар. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб, ахир бу оддий газета-ку, нега буни сўраяптилар, дея ўйладик ўзимизча “Бухоро ҳақиқати”нинг янги сони. Устоз уни қизил ручкада “безаб” ташлаганлар. Мен ўшанда бир тарафдан газетада ҳам имловий хатоларга йўл қўйилишини кўриб ҳайранланган бўлсам, иккинчи тарафдан домланинг редакцияга телефон қилиб, хатоларни тушунтириб, редакция ходимларига берган танбеҳларини эшитиб лол қолдим. Устоз фақат фан учун, тил тараққиёти учун туғилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Шу пайтгача устоздан бир оз кўрқиб юрар эдим. Аммо бу инсонга нисбатан бўлган фикрим ўзгарди. Шунда билдимки, домла мол-дунёга, мансабга қараб муомала қилмас эканлар. У кишининг яхши ўқийдиган, хатосини ёзадиган ва чиройли ёзувга эга бўлган талабага нисбатан ҳурмат-эътиборлари яхши эканлигини тушуниб етдим.

Биринчи босқичнинг дастлабки ярим йиллигида иккинчи имтиҳонимиз “Тилшуносликка кириш” фашидан бўлди. Домлага бўлган ҳурмат-эътиборим мени имтиҳонга

яъни тайёрланишга ундади. Имтихондан «5» баҳо олиб чиқдим. Ўша кунни сира унута олмайман. Бу дақиқалар хотирамда бир умрга мухрланиб қолган...

Устоз билан боғлиқ яна бир воқеа ҳамон эсимда. Дарс бошланди. Домла бизга бугун диктант ёзишимизни айтдилар. “Яна мактаб ўқувчисига айланарканмиз-да”, – дея ийиғимизда кулиб қолдик. Устоз тўртта гапдан иборат диктант ёздириб, бизнинг «институт» деган сўзни қайси биримиз тўғри ёза олишимиз мумкинлигини текширмоқчи бўлган эканлар. 29 нафар талабадан фақат иккитаси бу сўзни тўғри ёзди, лекин устоз ҳеч биримизни хафа қилмасдан мавзунини русча-интернационал сўзлар томон буриб, дарсни давом эттирдилар. Тилимизда «институт» сўзининг ўрнини боса олиши мумкин бўлган чиройли сўз борлиги, яъни «олийгоҳ» деган сўзни ишлатиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб, келажақда шундай деб аталишини ишонч билан айтган эдилар. Мана, устознинг орзулари амалга ошган даврга бизлар етиб келдик. Бу ўзгаришларни кўриб устознинг руҳлари шоду мунаввар бўлганлигини сезиб турибман.

Устоз! Сиз билан фахрланаман. Сиздан ва сиздек устозлардан сабоқ олганлигим бу менинг бахтим. Сиз каби устозлар хотирамда мангу яшайдилар.

*ДИЛОРОМ НЕЪМАТОВА,
она тили ва адабиёти ўқитувчиси*



ДУНЁДА УЧТА МУҚАДДАС НАРСА БОР: ВАТАН, ОНА, УСТОЗ!

Биз, шогирдлар домлаимиз Мустақим Мирзаевнинг ўзлигини таниган, юртини, халқини, тилини севган чин инсон сифатида қадрлаймиз. Гуруҳимиздаги 28 нафар ўзбек талабалари орасида битта мен озарбайжон қизи эдим. Домла мен билан баъзан озарбайжон тилида гаплашардилар ва озарлар ўз тилини жуда севишини таъкидлардилар. Устоз қўлида таҳсил олиб, ўзбек тилининг ранг-баранг қирраларини ўргандим. Мен ўзбек тилини пухта ўрганганимдан ҳамда бизга таҳсил берган барча устозлардан, айниқса фидойи инсон Мустақим Мирзаевдан жуда мамнунман.

*Назира НИЁЗОВА,
устознинг собиқ талабаси*



МИЛЛАТ ВА ИЛМ ЖОНКУЯРИ

Ўзбекистон миллий энциклопедияси бешинчи жилдининг 694-бетини ўқисангиз қуйидаги жумлаларга кўзингиз тушади. “Мирзаев Мустақим Мирзаевич (1912 – Бухоро – 1990.21.10) тилшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975). Филология фанлари доктори (1965), профессор (1966). Бухоро давлат педагогика институтини тугатган (1939). Ўша йилдан институтнинг ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси, кафедра мудири (1944)”.

Мустақим Мирзаев эришган ютуқларга қараб ҳам завқ оласиз, ҳам ҳавас қиласиз. Бир инсон шундай улуғ ишларни

ФОТО ТАСВИРЛАРДА МУХР ЛАНГАН
УМР ЛАҲЗАЛАР



ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ,
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ПРОФЕССОР
МУСТАҚИМ МИРЗАЕВИЧ МИРЗАЕВ
(1990 йиллар)



М.М.Мирзаев - 13 ёшда (биринчи мучал ёшлари).



**М.М.Мирзаевнинг мунис волидаи мухтарамлари
Мукаррам Ваҳובה**



**Мустақим Мирзаев учун ҳамиша меҳрибон умр йўлдошлари
бўлган Муҳаррам (Қиличхон) Мирзаева (Шодиева)
Мирзаев Мустақим Мирзаевич**



21 ёшда (1932 й.)



24 ёшда (1936 й.)



26 ёшда (1938 й.)



31 ёшда (1943 й.)



40 ёшда (1952 й.)



43 ёшда (1955 й.)



55 ёшда (1967 й.)



60 ёшда (1972 й.)



70 ёшда (1982 й.)



Мирзаев Мустақим Мирзаевич 78 ёшда



М.М.Мирзаев Самарқанд давлат педагогика институти филология факультетида ДАК раиси сифатида давлат имтиҳонларини қабул қилиш пайтида (1954 й. июнь).



М.М.Мирзаев Хоразм давлат педагогика институти ўзбек филология факультетида Давлат аттестацияси комиссия раиси сифатида имтиҳонларни қабул қилиш пайтида (1970 й. июнь).



1970 й. 14 июнь, Ҳамзабод (Шоҳимардон қишлоғи) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мақбараси олдида Фарғона эсдалиғи учун туширилган. Ўнгдан чапга: Алимухамедов Абдурасул (ФарДУ филология факультети декани), Мустақим Мирзаев (ДАК расиси), Қобилов Абдуҷаббор, Ғафуров Аҳмадали, Ашурматов Раҳим



М.М.Мирзаев (иккинчи қатор ўнгдан чапга биринчи) туркшунос олимлар А.Ғулумов (биринчи қатор чапдан ўнга иккинчи) ва А.Сафоев, Ғ.Абдурахмонов, Мамад оға Ширалиев (Азарбайжон), Ш.Шоабдурахмонов, Х.Зарипов, Ҳ.Ғулумов ва А.Ишаевлар орасида. (Тошкент,1970).



Факультет декани М.М.Мирзаев Бухоро давлат педагогика институти рус филологияси кафедраси аъзолари ва талабалари даврасида (1 қатор чапдан унга): Ямшиев (студ.), Куперман (студ.), Литван (студ.), Амиров (декан муовини), Миртов (профессор), Зиленская (студ.), Вайсерберг (студ.), Юматова (студ.)



М.М.Мирзаев Бухоро давлат педагогика институти Тарих-филология факультети профессор-ўқитувчилари даврасида (1955 йил декабрь).



Проф. М.М.Мирзаев ва проф. А.Рустамовларнинг Тошкент Рус тили ва адабиёти институтида учрашуви (1969 йил. 20 июнь).



Тожикистон Республикаси Шевченко номли давлат педагогика институти доценти, п.ф.н. М.Нуриддинов (чапдан биринчи) билан М.М.Мирзаевнинг (унгдан чапга биринчи) учрашуви (1936 йил 2 сентябрь. Душанбе ш.



Тилшунослик дарғалари: фил.фан.докт. М.Вайсерберг (чапдан
ўнга) ва фил.фан.докт.М.М.Мирзаев (Фарғона,
5 ноябрь, 1970 йил.)



Мирзаев Мустақим Мирзаевичнинг оиласи: биринчи қатор
чапдан Шавкат, Олима, Зулфия, Роҳила ва Истат; иккинчи
қатор: меҳрибон умр йўлдошлари Муҳаррама Мирзаева ва
Мустақим Мирзаев.



М.М.Мирзаев ўгли Шавкат Мирзаев (5 ёшда) билан суннат тўйида. (чап томондаги фото тасвир). Чапдан ўнга: М.М.Мирзаев, умр йўлдошлари М.Мирзаева, қизлари О.М.Мирзаева, биринчи ва сеvimли невараси Азизбек Икромов (ўнг томондаги фото тасвир).



Чапдан ўнга: проф. А.Б.Абдуллаев, Бухоро давлат педагогика институтининг ректори Ж.Н.Намозов ва профессор М.М.Мирзаев (институт йиғингоҳида 1980 й).



Дўст билан обод дилинг...

Ўқитувчи ва мураббийлар куни тадбирида (ўнгдан чапга:
проф. А.С.Алиев, проф. М.М.Мирзаев ва доц. Киргизбаев)



Дўстлар даврасида филология фанлари доктори Порсо
Шамсиев (фото тасвирда миллий чопонда) 1980 йил.



**Устознинг Бухоро вилояти касалхонаси жамоаси билан даврада
(1975 йил 10 октябрь)**



**Бухоро давлат педагогика институти XXVII илмий назарий
анжумани (1982 йил, Бухоро ш.). Чапдан ўнга: проф.
А.Б.Абдуллаев, проф. Ф.Х.Қосимов, БухДПИ проректори проф.
Н.И.Джаббаров, БухДПИ проф. В.А.Мўминов, доц. В.Никитин.**



Қарши давлат педагогика институтининг илмий назарий анжуманида. Чапдан ўнга: Ғ.Расулов, М.М.Мирзаев ва А.Муҳаммадқулов. (1968 й. 3 апрель).



Байрам сайлида (ўнгдан чапга: А.Мирхонов, Киргизбаев, М.Ахатова, В.Пак ва М.Мирзаев) 1968 йил.



**М.М.Мирзаев, (чапдан ўнга) доцентлар Оқбутаев
ва Э.Р.Қиличев (1966 йил).**



**М.М.Мирзаев шогирдлари проф.А.Ғуломовнинг оила даврасида
(биринчи қаторда ўнгдан чапга: А.Ғуломов, М.Мирзаев ва
А.Ғуломовнинг умр йўлдошлари)**



М.М.Мирзаев Бухоро давлат педагогика институти жамоаси билан Табиий фанлар факультети биноси киришида учрашуви (1969 йил) (чапдан ўнга): проректор В. Пак, доц.Байбутаси, доц.Хайруллаев, ўнгдан чапга: Шамсиддинова, проф. М.М.Мирзаев ва доц. М.Н.Рахматов, доц. А.Абдурахмонов



Устознинг Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси 2 "Б" курс талабалари билан педагогик амалиёт давридаги учрашуви (1986 й).



Чандан ўнга: Ражабий (Сирдарё Давлат педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди), Я.Ражабов (Хоразм Давлат педагогика институти доценти, фалсафа фанлари номзоди) ва проф. М.М.Мирзаевнинг “Ботаника” дам олиш уйида, 1974 йил.



Ўзбекистон Республикаси Навоий номидаги опера ва балет театри ёнида эсдалик фото тасвири (М.М.Мирзаев, Х.Сулаймонова, Н.Ҳотамов ва А.Хидиров), Тошкент ш., 1966 йил, 28 сентябрь.



Устознинг ўрта мактаб ўқитувчиларнинг малакасини ошириш
тингловчилари билан дарс ўтиш жараёни (1965 йил)



М.М.Мирзаев, (чапдан ўнга:) Ғ.Мирзабоев ва Х.Ҳакимовлар
билан 11 июнь 1981 йилда вилоят тадбиридаги эсдалик фото
тасвири



Устознинг Бухоро вилояти онкология диспансерида даволаниш
даврлари (унгдан чапга: диспансернинг бош врачлари К.Т.Файзиев,
даволаш врачлари Ш.Азимов, 1979 йил 23 август).



Биринчи қатор чапдан ўнга: А.Б.Ҳалим Зода, доц.Пақанаев,
М.М.Мирзаев, иккинчи қатор чапдан ўнга: Х.Х.Мамедов,
А.Мирханов ва бошқалар.



Устоз пахта йиғим теримида



Мустақим Мирзаевнинг Ўзбекистон филологлари даврасида,
Тошкент Давлат университетида, 1972й.




Физика-математика фанлари доктори, профессор Латиф Шарипович Хўжаев (ўнг томонда) ва филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаевич Мирзаевнинг (чап томонда) эсдалик фотолавласи



“Бухоро шевалари” мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-амалий изланишлар давридаги қишлоқ аҳоли билан даврада (Когон).

МУСТАҚИМ МИРЗАЕВНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ



**Мирзаева Истат
Мустақимовна, рус тили ва
адабиёти ўқитувчиси
(1948 й. туғилган.)**



**Мирзаева Олима
Мустақимовна, Бухоро вилоя-
ти ТРК журналисти ва
сухандони (1950 й. туғилган)**



**Мирзаев Шавкат Мустақимович техника фанлари доктори
Бухоро давлат университети физика кафедрасининг
профессори, физика-математика факультети декани (1953 й.
туғилган)**



Мирзаева Роҳила
Мустақимовна, ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчиси
(1959 й. туғилган)



Мирзаева Зулфия
Мустақимовна, инглиз тили
ва адабиёти ўқитувчиси
(1956 й. туғилган)



М.М.Мирзаевнинг ягона келинлари
Наботова Дилором Файзуллаевна,
Инглиз тили ва адабиёти ўқитувчиси
(1958 й. туғилган)

МУСТАҚИМ МИРЗАЕВНИНГ НЕВАРАЛАРИ



Мустақим Мирзаевнинг биринчи ва энг севимли невараси Азизжон Икромов (1974 й. т.), Мирзаева Олими Мустақимовнанинг ўғли.

Мирзаев Шавкат Мустақимовичнинг фарзандлари:



Мирзаева Дилфуза Шавкат қизи (1980 й.т.)



Мирзаев Акмал Шавкат ўғли (1986 й.т.)



**Кичик Мустақим Мирзонинг волидаси
Ҳамидова Дилноза Шавкатовна**



МУСТАҚИМ МИРЗО

**Мирзаев Мустақим Мирзаевнинг эвараси, Мирзаев Шавкат
Мустақимовичнинг невараси, Мирзаев Акмал Шавкатовичнинг
ўгли (2013 й.т.)**



Фото суратда: ўнгдан чапга – биринчи қатор Мирзаева Истат,
Мустақим Мирзаевнинг волидалари, Мирзаев Шавкат,
Мустақим Мирзаевнинг қайноналари, Мирзаева Олима,
Ҳақимова Саодат, Ҳақимова Ризвон; ўнгдан чапга – иккинчи
қатор Солиева, Мирзаева Мукаррама, Мирзо Жон қизи
Саидабегим, Саидабегимнинг ўғли Ҳақимов Ғайбулло, Мирзаев
Мустақим



Фото суратда: ўнгдан чапга биринчи қатор Мирзо Шариф қизлари Розия, Гулсара, ўғиллари Қахрамон; ўнгдан чапга иккинчи қатор қизлари Назира, умр йўлдошлари Худдиена Нарзи момо, Мирзо Шариф; учинчи қаторда ўғиллари Норқул Миржонов.

қилишга қандай журъат ва куч топганлигидан таажжубланасиз. Чунки домланинг ёшлик йиллари амирликнинг тугатилиши, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллардаги оғир даврларга тўғри келган.

Мен устоз домла М.Мирзаев ва у кишининг оилалари тўғрисида узоқ йиллардан таассуротга эга эдим. Биринчидан, домла М.Мирзаев билан бир мадрасада бирга ўқиган дўстлари Эшони Мухиддинхўжа Саидов уйимизга тез-тез келиб турардилар, Мустақим Мирзаев билан ҳадис ва тафсир илмини бирга олганликларини гапириб берардилар. Иккинчидан, шаҳарлик бувим домлага яқин кўчада қўшни эдилар, барча қўшнилар домлани қаттиқ хурмат қилишарди. Учинчидан, мен шу институтда ўқидим ва ишга қолдим.

Бугун биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, таниқли олим Мустақим Мирзаев билан боғлиқ хотираларни эста олишни ва домланинг руҳлари шод бўлишини истаймиз.

Устоз М.Мирзаев ўзбек тилининг ҳақиқий “қўриқчиси” эдилар. У киши чаласаводни ёмон кўрадиган, имловий камчиликка йўл қўядиган ҳар қандай инсонни эгаллаган мавқеидан қатъий назар тергардилар. Ҳатто Бухоро давлат педагогика институтида (ҳозирги Бухоро давлат университети) китоб ёки мақола ёзадиган ҳар қандай профессор-ўқитувчи домладан ҳадиксираб, “Бирор хато кетса профессор Мирзаев қизил қалам билан бўяб ташлайди”, деб диққат билан ёзарди. Бугун домланинг кадрлари билиниб қолди, албатта.

Яқинда бир мақолага манба излаб, Бухоро ҳақиқати газетасининг 1959-1965 йиллардаги нашрларини кўздан кечирдим. Мазкур йилларда домланинг илмий ва педагогик

фаолиятларига бағишлаб мақолалар, хабарлар ёзилган. Жумладан, Бухоро ҳақиқатининг 8 май, 1965 йил 89 сонидаги “М.Мирзаев – фан доктори” сарлавҳали мақолада шундай жумлалар бор: “Ўртоқ М.Мирзаев ўзбек тилининг Бухоро группа шеваларини бир неча йил давомида чуқур таҳлил қилиб борди ва ўзбек диалектологиясида биринчи бўлиб, Бухоро шевасининг ўзига хос хусусиятларини кенг ва атрофлича тадқиқ этиш шарафига муяссар бўлди. ... Йиринчи тилчи олим, журналист Мустақим Мирзаевнинг ижодий ишларига янада катта муваффақиятлар тилаймиз”.

Бундай табрикни вилоят газетасида беришнинг асосий сабаби М.Мирзаев фан доктори илмий даражасини олган биринчи маҳаллий кадрлардан эди. Домла миллий кадриятларимизни тиклашда, асрашда ва мустаҳкамлашда катта ишларни қилдилар. У кишининг феълларида ғурури, орият, эътиқод кучли эди. Бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, таниқли олим Мустақим Мирзаевнинг ҳаётлари билан боғлиқ китоблар ёзиш вақти келди. Домладаги жасорат бари илмдан.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги тўртликлари Мустақим Мирзаевдек инсонларга бағишланган.

*Улуғ бир аллома ўтди дунёдан,
Эл-юрт кузатди, бағрини тиглаб.
Шогирдлар букчайиб, сўнгсиз аламдан
Олимни тупроққа қўйдилар йиғлаб.*

*Дедилар: - У эди подири даврон,
Тафаккур қасрига бўлган зина.
Дедилар: – Бир келди бундайин Инсон,
Кетди унинг билан тенгсиз хазина.*

Мустақим Мирзаев ўзларидан кўплаб шогирдлар

қолдирдилар, шу билан бирга эл орасида хурматли фарзандларни тарбияладилар. Жумладан, ўғиллари Шавкат ака Мирзаев падарларидек ғайратли, камтар, ҳимматли, меҳмондўст, талабчан инсон. Биз Шавкат акага узоқ умр тилаб, домланинг эзгу ишларини давом эттиришларида яратгандан омад тилаб қоламиз.

*Худойназар ГОШОВ,
Бухоро давлат университети
“Тупроқшунослик ва география”
кафедраси мудири, доцент*

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ

Агар меҳрни бир дарё десак, устоз унинг илк жилғаси. Агар дунё бир боғ бўлса, устоз унинг боғбони, у қарвон бўлса, устоз унинг сарбонидир.

Халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деган нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Инсоннинг камолотга эришувида шаксиз улуғ зотларнинг ўрни бекиёсдир.

“Талабалик – олтин даврим” деган ибора бежиз айтилмаган. Бу йиллар инсон кўнглининг туб-тубига «тилло»га тенг хотираларни муҳраб қўяр экан. Талабалик йилларини ўслаганимда, энг аввало, ота-онамиздек меҳрибон устозларимизнинг нурли чехраларини кўргандек бўламан. Эргаш Қиличев, Ҳамид Неъматов, Саиджон Алиев, Тожи Қораев, Раҳим Воҳидов, Охунжон Сафаров, Мэлс Маҳмудов, Ойтўра Расулова, Олия Хўжаева, Насруллоҳ Шукруллаев, Мунира Қосимова, уларнинг сардори, табаррук ёшдаги тилшунос олим Мустақим Мирзаев... Эҳ-ҳе, рўйхатни қанча узоқ давом

этирмай, бизга касб сир-саноатларини пухта эгаллашда асқотадиган илмларни эринмай ўргатган устозларимиз бир-бир кўз олдимиздан ўтаверади. Улар жуда кўп. Ҳар бирларини эслаганимда юрагимда чексиз миннатдорчилик туйғусини ҳис этаман.

Тилшунос олим, профессор Мустақим Мирзаевдан домланинг дарс машғулотлари тингловчиси бўлиш бахтига биз 1985-1990 йилларда филология факультети талабалари ҳам эришишга муваффақ бўлганмиз. Устоз баланд бўйли, сипо кийинган, салобатли инсон эдилар. Сўнги пайтда оёқлари оғриб қолганди. Бир қўлда ҳасса, иккинчисидо чиройли муқоваланган дафтар, унинг остида қора сумка. Ўша кезларда бизнинг факультет 3-қаватда жойлашган эди. Лекин биз 80 ёшни қаршилаётган устозга қулайлик яратилиш мақсадида 1-қаватга тушар эдик. Устоз ўз касбларига нисбатан талабчан эмас, ўта талабчан эдилар. Шу бонд аудиторияга ҳаммадан аввал келиб, доскага бугунги мавзунини ёзиб бизни кутиб ўтирар эдилар. Биз ҳам кечикмасликка домладан вақтлироқ келишга ҳаракат қилардик. Оқ тилининг софлигига, адабий нутқ маданиятига эътибор беришлари ва ҳар бир сўзлашувда талабчанлик-лари бонд Мустақим домлага яқинроқ боришга, рости, бироз ҳайиқардик. “Шева қурсин, -га, -да, ақа, бақа, нима бу? Ассалом эмас, тўлиқ Ассалому алайкум”, – дея берган танбеҳлари барчанга дарс эди.

Ҳар биримизнинг овоз диапазонимиз, матнни маромига етказиб ўқиш, истеъдод маҳоратимизни баҳолаб борардилар. Устознинг кузатишларида келажакдаги кашфийтимиз ҳақида доноларча башоратлари ҳам бор эди. Муболага эмас, айнан менга қарата устозим “Сиз, қизим у

устингизда ишланг, овозингизда келажагингиз, фахр-ифти-хорингиз мухрланган. Олима Мирзаевага радиода шогирд гушинг, чехрангизда Бухоро акс этмоқда”, – деганларида ҳайрон қолганман. “Мартабангиз улуг, обрўйингиз баланд бўлсин”, – деган сўзлари ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглайди.

Устозни дарсдан сўнг ҳар биримиз кузатар эканмиз, университет дарвозасигача яна она тилимизнинг софлиги, адабий тилимизнинг гўзаллиги, сўзлашув нутқига эътибор қаратишимиз ҳақидаги мулоҳазалари бардавом бўларди. Ҳа, устозимиз шогирдларига талабчан, айни дамда жонкуяр, меҳрибон эдилар. Не бахтки, биз 1985-1990 йилларда таҳсил олган бир гуруҳ филологлар устоз Мустақим Мирзаевнинг дийдорларига мушарраф ва у кишининг илм зиёларидан баҳраманд бўлганмиз. Ҳар бир матн устида улар билан соатлаб ишлайдиган бўлдим. “Аввал “Бухородан гапирамиз” деган гапни қотириб қўйинг”, дердилар.

Домла ҳар бир шогирднинг кўзига қараб ичидан нелар ўтаётганини билиб турардилар. “Кайфиятинг қандай бўлмасин, қандай муаммо ва ўй-хаёллар сени қийнамасин, уларни ташлаб келгин, зотан сен минглаб тингловчиларга мурожаат қиласан. Буни уларга сездириб қўйишга ҳаққинг йўқ”, – деб бот-бот такрорлардилар. Илк бор устознинг қизлари, олий тоифали суҳандон Олима Мирзаева билан учрашганимда ҳам бу ўғитларнинг бардавомлигини илғадим. Устоз Мустақим Мирзаев менинг қалбимга суҳандон бўлишдек болаликдаги онам орзу қилган касбга янада ҳавас ва ишончни мустаҳкамладилар. Устознинг самимий насиҳатлари, доноларча башоратлари Бухоро вилоят радиосида фаолият юритаётган ўша кезларда, йиллар ўтиб, тез орада

Бухоро телевидениесининг ташкил топиши ва унда мен миллионлаб тингловчи ҳамда телетомошабинлар ҳурматиға сазовор бўлишимға замин бўлди, дея баралла айта оламан.

Айтмоқчиманки, устоз ҳақгўйликни, бир сўзликни ва масъулиятни ҳис этишни қадрлардилар. Шу боис маслаҳат сўраб келган биз ёшларға талабчанлик билан муносабатда бўлардилар. Домланинг «элаги» дан ўтиш осон эмасди. Мен айти шу хотира сўзларимни қоғозга тушираётган дамда илм қадрини билгувчи устоз сиймоларни гўёки мени ўша талабчанлик билан кузатиб тургандек туюлмоқда.

*Зухро РАМАЗОНОВА,
вилоят телерадиокомпанияси суҳандони*



УСТОЗ ХОТИРАСИ ҚАЛБ АРДОҒИДА

Мен самимий, камтарин, шу билан бирга буюк инсон, ўзбек тилининг софлиги учун бетиним меҳнат қилган, ушин ҳар бир ҳарфини тўлиқ талаффуз қилиш, сўз ташбеҳидан чиройли гап тузиш, уни равон ва чиройли, тингловчи қалбини ром этадиган интонация билан баён этишга ўргатган устозим Мустақим Мирзаевнинг сабоқларининг фаолиятим давомида эришган муваффақиятларимнинг асоси деб ҳисоблайман.

Мен – устозимнинг тўнғич қизлари Истат Мирзаева билан тенгдош, дугона. Ҳар гал уйларига борсам домла шун устида, дарслик, методик қўлланмаларни таҳлил қилиш, хатоларни қизил рангда тузатар эдилар. Китоб саҳифаларни

худди қизил рангга бўялгандек бўларди. Биз илму толиблар у кишидан камтарлик, донолик, хатосиз ва чиройли гапиришни ўрганганмиз.

Мен азиз устоз билан 1971 йилда Тошкентга, Низомий номли педагогика институтига илмий конференцияга бордим. Эрталаб чойхонада тановул қилдик. Домла омин қилганларидан сўнг турдик. Аммо столда егуликлар ортиб қолди. Устоз менга: “Буларни олгин, бу бизнинг ризқимиз, ризқни ҳар ерда ташлаб кетма”, – дедилар. Бу ҳалигача мен учун ҳаётгий қоида. Шундан бўлса керак ризқим бутун, турмушим фаровон (Устоз, охиратингиз обод бўлсин).

Мен тарих-география факультетида таҳсил олганман. Институтда ўтказиладиган барча маданий ва маърифий тадбирларда бошловчилик қилардим. Шунда устоз ҳар гал менга ютуқ ва камчиликларимни айтиб, ўзбек филологияси факультетида ўқишни давом эттиришимга маслаҳат берардилар. Мен тарихчи бўлсам-да, ҳанузгача кўпчилик мени тил ва адабиёт ўқитувчиси сифатида танишади. Бизларда бадиий адабиётга меҳр уйғотган, сўз санъати соҳидан сабоқ берган олижаноб инсон, буюк устоз, тилшунос олим Мустақим Мирзаев олдида таъзим қиламиз. У кишининг ёрқин хотираси ҳамиша қалбимиз ардоғида.

*Бонухон КОМИЛОВА,
устознинг собиқ талабаси,
Когон туман «Сухор» МФЙ маслаҳатчиси*

СЎЗНИНГ СЕҲРИ БОР

Сўз жуда катта қудратга эга. Унинг сеҳри юракларни тўлқинлантиради. Сўзни ўрнида топиб айтмоқ, тўғри талаффуз этмоқ бир санъат. Маромида гапирмоқ эса юксак иқтидорни заковатни талаб этади.

М.М.Мирзаев

Сўз – мўъжиза, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам сўз – маржонлар тизими. Ундан қанчалик тўғри ва оқилона фойдалана олсангиз бошқаларга ҳам маънавий озуқа берган бўласиз.

Сўз мен билан гўё бутун умр ҳамдамдек. Чунки вилоят радиосидаги 40 йиллик фаолиятим даврида етакчи сухандон бўлиб етишишимда менинг биринчи устозим – падарим бузрукворим, филология фанлари доктори, профессор, тилшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мустақим Мирзаевнинг ҳиссалари жуда катта бўлди. У киши оилада талабчан, қаттиққўл, шу билан бирга меҳрибон ота эдилар.

12 ёшимдан бошлаб ёзув машинкасида илмий ишлар, мақолаларни кўчира бошладим. Қай бир саҳифада имло ёки пунктуацион хатоларга йўл қўйсам, ўша бетни қайтадан чоп этишга мажбур эдим.

Оиламизда сўзлашув жараёнида ва ёзувда адабий тил қоидаларига қатъий риоя қилинар эди. Отамнинг ўғитлари ҳамда радиодаги жўшқин ижодий жараён мени сўз устаси бўлиб шаклланишимда катта мактаб бўлди. Раҳматини устозим Саиджон Аҳмедов билан эшиттиришларни ўқиб тугатгандан сўнг студиядан чиққанимиз заҳоти дадажоним

қўнғироқ қилиб, ҳозиргина ўқиган матнлардаги сўзлар талаффузида айрим хатоларга йўл қўйганимизни ва уни қай йўсинда тўғри талаффуз этиш кераклигини тушунтириб, кейинги гал уни тузатган ҳолда талаффуз қилишни уқтирар эдилар.

Оилада ҳам худди шундай. Беш нафар фарзандлар ўртасида бир-бирига муносабат, тўғри гапириш, тартиб-интизом, ҳурмат жуда кучли эди. Ҳар гал дастурхон атрофида тупланишимиз билан дадажонимизнинг панду насиҳатлари, эзгу амалларга даъват этувчи маслаҳатлари бир умр ёдимизда муҳрланиб қолган. Ҳар биримизнинг дарс тайёрлаш тартиби ва жараёнини синчковлик билан текшириб, саволлар бериб, жавобимизни диққат билан тинглаб, вазминлик билан уларга қўшимчалар киритар эдилар. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган давримизда эса имтиҳонлар олдидан уйда бир имтиҳон топширар эдик. Тўғри жавоб олсалар юзларида табассум билан мақтар, жавобимиздан қониқмасалар жиддийлашиб яна тайёрланиб, қайта жавоб беришимизни талаб қилардилар. Мана шу талабчанлик, қаттиққўллик биз, фарзандларда сезгирликни, билим ва қобилиятни шакллантирди, обрў ва шараф келтирди.

Турмушга чиқдим. Болалар туғилди. Мен келин бўлиб тушган хонадон отамнинг уйларида узоқроқ эди. Вилоят телерадиокомпаниясидаги фаолиятимдан ташқари дадажонимнинг кўплаб илмий мақолалари, рисолаларини чоп этиб, муҳарриримиз Меҳрибон Зарипова (отамнинг кўшнилари) билан уларни етказардим. Баъзида иш кунининг охиригача чоп этишга улгурмай, ишдан кейин қолиб чоп этишга тўғри келарди, бунинг устига баъзи бетларда хатога йўл қўйилса, яъни ҳарф устидан ҳарф уриш ёки ўчириш мумкин эмас эди, бу хато ҳисобланиб, танбеҳга сабаб

бўларди. Шунинг учун бетни қайта-қайта чоп этишга мажбур эдим. Бир куни иш вақти тугагач телерадиокомпания бош муҳаррири, устоз Самандар Воҳидов корхона хизмат автомашинасида мени ҳам уйга жўнаб кетиш учун чақириб қолдилар (чунки уйимиз бир йуналишда эди). Мен дадам юборган матнларни охиригача чоп этишга улгурмаганимни айтиб, қолиб ишлашимни билдирдим. Шунда Самандар ака «Ҳа, профессорнинг қизи бўлиш осон эмас, синглим, майли, соғ бўлинг», – дея кетиб қолдилар.

Вилоят телерадиокомпаниясидаги муҳаррир-сухандонлик ишларим билан бирга таржимонлик билан ҳам шуғулландим ва ҳозир ҳам уни давом эттираяпман. Ўзбекча рус тилларига сайқал бериб таржима қилишда, албатта, дадамнинг талабчанликлари, ҳар бир ишни бажаришда масъулият ҳисси билан ёндашишни ўргатганлари, қолаверса, мерос сифатида қолдирган китоблари, шу жумладан, 50 минг сўздан иборат русча-ўзбекча, ўзбекча-русча, изоҳли, синонимлар луғатлари менга жуда қўл келмоқда.

...Дадажонимнинг айтишларича, мен дунёга келган вақтда у киши фан номзодлиги учун илмий иш олиб бораётган эканлар. “Мана шу қизалоғимнинг пойқадами кутлуғ келиб, илмий ишимни муваффақият билан ёқлаб, олим мақомига эришай”, – деб менга Олима деб исм қўйган эканлар. Менимча, бу исмда эҳтимол дадамнинг ўзлари эришган мавқе қувончи билан менинг келажакда шу даражага етишувим умиди қоришиқдир.

ОЛИМА МИРЗАЕВА,
М.М.Мирзаевнинг қизи



ЖАВОҲИР ТИЛ ДЕРДИЛАР...

Ҳар бир миллатнинг севимли тили бор. Отам ўзбек тилини жавоҳир, дердилар. Уни эъзозлаб, тил ҳақида илмий китоблар ёзиб, элга таниддилар. Зотан тилшунослик ортидан фан арбоби бўлиш – оғир.

*Олим билан мутахассиснинг
Изланиш довони юксак бўлар.
Аммо бу довоннинг илк пойдевори
Адабий тил билан имло эрур.*

Ҳақиқатдан ҳам бу мисраларда қанчадан-қанча мазмун ётади. Ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъий назар, олимми, бирор соҳа мутахассиси, ҳаётнинг қайси жабҳасида бўлмасин, ўзининг миллий тилини билиши зарур, даркордир.

Мазкур тўрт қаторлик мисра мен учун азиз ва мўътабар инсон, падари бузрукворим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаевнинг ён дафтарчаларидан олинган. Мустақим Мирзаев ўзбек тили ривожига йўлига жавоҳирдан пояндоз тўшаб ўтган инсон. У киши содда, камтарин, аҳил оиламиз бошлиғи эдилар.

Бухоро шаҳар “Дўстчорағоси (ҳозирги Мирзофайёз кўчаси 32-уй.)” маҳалласининг тор кўчаларидаги оталари Мирзо бойдан қолган эски ҳовли дадамга улкан-улкан муваффақиятлар келтирди. Беш нафар фарзандлари бу ҳовлида дунёга келиб тарбияланди, ўқитилди, вояга етказилди. Фан номзодлиги, докторлик диссертациялари,

қатор-қатор дарсликлар, рисолалар, илмий мақолалар мана шу хонадонда ёзилди. Ўқитувчилар малакасини такомиллаштириш институтидаги хизмат вазифалари билан вилоятимизнинг қайси бурчагида бўлмай, дадам ҳақларида эзгу ва яхши хотираларнинг гувоҳи бўламан.

“Болага тарбия бермоқчи бўлсанг, уни “қўрқитиб”, “бақириб” эмас, балки ўргатаётган, уқтираётган ҳар бир сўзинг таъсирчан, боланинг онгига етиб борадиган бўлсин. Шундагина бола ўз устозини ҳурмат қиладиган, ундан ҳайиқадиган бўлади”, – дейишади. Дадамда шу хислат мужассам эди. Четдан келган кишига салобатли кўриш салар-да, аслида ҳаётда, оилада меҳрибон, ғамхўр, раҳмдил эдилар. Қаттиқ-қўлликни кўпчилик сиёсатли, деб ўйлашади. Қаттиққўллик бу ҳаётда, оилада, асосан, нимани билишимиз, ўрганишимиз, эришишимиз кераклиги учун ўта масъулиятли бўлиш ва шуларни талаб қилиш, деб ўйлайман. У киши мана шундай талабчан инсон эдилар. Ўғитлари ҳаёт учун, оила учун малҳам эди. Кўпроқ бадини асар, эртак, ҳикоя ўқишимизни талаб қилар эдилар. Қанча кўп ўқисанг, шунча кўп нарсани билиб оласан, ҳаётни кенг тушунасан, дердилар. Уйга меҳмон келганда ёки меҳмонликка борганда чиройли, адабий тилда гапириб, яхши муомалада бўлишни уқтирардилар бизга.

Биз оиламиз билан бахтли яшадик. Дадам билан онам бир-бирларини жуда ҳурмат қилишарди. Онамга ҳам, фарзандларга ҳам «сиз»лаб гапирардилар. Биз, фарзандлар бехосдан бир гуноҳ қилиб қўйсак, қаттиқ койиб берардилар, биз эса ўзимизни кечира олмасдик, кечирим сўрай кўнгилларидан чиқаришга ҳаракат қилардик.

Биз, фарзандлар ҳамиша ота-онамиз билан фахрланиб юрамиз. Уларнинг руҳлари шод бўлиб, фарзандлари, неваря-эвараларига мададкор бўлсин.

*РОҲИЛА МИРЗАЕВА,
М.М.Мирзаевнинг қизи,
ўқитувчилар малакасини ошириш
институтини тиллар кафедраси ўқитувчиси*



ТАБАРРУК ИНСОН ЁДИ

Мен бобом Мустақим Мирзаев яшаб ижод этган кўҳна ҳовлилардан бирида туғилиб вояга етдим. Бобожоним билан ўн ёшимгача шу масканда бўлиб, бир умрлик хотиралар билан яшайман. У киши вафот этганларидан сўнг ижодхоналари чироғи узоқ тунга қадар ёнмайдиган бўлди...

Хотирамда, кўп ўқиб-ёзардилар. Менга газета ўқиб беришни буюрдилар. Ё газетада, ёки мендан хато ўтса офтобни булут тўсгандай ҳолатга тушардилар. Ўша газетадаги хатоларни тузаттириб, таҳририятга «хатосалом» юборганликларининг кўп гувоҳи бўлганман.

Болалигимдан тилим бурро бўлганлиги учун бобожоним менга «булбули гўё» деб ном қўйган эдилар. Ҳар бир байрам ёки ҳайит кунларида ҳамма невараларини тўплаб, ёшига қараб харич пули ва конвертга солинган шоколад билан бизларни сийлардилар. Бу одат тусига айланган эди. Биз, невараларни доимо китоб ўқишга ундардилар.

Кейин... Бобожоним вафот этдилар. Мен у кишининг насиҳатларига амал қилиб, шахсий кутубхоналаридаги китоб ва дарсликларини мутолаа қилдим. Педагог деган шарафли номга сазовор бўлдим. Талабаларга таълим бериб келмоқдаман. Шунга англаб етдимки, тириклик дунёсида тил грамматикасидан гузалроқ маъво йўқ экан. Тил соҳасида олиму донишманд бўлиб, эл назарига тушишдек машаққатнинг ўзи ҳам олтин машаққат эканки, нури кўнгилларни ёритади, сўзлашувни гузаллаштиради. Сўзлашувни бенуқсон халқнинг эзгу амаллари ҳам кўпаяди.

Ҳар гал университетнинг ўзим таълим бераётган факультети остонасига қадам қўярканман, бобожонимга ўхшаб олийгоҳ ўқитувчиси бўлиб, у кишининг ишларини давом эттираётганимдан фахр ва ифтихорга тўлиб-тошаман. Фарзандларимга ҳам бобожонимнинг ўғитларини таъкидлаб, эзгу амалларни сингдиришга ҳаракат қилаяпман.

Бобожонимнинг руҳлари шод бўлсин.

ДИЛФУЗА МИРЗАЕВА,

М.М.Мирзаевнинг невараси (Шавкат Мирзаевнинг қизи), Бухоро давлат университети мактабгача ва бошланғич таълим факультетининг мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси



...ЖАВОҲИР КИТОБЛАР ҚОЛДИ

Саккиз-тўққиз ёшлар атрофида эдик. Раҳматли бобожоним мен билан бирга бошқа неваралари – Дилфуза,

Мохира, Нодира, Насиба, Зариналарни ўз ижодхоналарига чақириб, журнал ёки газета ўқиб беришимизни сўрардилар. Ҳаммамиз қатор туриб навбатма-навбат газета-журнал ўқиб берардик. Ўқиётганда бурро-бурро, сўзларни ажратиб, тиниш белгиларига амал қилган ҳолда ўқишимиз керак эди, акс ҳолда дакки эшитардик. Бир соат давомида бизни тинглаган бобожоним ухлаб қолдилар, деб ўйлаб, ўқишдан тўхтасак, аксинча, у киши яна тетиклашиб сўзма-сўз эмас, ҳарфма-ҳарф бизнинг оғзаки нутқимизни текширар эканлар. Бобожонимнинг қўлларига тушган газетанинг албат-та, аввал грамматик хатолари аниқланарди. Фонетик, орфографик, синтактик ва гап тузилишидаги хатолар тузатиларди. Менга айнан хатолари тузатилган газетани ўқиш ёқарди ва уйга келиб у кишига тақлид қилардим. Чунки бўш пайтларимда китоб, газета ва журналларни кўп мутолаа қилардим. «Невараларим ичида энг китобхони ўзингсан, Дилбарой», – деб менга кутубхоналаридан эсдалик дастхати битилган китоблар тақдим этар эдилар. У киши берган энг сўнги китоб ёзувчи Максим Горкийнинг асари эди. Мен уни уч ой ичида ўқиб, мазмунини бобожонимга айтиб беришим керак эди. Афсуски, сал ўтиб, соғликлари ёмонлашди, оғирлашиб қолдилар ва китоб мазмунини сўзлаб бериш насиб этмади.

Ўзбекистон телевидениесининг «Араб тилини ўрганамиз» кўрсатуви бошловчиси нутқида «нинг» қаратқич келишиги ўрнига «ни» тушум келишиги қўллангани тўғрисида танқидий мактуб йўллаган эканлар. Ушбу кўрсатувнинг кейинги сониде кўрсатув бошловчиси шу ҳақда изоҳ бериб, бобожонимдан узр ҳам сўраб қўйди. Минг афсуски, бу вақтда бобожоним ёруғ дунёни тарк этганларига бир ҳафта

бўлган эди. Ҳаммамиз кўзда ёш билан томоша қилган эдик бу узр сўрашларни.

Ойимнинг айтишларича, мен дунёга келган вақтда бобожоним Ойбекнинг янги чиққан «Дилбар – давр қизи» асарини ўқиган эканлар. Шу сабабли «Қизалоғинг давр қизи бўлсин, исми Дилбар бўлсин», – деб айтган эканлар.

Қайси бир таълим даргоҳига бормаи, бобожонимни танимайдиган инсон йўқлигининг гувоҳи бўламан. Айниқса, мен Мустақим Мирзаевнинг неваралариман, деганимда бошқача нигоҳлар қадалиши қалбимда фахрланиш туйғуларини уйғотиб юборади. Мана ўн саккиз йилдан бери таълим соҳасида фаолият юритиб, она тили ва адабиёт фанидан дарс берайпман. Ҳар бир дарс жараёнида бобожонимдан олган сабоқларим жуда асқотаяпти. У кишидек жонкуяр ва фидойи бўлишга ҳаракат қиламан. Бобомдаги жасорат тил софлиги учун кўрсатилган жасорат эди. Агар яна шундай фидойи инсон фаолият кўрсатганда эди газета, журнал, телеэкран, шиорлардаги хатоликларга йўл қўйилмас эди. Зеро, шоир Самандар Воҳидов ёзганларидек

*Тўплади талотўп замонда йитган
Табаррук тилининг тиллаларини.*

*ДИЛБАР ИКРОМОВА,
М.Мирзаевнинг невараси (О. Мирзаеванин
қизи), она тили ва адабиёт ўқитувчиси*



МАҚСАДИМ – ТИЛ ҲАҚИДА

Суюкли бувижонимнинг айтишларича, у кишининг падари бузрукворлари, тилшунос олим Мустақим Мирзаев 62 ёшларида биринчи невара юзини кўрганлар, яъни менинг дадажоним дунёга келибдилар. Ўша пайтда у киши давлат имтиҳон комиссияси раиси сифатида Хоразмда давлат педагогика институтида бўлган эканлар. Тўнғич невара дунёга келгач, тўтажоним ўша заҳотиёқ телефон орқали бу хушхабарни етказибдилар. Шунда олим «Мен 62 ёшга тўлиб неварали бўлдим. Мен учун бу невара азиз, исми АЗИЗЖОН бўлсин», – деган эканлар. Шу-шу дадажоним Азизжон олим оиласи учун жуда қадрли ва суюкли невара бўлиб келмоқдалар. Мен шу оилада туғилиб, вояга етган, жуда қаттиққўл ва талабчан инсон тарбиясини олган бувижоним, дадажонимдан ибратли ҳаёт сабоғини олганим туфайлими мактабда, коллежда таълим олган даврда олий ўқув даргоҳига ўқишга кириб, илм-фан сирларини чуқур эгаллашни жудажуда истардим ва ният қилардим. Ўрта мактабда таҳсил олган даврда турли фан олимпиадаларида, беллашувларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни олиб, фанни чуқурроқ эгаллашга ҳаракат қилардим. Шу билан бирга, устозлар қўлида аниқ фанлар бўйича тайёргарлик кўриб, олий ўқув юртига кириш учун жон-жаҳдим билан тайёргарлик кўрдим. 2016 йилда коллежни тугатиб, Бухоро давлат университети чет тиллар факультетига ҳужжатларимни топширдим ва тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлиш бахтига сазовор бўлдим. Бу мен учун жуда катта бахт эди. Катта бобожоним, профессор Мустақим Мирзаев ўзларининг бутун умрларини ёшларга

таълим-тарбия бериш ишларига бахшида этган ушбу даргоҳда мен ҳам таълим олишга муяссар бўлганимдан қувончим ичимга сиғмайди.

Профессор Мустақим Мирзаевнинг бир мақолаларини ўқиганимда шундай жумлаларни учратдим: «Чет тилларини ўрганиш жуда яхши, аммо одам учун энг зарури ва фойдалиси бу она тилисидир. Зеро, она тилимиз – миллии ўзлигимизнинг тамал тоши. Ўз она тилингни яхши билсанг, бошқа тилларни ўрганишинг ҳам осон кечади».

